

**ЎТМИШГА НАЗАР**

---

**ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

---

**LOOK TO THE PAST**

№23 (2019)



TOSHKENT-2019

**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Мургазасва Раҳбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий Университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Жаҳон Тиллари Университети

**"Ўтмишга назар" журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial Board of the Look to the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет (Грузия)*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет (Грузия)*

**Кожакеева Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий Университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
Жаҳон Тиллари Университети*

**Зияева Доно Хамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчехра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,  
Ўзбекистон Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б.,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Джоробекова Айнура Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи  
ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия  
академияси, Қозоғистон Республикаси*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент Кимё -  
Технология Институтида*

**Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амир Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


<b>1.Хайдаров И.М.</b> ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АГРАР-САНОАТ КОМПЛЕКСИ ТАРИХИДАН (XX асрнинг 60-80 йиллари).....	4
<b>2.Азаматова Г.Б.</b> АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИДА ХОТИН - ҚИЗЛАР ҲАРАКАТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....	14
<b>3.Бутаев У.</b> МУРАККАБ ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА ҲАҚИҚИЙ МУСТАҚИЛЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ.....	24
<b>4.Ёдгоров З.Ш.</b> ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ.....	31
<b>5.Мажидов А.Ф., Абдурасулова Д.Т.</b> ТАРИХИМИЗНИНГ ҲАСРАТЛИ САҲИФАЛАРИ ХУСУСИДА БАЎЗИ МУЛОҲАЗАЛАР.....	40
<b>6.Пардаев Т.Р., Турсунов Ж.Н.</b> МУСТАБИД ТУЗУМНИНГ МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА МУНОСАБАТИ.....	44
<b>7.Охунжонова Ш.Ю.</b> ТОШКЕНТ БОЗОРЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ МАНБАЛАРДА АКС ЭТИШИ.....	50
<b>8.Тухтаева М.С.</b> XX АСР ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТШУНОСЛАРИНИНГ ЎРТА ОСИЁДА ШАРҚ УЙҒОНИШ ДАВРИ САНЪАТИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	59
<b>9.Шукуров Р.</b> БУХОРО БОСҚИНИ АРАФАСИДАГИ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТАРИХ ТАДҚИҚОТЛАРИДАГИ ТАҲЛИЛИ.....	68
<b>10.Тўпчиев У.С.</b> XIХ АСР ОХИРИ-XX АСР БОШЛАРИДАТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА ВИНОЧИЛИК САНОАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ.....	75
<b>11.Мадаминова Д.И., Мустапова Х.И., Суюнова Б.С.</b> ЯПОНИЯ ТАШҚИ СИЁСАТИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВЕКТОРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	89
<b>12. Нарзуллаева Н.А.</b> ХИВА ХОНЛИГИ МЕТРОЛОГИК ТИЗИМИ.....	96

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Ҳайдаров Иззатилла Маҳмутаалиевич,  
Тошкент давлат шарқшунослик институти  
Марказий Осиё халқлари тарихи ва манбашунослиги кафедраси доценти,  
тарих фанлари номзоди

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АГРАР-САНОАТ КОМПЛЕКСИ ТАРИХИДАН (XX асрнинг 60-80 йиллари)

*For citation: Izzatilla M. Haydarov. The history of the agro-industrial complex in Uzbekistan (60-80s of the 20th century). 2019, vol. 23, issue 2, pp. 4-13*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-23-01>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада совет ҳукумати томонидан XX асрнинг 60-80 йилларда мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан таъминлаш мақсадида аграр-саноат комплексининг шакллантирилиши унинг таркибий қисми сифатида Ўзбекистонда ҳам аграр-саноат комплексининг ташкил қилиниши, унинг Ўзбекистон халқ хўжалигига ва саноати таъсири ёритилган. Шу билан бирга мақолада аграр-саноат комплексининг соҳаларга бўлинган қишлоқ хўжалик хом ашёсини тайёрлаш, қайта ишлаш, ташиш, сақлаш ва ундан тайёрланган маҳсулотни сотиш билан боғланган тармоқлари бўйича масалалар ҳам баён қилинган. Шунингдек ишда турли манбалар ўзаро қиёсий таҳлил қилинган ва якуний хулоса берилган.

**Калит сўзлар:** бошқариш, саноат, марказлаштириш, ислохот, маъмурий-бўйруқбозлик, иқтисод, хўжалик, тизим, қонун, корхона.

Ҳайдаров Иззатилла Маҳмутаалиевич,  
Ташкентский государственный институт востоковедения  
доцент кафедры Истории и источниковедения  
народов Центральной Азии, кандидат исторических наук

## ИСТОРИЯ АГРОПРОМЫШЛЕННОГО КОМПЛЕКСА УЗБЕКИСТАНА (60-80-е годы XX века)

**АННОТАЦИЯ**

В статье описывается формирование агропромышленного комплекса в Узбекистане советским правительством в 60-80-х годах 20-го века для обеспечения страны продовольствием и сельскохозяйственным сырьем, а также его влияние на национальную экономику и промышленность в Узбекистане. В то же время в статье рассматриваются сектора агропромышленного комплекса, связанные с производством, переработкой, транспортировкой, хранением и реализацией сельскохозяйственной продукции, разделенные на сектора. Исследование также дает сравнительный анализ различных источников и делает выводы.

**Ключевые слова:** управления, промышленность, централизация, реформа, командно-административное управление, экономика, хозяйство, система, кооперация, закон, предприятия.

**Izzatilla M. Haydarov,**

Tashkent State Institute of Oriental Studies  
Associate Professor of the Department  
of History and Source Studies of Central Asian Peoples,  
Candidate of Historical Sciences

**THE HISTORY OF THE AGRO-INDUSTRIAL COMPLEX IN  
UZBEKISTAN (60-80s of the 20th century)****ANNOTATION**

The article describes the formation of the agro-industrial complex in Uzbekistan by the Soviet government in the 60-80s of the 20th century to provide the country with food and agricultural raw materials, as well as its impact on the national economy and industry in Uzbekistan. At the same time, the article deals with the sectors of the agro-industrial complex associated with the production, processing, transportation, storage and sale of agricultural produce, divided into sectors. The study also provides a comparative analysis of the various sources and draws conclusions.

**Key words:** management, industry, centralization, reform, command-administrative management, economy, economy, system, cooperation, law, enterprises.

**К**оммунистик партия аграр сиёсатни ривожлантириб, қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган комплекс дастурини ишлаб чиққан эди. Бу дастур асосида жуда катта иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган иккита вазифа: мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан таъминлаш, бунинг учун ҳамиша етарли заҳирага эга бўлиш ҳамда шаҳар ва қишлоқни бир-бирига яқинлаштириш - коммунистик қурилишнинг кўпгина катта ижтимоий-иқтисодий муаммоларининг ҳал этилиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва мустақамлаш билан боғлиқ бўлган. Шу боисдан ҳам совет ҳукумати аграр сиёсатни ўз иқтисодий стратегиясининг таркибий қисми деб билган[1, Б.38].

КПСС Марказий Қўмитасининг март (1965 й.) Пленумида Л.И.Брежневнинг ташаббуси билан партия аграр сиёсатининг янги йўли ишлаб чиқилган эди (Пленум белгилаган бу йўл кейинчалик КПССнинг XXIII (1966 й.), XXIV (1971 й.), XXV (1976 й.) ва XXVI (1981 й.) съездлари қарорларига мувофиқ ривожлантирилди).

Партиянинг аграр-сиёсий йўли қишлоқ хўжалигини интенсивлаш, уни индустриал асосга ўтказиш йўналишида ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган комплекс дастурида ўз ифодасини топган эди. Аслида, Ленинча кооператив режани амалга оширишнинг учинчи босқичи шу даврга даврга тўғри келган бўлиб, бунда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг хўжаликлараро кооперациялаш ва аграр-саноат интеграцияси негизида ихтисослаштириш, марказлаштиришни кучайтириш билан ифодаланади [2, б.16].

Ўнинчи беш йилликда қишлоқ хўжалик хом ашёси етиштиришнинг ўртача йиллик ҳажмини аввалги беш йилликка нисбатан 14-17%га кўпайтириш вазифаси қўйилган эди. Бу вазифани бажаришда аграр-саноат интеграцияси муҳим роль ўйнаши лозим бўлган. КПСС XXV съездида шундай деб уқтирилган эди: "Хўжаликлараро кооперациялаш ва аграр-саноат интеграцияси негизида ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрациялаш замирида маҳсулот етиштириш ҳажмини тез кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайитиришнинг катта имкониятлари яшириниб ётибди. Бизнинг ташкилотчилик ишимиз, режалаштириш, иқтисодий омиллардан фойдаланиш бу илғор жараёнга ҳар тарафлама кўмаклашиши лозим"[2, Б.42]

КПСС МҚ партия XXV съезди қарорларига мувофиқ, 1976 йил майда "Хўжаликлараро кооперациялаш ва аграр-саноат интеграцияси негизида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ихтисослаштириш ва концентрациялашни янада ривожлантириш тўғрисида" қарор қилган эди[3, Б.6].

Аграр-саноат интеграцияси жараёни жадал давом эттирилиши натижасида мамлакатда тузилган 8 мингдан кўпроқ хўжаликлараро ва аграр-саноат корхонаси ҳамда бирлашмаси кўп миқдорда хилма-хил маҳсулот берарди. Шу жараённинг кучайиши аввало тармоқлараро алоқаларни такомиллаштиришда ва локал аграр-саноат комплексларини ривожлантириш-да, кооперациялашган корхоналарнинг кўпайишида, уларга жамоа ва давлат хўжаликларини жалб этишда ўз ифодасини топиб борди.

Аграр-саноат комплекси халқ хўжалиги миқёсида қишлоқ хўжалик хом ашёсини етиштириш, қайта ишлаш ва сотиш билан боғлиқ бўлган иқтисодиётнинг кўп тармоқларини ўз ичига оларди. Қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, минерал ўғит ва шу кабиларни ишлаб чиқарувчи кимё индустрияси тармоқлари, қишлоқ электр энергетикаси, омухта ем саноати, қишлоқ хўжалик хом ашёси асосида ишловчи озиқ-овқат ва енгил индустрия шу комплекс таркибига кирарди.

Аграр-саноат комплекси уч соҳага бўлинган: биринчиси қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи тармоқларни ўз ичига олган бўлса, иккинчиси қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳамда ишлаб чиқариш-техник, агрокимё, ирригация, мелиорация, ветеринария-санитария хизматларидан, учинчиси эса қишлоқ хўжалик хом ашёсини тайёрлаш, қайта ишлаш, ташиш, сақлаш ва ундан тайёрланган маҳсулотни сотиш билан боғланган тармоқларни ўз ичига олган.

СССР халқ хўжалигининг аграр-саноат комплекси тизими қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

**1-жадвал.**

**СССР халқ хўжалигининг аграр-саноат комплекси тизими (СССР халқ хўжалигининг 1972 йилда тузилган сўнги тармоқлараро баланси маълумотлари**

## асосида)[4, А.20]

Кўрсаткич	I-соҳа	II-соҳа	III-соҳа
Ходимлар сони (млн киши)	4,8	29,0	10,1
АСКдаги барча ходимларга нисбатан % ҳисобида	10,9	66,2	22,9
Ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот: АСК ялпи маҳсулотига нисбатан % ҳисобида минг сўм	16,3	40,4	43,3
Бир ходим ҳисобига минг сўм	10,7	3,8	19,8

АСК ходимларининг асосий қисми комплекс ялпи маҳсулотнинг 40%дан кўпроғи бевосита етиштирилаётган қишлоқ хўжалигида (иккинчи соҳада) тўпланганлиги жадвалдан кўриниб турибди. Бироқ қишлоқ хўжалигидаги бир ходим ҳисобига бу соҳада етиштирилган маҳсулот биринчи соҳадан уч баравар, учинчидан эса беш баравар кам бўлган. Бу маълумотдан қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлигининг даражаси саноатга нисбатан жуда паст бўлганини яққол кўриш мумкин. Саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги иқтисодий шарт-шароитларни тенглаштириш аграр-саноат интеграциясининг бош вазифаларидан бири эди.

Аграр-саноат комплекси мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутарди. СССР халқ хўжалигининг 1972 йилги тармоқлараро баланси маълумотларига кўра, комплекс ходимларининг сони 43,9 млн кишини ёки жами ишловчиларнинг 37,9%ини ташкил этган. 1974 йилда жами ижтимоий маҳсулотнинг тахминан 38%и аграр-саноат комплексига кирувчи тармоқларда етиштирилган. Аграр-саноат комплексининг миқёслари халқ хўжалиги бошқа ҳамма комплексларнинг ҳажмидан анча катта бўлган. Унинг асосий соҳаси бўлган қишлоқ хўжалиги унга ишлаб чиқариш воситаларини етказиб берувчи халқ хўжалиги ҳамма тармоқларининг 60%и ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини истеъмол қилувчи тармоқларнинг 70%и билан алоқа ўрнатган эди[4, Б.22].

Мамлакат халқ хўжалиги аграр-саноат комплексининг кучли худудий бўғини бўлган Ўзбекистон аграр-саноат комплекси ўзининг асосий вазифаси - деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш билан бирга қишлоқда саноат тармоқларини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалигини индустриал асосда ўзгартириш учун шарт-шароит яратди.

Қишлоқ хўжалигини индустриялаш ва интенсивлаш йўли республика АСКнинг биринчи соҳасининг ўсишига ёрдам берди. 1965-1978 йилларда минерал ўғит ишлаб чиқариш (шартли birlikларда) 2,8 баравар, тракторлар 1,3 баравар, пахта териш машиналари 1,3, электр энергия 3 баравар кўпайган. Натижада, шу давр ичида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг энергетик қуввати икки баравардан кўпроқ ошган. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида банд бўлган ҳар бир ходимга ҳисоблаганда энергия билан таъминланиши 1,8 баравар кўпайиб, 11 от кучига етган, 100 гектар экинзор ҳисобига энергия билан таъминланиш эса икки баравар ортиб, 465 от кучига етган. Машинада терилган пахтанинг салмоғи 1965-1979 йилларда икки баравардан зиёд, машинада сабзавот экиш 2,5 баравар, сигирларни машинада соғиш 5,9 баравар, қорамол фермаларида автомат усулида суғориш 2,8 баравар ортган.

Биринчи соҳадан ишлаб чиқариш воситаларнинг кўплаб юборилиши Ўзбекистон

АСКнинг иккинчи соҳаси ривожини таъминлади. Ҷинчи беш йилликнинг тўрт йили ичида республика қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ўрта ҳисобда тўққизинчи беш йилликнинг шу даврига нисбатан режадаги 19,1% ўрнига 21,6% кўпайган. Беш йилликнинг тўрт йили мобайнида 9 млн тонна, яъни режада белгилангандан 1,4 млн тонна кўп дон, 22,3 млн тонна ёки режадагидан 480 минг тонна кўп пахта, 13,9 млн тонна ёки режага нисбатан 1 млн 58 минг тонна кўп сабзавот-полиз маҳсулотлари ва мева етиштирилган. Гўшт, сут ва тухум харид қилиш ҳажми Ҷинчи беш йилликнинг дастлабки тўрт йили учун белгиланган топшириқдан анча кўп бўлди. Қуйидаги жадвалда Ўзбекистон қайта ишлаш саноатининг муҳим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш динамикаси келтирилган.

2-жадвал.

**Ўзбекистон қайта ишлаш саноатининг муҳим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш динамикаси[5, А.14]**

Кўрсаткич	1940 й.	1950 й.	1960 й.	1965 й.	1970 й.	1974 й.
Пахта толаси, минг т.	534,4	670	1092	1236,6	1383,8	1581,5
Ипак хом ашёси	0,7	0,8	0,9	1,0	1,2	1,4
Пахта матоси млн линеер м.	107,4	161,2	235,0	254,0	210,0	218
Ипак матоси млн линеер м.	4,5	8,7	24,0	37,8	50,4	86
Ўсимлик (пахта) ёғи минг т.	142	152	258	309	294	404
Мева-сабзавот консервалари млн банка	39,0	73,0	178,0	232,0	334,0	522
Узум виноси млн дал	1,9	1,4	3,1	4,5	7,9	10,3

Жадвалдан кўришиб турибдики, бу вақт оралиғида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги хом ашёсига бирламчи ишлов бериш тармоғи муҳим ўрин тутган.

Ўзбекистон АСКнинг биринчи ва иккинчи соҳаларининг ривожланиши халқ хўжалигининг провард натижаларига ижобий таъсир этган. Хусусан, енгил ва озиқ-овқат саноатининг маҳсулоти (учунчи соҳа) бунинг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилган. 1965-1978 йилларда пахта толаси ишлаб чиқариш 43%, хом ипак 74, чарм пойабзал 99, сут маҳсулотлари 187, ўсимлик ёғи 47, консервалар ишлаб чиқариш 171% кўпайган. Республика АСКнинг учинчи соҳасида жами саноат маҳсулотининг 18%и ишлаб чиқариларди. Бу вақтда Ўзбекистон ССР иттифоқдош республикалар ўртасида ўсимлик ёғи ишлаб чиқаришда учинчи, мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқаришда тўртинчи, узум виноси ишлаб чиқаришда бешинчи ўринни эгаллаган эди[4, Б.22].

Ўзбекистон шароитида саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг интеграция жараёни ўзига хос хусусиятга эга бўлган. Чунки саноат ялпи маҳсулотининг тизимида қишлоқ хўжалиги, хусусан, пахтачилик билан бевосита



боғланган тармоқлар асосий ўринни эгаллаган. Чунончи, 1978 йилда республикада ишлаб чиқарилган жами ялпи маҳсулотнинг 43%и қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши улушига тўғри келган бўлса, соноат маҳсулотининг қиймати 16,6 млрд сўмни (республика ялпи маҳсулотининг салкам 53%ини) ташкил этган.

Ўзбекистон аграр-саноат комплекслари ҳам иттифоқ аграр-саноат комплексининг ягона таркибий қисми сифатида ривожланди.

Ўзбекистонда ҳудуд хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда турли аграр-саноат корхоналари вужудга келтирилган эди. Аграр-саноат корхоналарининг бошланғич шакллари совхоз-завод (Тошкент вилоятидаги "Огонёк", Сирдарё вилоятидаги "Фарғона", Самарқанд вилоятидаги "Норпой" кабилар), агрокомбинат (Андижон вилоятидаги "Киров" агросаноат комбинати), аграр-саноат бирлашмаларидан (Тошкент вилоятида "Халқобод" агросаноат бирлашмаси (1962 й.) иборат эди[6, Б.11].

Шулардан бири бўлган Наманган вилоят аграр-саноат бирлашмаси 1978 йил сентябрда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорига асосан ташкил этилган эди. Бирлашмага 24 та давлат хўжалиги, 2 та совхоз-завод, 1 та вино заводи, 1 та консерва заводи, 1 та қуруқ мева тайёрлаш заводи ҳамда агрокимё лабораторияси, ПМК-5, автопарк ташкилоти ва идиш тайёрлаш цехи бирлаштирилган эди. 1983 йилга келиб бу аграр-саноат бирлашмасида давлат хўжаликлар[8] сони 34 тага етган. Аграр-саноат бирлашмасига қарашли давлат хўжаликлари турлича ихтисослаштирилган эди[7].

Ўзбекистоннинг иттифоқ халқ хўжалиги тизимида энг аввало асосий пахта базаси вазифасини бажарадиган аграр-саноат комплекси пахтачилик ва қишлоқ хўжалигининг у билан боғлиқ бўлган тармоқлари, сув хўжалиги ва унинг сугориш базаларини, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳамда хом ашёсини дастлабки ишлаш, қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган ва унинг тармоқларига хизмат кўрсатадиган тармоқларни ўз ичига оладиган мураккаб комплекс эди[9].

Ўзбекистон йирик пахтачилик районининг шаклланиши ва айни пайтда енгил ва оғир саноат тармоқларининг ривожлантирилиши янги ташкилий-ишлаб чиқариш замани ва шароити яратишни талаб қилди. Совет Иттифоқининг ягона халқ хўжалигининг таркибий қисми сифатида Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши йиллар давомида республикада қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда саноатни барпо этиш имконини берди. У аграр шароитдан техник жиҳатдан қурулланган саноатга эга бўлган, ишлаб-чиқариш-ҳудудий комплекс шаклида марказлашган индустриал-аграр комплекс даражасига кўтарилган.

Уларнинг энг муҳимларидан бири - аграр-саноат комплекси бўлиб, унинг хажми ва тизими қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотлар аграр-саноат комплекси ва унинг тармоқларини республика халқ хўжалигида тутган ўрни ва аҳамиятини характерлаб беради.

**3-жадвал.**

**1960-1980 йиллар мобайнида Ўзбекистонда аграр-саноат комплексининг ривожланиши[11]**

Аграр-саноат комплекси таркиби	Ялпи маҳсулот (млн сўм)				Асосий ишлаб чиқариш фонди (млн сўм)			Ишловчи хизматчилар сони (минг киши)		
	1960 йилда	1970 йилда	1975 йилда	1980 йилда	1970 йилда	1975 йилда	1980 йилда	1970 йилда	1975 йилда	1980 йилда

Жами халқ хўжалигида Шу жумладан, аграр- саноат комплексига хаммаси	8169, 2	18036 ,5	26455, 4	33140, 1	13602	25286	3564 1	3715 ,7	3843 ,0	3972, 5
	5636	10836	155133	17654	5387	10475	1592 2	1811	1882	1925
Аграр-саноат комплексига нисбатан, %	69,8 100	60,1 100	57,2 100	53,2 100	39,6 100	41,0 100	44,6 100	49,9 100	47,5 100	47,0 100
Қишлоқ хўжалигида Маҳсулотни дастлабки ишлаш саноатида	40,9	39,5	38,6	42,5	72,4	74,0	75,7	83,2	82,6	82,2
Маҳсулотни қайта ишлаш саноатида	25,9	19,6	19,6	16,8	3,0	2,9	2,6	2,4	2,6	2,7
	29,3	32,9	30,5	30,6	12,7	12,2	11,2	10,5	10,8	11,0
Қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш воситалари яратиб берадиган, энгил ва озиқ-овқат саноатида	3,9	8,0	11,3	11,4	11,8	10,9	10,5	3,9	4,0	4,2

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон аграр-саноат комплекси тизимида иккинчи соҳа - қишлоқ хўжалиги асосий ўрин тутган. Етиштирилган ялпи маҳсулотнинг 53, комплексда ишловчи кишиларнинг 50,4, фойдаланилган ишлаб чиқариш воситаларининг 44,6%и АСКнинг ҳиссасига тўғри келган.

Қишлоқ хўжалик хом ашёсини дастлабки ишлаш билан банд бўлган саноат тармоғи, унинг таркибида асосий ўрин тутадиган пахта тозалаш саноати энг кам фонд истеъмол қиларди. Аграр-саноат комплексига 1980 йилда ялпи маҳсулотнинг 16,8%и етиштирилгани ҳолда асосий ишлаб чиқариш фондлари 2,6, ундаги ишчилар сони 2,7%ни ташкил қилган.

Аграр-саноат комплекси ялпи маҳсулотининг 30%дан ортиқ қисми пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёларини қайта ишлаш - тўқимачилик, чарм-мўйна тикиш, пойабзал, шунингдек, озиқ-овқат саноати: гўшт, сут, улардан кўра ривожланган - ёғ, консерва-вино тайёрлаш саноати ҳиссасига тушган. Бу соҳаларнинг асосий ишлаб чиқариш фондлари 11,2 ва унда банд бўлган ишчилар сони 11,0%ни ташкил этиб, бу ялпи маҳсулот ҳиссасига олиб қараганда 2,5-3,0 баравар кам эди[11].

Пахта комплекси республика АСКнинг муҳим тармоғи бўлиб, унда ишлаб чиқаришнинг 70%и ва АСКдаги ходимларнинг 80%дан кўпроғи тўпланган эди. Ўзбекистон АСК тизимида пахта комплекси фақат шу параметрлар бўйича эмас, шунингдек, умумиттифоқ меҳнат тақсимотидаги роли юзасидан ҳам устун мавқени эгалларди. Ўзбекистон ўз хўжалиklarини пахта ва кўсак териш машиналари билан таъминлашдан ташқари, уларни бошқа республикаларга ҳам етказиб берарди. Трактор, юк машинаси ва бошқа қишлоқ хўжалик техникасини эса бошқа республикалар: РСФСР, Украина, Белоруссиядан оларди. Бинобарин, ҳудудий аграр-саноат комплексининг фаолияти Иттифоқнинг меҳнат тақсимоти, ихтисослаштириш ва кооперациялаш қоидаларига мувофиқ шакллантирилган ягона аграр-саноат комплексининг органик таркибий қисмига кирарди.

Республика АСКнинг асосий қисми бўлган пахта комплекси уч соҳадан; 1) пахта комплекси учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи ва пахтачилик

билан узвий ишлаб чиқариш алоқасига эга бўлган тармоқлар; 2) пахтачилик ҳамда қишлоқ хўжалигининг ердан, сувдан, меҳнат ва бошқа манбалардан биргаликдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлари; 3) пахта тозалаш, тўқимачилик, тикувчилик ва озиқ-овқат саноатидан иборат бўлган. Бундан ташқари, пахтачиликнинг инфраструктураси: пахтачиликнинг турли ашё ва техника билан таъминлаш тизими, қишлоқ ишлаб чиқариш, мелиоратив, ирригация, йўл қурилишининг кўп қисмини, қишлоқ транспорти, қишлоқ хўжалиги фани, кадрлар тайёрлаш ва шу кабилар ҳам пахта комплексида катта ўрин тутган[12].

Соҳалар бўйича "Ўзплодоовощинпром", "Межколхозоткорм", "Главуправшёлк" "Ўзглавзаготживпром", "Ўзптицепром", "Ўзглавкаракульпром" бирлашмалари ташкил қилиниб, уларда ихтисослаш-тирилган қишлоқ хўжалик корхоналарининг деярли ҳаммаси марказлаштирилган эди. 1980 йилга келиб республикада 854 жамоа хўжалиги ва 862 давлат жўжалиги ишлаб турарди, улардан 33 таси шиликорликка, 180 таси сабзавот-узумчиликка, 92 таси кўйчиликка, 32 таси паррандачиликка, 13 таси чўчқачиликка, 56 таси гўшт ва гўшт-сутчиликка ихтисослаштирилган эди. Ихтисослаштирилган хўжаликлар экин хосилдорлигининг 15-20, чорвачилик маҳсулдорлиги 30%гача ортишини таъминлаган. Айни пайтда республика бўйича пахта, каноп, тамакиннинг ҳаммасини, сабзавот-полиз маҳсулотларининг 60, шилининг 80, деҳқончилик маҳсулотларининг 85, гўштининг 52%ини ҳамда қоракўл терининг ҳаммасини ихтисослаштирилган хўжаликлар етказиб берган. Шундай қилиб, аграр-саноат интеграцияси турли даражаларда амалга ошириб борилди[4].

СССР Марказий статистика бошқармаси маълумотларига қараганда, 1978 йилнинг бошларида Иттифоқ бўйича 661 та тугалланган ишлаб чиқариш айланишига эга бўлган сотиш учун тайёр маҳсулот етиштириб бераётган паррандачилик фабрикалари кўшиб ҳисоблаганда 1400 та бундай корхоналар бўлган. Булардан ташқари ўша пайтгача 124 та ишлаб чиқариш аграр-саноат бирлашмаси ишга туширилган. 1981 йилда Ўзбекистонда 50 дан ортиқ саноат-аграр бирлашма мавжуд бўлиб, ундан иккитаси ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси деб аталарди. Шулар билан бирга яна 30 дан ортиқ тўла маҳсулот берадиган паррандачилик фабрикаси ҳам бор эди[11, Б.25].

Умуман айтганда, 1965-1980 йиллар мобайнида республикада пахта етиштириш 66%, дон етиштириш тўрт мартадан зиёд, сабзавот ва полиз маҳсулотлари - 4,3, мева ва узум деярли уч баравар, пилла - 1,7, гўшт икки баравар, сут - 2,2, тухум - 2,7 баравар кўпайтирилган ва ҳоказо[11, Б.25].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон агросаноат комплексининг потенциал имкониятлари амалда катта бўлса-да, унинг салоҳиятидан фойдаланишнинг самарадорлиги ниҳоятда паст бўлди. АСКлар йиллар давомида жамоа ва давлат хўжаликлари сингари ҳуқуқий (аслида деярли ҳуқуқсиз!) мавқеда бўлганлиги улар фаолиятига салбий таъсир кўрсатиб, АСКнинг ривожланишига жиддий тўсқинлик қилган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. XXV съезд КПСС. Стенографический отчет. - М.: Политиздат, 1981. - С. 38. (XXV Congress of the CPSU. Verbatim report. - М.: Politizdat, 1981. - P. 38.)
2. Усмонов С.Н., Ризаев М.Т. Ўзбекистонда аграр-саноат комплексининг

ривожланиши. - Т: Ўзбекистон. - Б. 16. (Usmanov S.N, Rizaev M.T. Development of agro-industrial complex in Uzbekistan. - Т: Uzbekistan. - P. 16.)

3. О дальнейшем развитии специализации и концентрации сельскохозяйственного производства на базе межхозяйственной кооперации и агропромышленной интеграции. Постановление ЦК КПСС. - М., 1976. - С. 6. (On the further development of specialization and concentration of agricultural production on the basis of inter-farm cooperation and agro-industrial integration. Resolution of the Central Committee of the CPSU. - М., 1976. - P. 6.)

4. Тухлиев Н. Аграр-саноат интеграцияси // Ўзбекистон коммунисти. №6. 1980. - Б.20. (Tuhliev N. Agricultural and industrial integration // Communist Uzbekistan, 1980. No.6. - P.20.)

5. Лапкин К., Головченко Б. К вопросу совершенствования агропромышленного комплекса Узбекистана // Общественные науки в Узбекистане. №3. 1976. - С.14. (Lapkin K., Golovchenko B. On the issue of improving the agricultural sector of Uzbekistan // Social Sciences in Uzbekistan. No. 3. 1976.- P. 14.)

6. Ўтамуродов А. Аграр-саноат интеграцияси. - Т., 1984. - Б.11. (Utamurodov A. Agricultural and industrial integration. - Т., 1984. - P. 11.)

7. Наманган вилоят аграр-саноат бирлашмасига қарашли давлат хўжаликлари вилоятнинг турли ҳудудларида жойлашган эди. Масалан: Косонсой туманида - "Бухоро", "Косонсой" ва "Шарқ юлдузи", Наманган туманида - "Самарқанд" ва "Шербулоқ", Тўрақўрғон туманида - "Ленин" номли совхоз-заводи. (State-owned farms of the Namangan Regional Agro-Industrial Union were located in different parts of the region. For example: Kosonsoy district - "Bukhara", "Kosonsoy" and "Oriental Star", "Namangan region - "Samarkand" and "Sherbuloq", "Lenin" farm in Turakurgan district.)

8. Масалан, "Косонсой" давлат хўжалиги - сабзавотчиликка, "Ленинизм" ва "Комсомолобод" давлат хўжаликлари - сабзавот ва мевачиликка, "Россия" давлат хўжалиги - картошкачиликка, "Ленин" номли совхоз-завод ва "Гагарин" давлат хўжалиги - узумчиликка, "Нанай" ва "Фурунзе" номли давлат хўжаликлари - мевачиликка, "Бухоро", "Самарқанд", "Шербулоқ", "ВЛКСМ 60 йиллиги", "Калинин", "Ўзбекистон", "Мичурин", "Фарғона", "Чортоқ", "Коммунизм", "Ўнинчи беш йиллик", "Ленинобод", "Победа", "Заркент", "Хўжакент", "Гулшан", "Ҳамза Ҳакимзода", "Ильич", "Ульянов", "К.Маркс", "Киров", "Оқтом" давлат хўжаликлари мева-узумчиликка ихтисослаштирилган эди. Қаранг: Ваҳобов А., Исмоилов Э. Наманган аграр-саноат бирлашмаси. - Т.: Ўзбекистон, 1984. - Б. 21. (For example, the state farm "Kosonsoy" - vegetable growing, "Leninism" and "Komsomolabad" - vegetable and fruit production, "Russian" state-owned potato, Lenin farm and Gagarin state-owned viticulture. And Furunze farms - "Bukhara", "Samarkand", "Sherbuloq", "VLKSM 60th Anniversary", "Kalinin", "Uzbekistan", "Michurin", "Ferghana", "Chortoq", "Communism, Tenth Five Years", "Leninabad", "Pobeda", "Zarkent", "Khojakent", "Gulshan", "Hamza Hakimzoda", "Ilich", "Ulyanov", "K. Marks", "Kirov", "Oktom" were specialized in fruit and vegetable growing. See also A. Vahobov, E. Ismailov. Namangan Agro-Industrial Association. - Т.: Uzbekistan, 1984. - p. 21.)

9. Ўзбекистон РПДА, 58-фонд, 384-рўйхат, 1-иш, 48-варақ. (Uzbekistan RPDA, Fund 58, List 384, Work 1, Page 48.)

10. Усмонов С.Н., Ризаев М.Т. Ўзбекистонда аграр-саноат комплексининг ривожланиши. - Т.: Ўзбекистон, 1981. - Б. 24. (Usmanov S.N, Rizaev M.T.

- Development of agro-industrial complex in Uzbekistan. - T.: Uzbekistan, 1981. - P. 24)
11. Усмонов С.Н., Ризаев М.Т. Ўзбекистонда аграр-саноат комплексининг ривожланиши. - Т.: Ўзбекистон, 1981. - Б. 25. ( Usmanov S.N, Rizaev M.T. Development of agro-industrial complex in Uzbekistan. - T.: Uzbekistan, 1981. - P. 25)
12. "Экономика и Жизнь", №3. 1982. - С. 57.
13. Усмонов С.Н., Ризаев М.Т. Ўзбекистонда аграр-саноат комплексининг ривожланиши. - Тошкент: Ўзбекистон, 1981. - Б.18. (Usmanov S.N, Rizaev M.T. Development of agro-industrial complex in Uzbekistan. - T.: Uzbekistan, 1981. - P. 18)

---

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

---


Азаматова Гулмира Байирбековна,  
Жиззах политехника институти  
Ўзбекистон тарихи ва ижтимоий фанлар  
кафедраси ассистенти

## АҲОЛИ МИГРАЦИЯСИДА ХОТИН - ҚИЗЛАР ҲАРАКАТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

---

*For citation: Gulmira B.Azamatova. The movement of women in population migration: problems and solution. 2019, vol. 23, issue 2, pp. 14-23*

---

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-23-02>

### АННОТАЦИЯ

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда миграция жараёнларининг ҳолати, аҳоли миграциясининг ўсиш ва пасайиш тенденциялари статистик таҳлилар асосида ёритилган. Аҳоли миграцияси, унда хотин-қизлар иштироки ўзига хос мураккаб ва зиддиятларга бой бўлган жараёндир. Шу боис мазкур мақолада миграцияда хотин-қизлар иштироки сабаблари ўрганилган. Чунки миграция жараёнида хотин-қизларга қулай шарт-шароитларни яратиш бериш уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим бир йўналишларидан биридир. Ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солишда бизнингча қонуний меҳнат миграциясини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир.

**Калит сўзлар:** аҳоли миграцияси, кўчиб келганлар, кўчиб кетганлар, хотин-қизлар миграцияси, ташқи меҳнат миграцияси, миграция сальдоси, қонуний миграция.

---

Азаматова Гулмира Байирбековна,  
ассистент кафедраси "Истории и общественных  
наук Узбекистана", Джизакского политехнического института

## ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ ДВИЖЕНИЯ ЖЕНЩИН В МИГРАЦИИ НАРОДА

**АННОТАЦИЯ**

На сегодняшний день ситуация процессов миграции в Узбекистане, тенденции роста и снижения миграции населения раскрыт на основе статистического анализа. Миграция населения, участие в ней женщин очень сложный и многоконфликтный процесс. В данной статье изучаются причины участия женщин в миграции. Потому что, создание для женщин удобных условий в процессе миграции, являются одним из основных направлений их социальной защита. В урегулировании процесса внешней трудовой миграции, понашему мнению целесообразно расширить законную трудовую миграцию.

**Ключевые слова:** миграция населения, приезжие, уезжие, миграция женщин, внешняя трудовая миграция, сальдо миграции, законная миграция.

**Gulmira B. Azamatova**

The assistant of the Department  
of History and Public Sciences of Uzbekistan,  
Jizzakh Polytechnic Institute

**THE MOVEMENT OF WOMEN IN POPULATION MIGRATION:  
PROBLEMS AND SOLUTION****ANNOTATION**

Nowadays, the quantity of migration in Uzbekistan are being highlighted through the statistical data given by results of demographic trends in this area. The general migration, especially, participation of females is a process which is full of contradictions and complexities. That is why, in this article some reasons of female migrations have been studied. Because creating favorable conditions is one of the priorities of social protection. From our own view, external labour migration should be regulated by legal labour acts and then it might be expected to be much more successful.

**Key words:** demographic trends, general migration, emigrants, female migration, external labour migration, migration balance, legal labour acts.

Хозирги кунда миграция муаммоси жаҳон ҳамжамиятини кенг ташвишга солаётган долзарб муаммолардан бири саналади. Чунки XXI асрга келиб миграция ҳодисаси дунё аҳолисининг демографик манзараси ўзгариб кетишига сабаб бўлаётган энг йирик глобал муаммолар қаторидан жой олди. Глобаллашув таҳдидларининг таъсири туфайли миграция жараёнлари моҳиятан мураккаблашиб тобора зиддиятли тус олмақда. Сўнгги йилларда ривожланган давлатларда бу муаммони ҳал қилиш учун иқтисодий - ижтимоий ва сиёсий чора-тадбирлар кўриляётгани бундан далолат беради. Асримизга келиб миграция янги босқичга чиқди. Олдин юз минг ёки миллионларни қамраган бу ижтимоий жараён бугунги кунга келиб юзлаб миллион инсонлар ҳаётига дахлдор бўлиб қолди. 1990 йилда мигрантлар сони 154 миллион, 2000 йилда 174,8 миллион, 2010 йилда эса 214 миллион кишини ташкил этиб, дунё аҳолисининг 3,1 фоизига тенг бўлган [1].

Мигрантлар сони 2017 йилда 2000 йилга нисбатан 49 фоизга ортган. Уларнинг қарийиб 26 миллиони қочоқлардир [2]. 2017 йилда 260 миллиондан ортиқ мигрантларнинг 165 миллион нафардан ортиғи меҳнат муҳожирлари бўлиб, 96 миллиони эркаклар, 68 миллиони аёллардан иборат. 2019 йилга келиб дунё бўйича

халқаро мигрантлар сони 272 миллионга етди. Ҳозирда мигрантлар дунё аҳолисининг 3,5 фоизини ташкил қилмоқда[3].

Глобаллашаётган замонда аҳоли миграцияси жараёнлари муҳим аҳамият касб этиб, аҳолининг ҳамма қатламларини, ёш гуруҳларини, аёллар ва эркекларни, турли касб эгаларини ва ижтимоий гуруҳ вакилларини аста-секин қамраб олди. Бу жараён аҳолининг жинсий таркибида ўз аксини топган[4].

Миграцияда кейинги йиллар хотин-қизлар иштироки даражаси ортиб бормоқда, жумладан, 2005 йилда Европа, Лотин Америкаси, Шимолий Америка, Океания ва Собиқ иттифоқ давлатларида эркек мигрантларга қараганда аёл мигрантлар кўпроқ кузатилди[5]. 2007 йилда ер юзи бўйича мигрантларнинг деярли ярмини хотин-қизлар ташкил этган. Уларнинг катта қисми ривожланган давлатлар ҳиссасига тўғри келади. Бунга сабаб ривожланган давлатларда хизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда хотин-қизларга бўлган талабнинг ўсишидир. Кўпинча бу хотин-қизлар фаолигининг ошишига сабаб бўлмоқда[6].

Халқаро Миграция Ташкилотининг социологик тадқиқотларига кўра, жаҳондаги мигрантларнинг 52 % ини эркеклар ва 47,5 % ини аёллар ташкил этмоқда. Мигрантларнинг 47,5 % фоизини ташкил этаётган аёллар кузатиб борувчи шахс сифатида эмас, тирикчилик воситаларининг асосий топувчиси сифатида миграция қиладилар[7]. Европа Иттифоқи давлатларида ХХИ аср бошида эркеклар улуши 48 % дан 52 % га кўтарилган бир пайтда Осиё давлатларида аксинча, эркеклар улуши 47 % дан 45 % га пасайди [8]. 2017 йилги маълумотларга кўра, ўз Ватанидан кетаётганларнинг 36,1 миллионга яқини болалар, 4,4 миллиони талабалар ва 150,3 миллиони меҳнат мигрантларидан иборатдир. Мигрантларнинг 31 фоизи Осиёда, 30 фоизи Европада, 26 фоизи Шимолий ва Жанубий Америкада, 10 фоизи Африкада, 3 фоизи Океания давлатларида кўним топган[8]. Халқаро Миграция Ташкилоти ҳисоботларига кўра, кўрсаткичлар шу тарзда давом этса, 2050 йилга бориб халқаро мигрантлар сони 405 млн. кишига етиши мумкин [9]. Ҳозирги кунда ҳар 10 ташқи мигрантнинг 6 таси ривожланган давлатлар ҳудудида кўним топмоқда [10].

Миграция муайян вақтларда кучайиб-пасайиш тенденциясига эга бўлиб, маълум ҳудуд, мамлакат, минтақа ижтимоий ҳаётига ўзининг ижобий, салбий, керак бўлса, сиёсий таъсирини ўтказди. Мустақилликнинг дастлабки йиллари Ўзбекистонда аҳоли миграцияси ҳажми асосан ўз юртига қайтиб кетаётган турли миллат вакиллари ҳисобига ўсиб борган бўлса, ҳозирги кунда бу жараён Ўзбекистондан ташқарида ишлаб келмоқчи бўлганлар ҳисобига содир бўлмоқда. 1991-1994 йилларда республика бўйича аҳолининг мигратсия ҳаракатлари кўрсаткичлари юқори даражада сақланиб турди. Бу даврда Ўзбекистонга кўчиб келувчилар ҳам, кўчиб кетувчилар ҳам кўп бўлган. Уларнинг аксарият қисми ижтимоий-иқтисодий сабабларга кўра бир давлатдан бошқа давлатга кўчиб кетган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида 1991-2016 йиллар аҳоли миграцияси жараёнлари кўрсаткичлари**

Йиллар	Доимий яшовчи аҳоли сони, минг киши	Келганлар сони	Кетганлар сони	Миграция сальдоси
--------	-------------------------------------	----------------	----------------	-------------------



1	2	3	4	5
1991	20607,7	371054	401285	-30231
1992	21106,3	349374	424086	-74712
1993	21602,2	302440	356470	-54030
1994	22091,9	221747	360661	-138914
1995	22461,6	167829	256800	-88971
1996	22906,5	148644	198900	-50256
1997	23348,6	146601	195001	-48400
1998	23772,3	143321	193274	-49953
1999	24135,6	162559	224656	-62097
2000	24487,7	145880	212472	-66592
2001	24813,1	151842	229603	-77761
2002	25115,8	152795	236127	-83332
2003	25427,9	139695	232707	-93012
2004	25707,4	147398	232707	-85309
2005	26021,3	144778	246386	-101608
2006	26312,7	144038	209227	-65189
2007	26663,8	151172	214310	-63138
2008	27072,2	149732	195836	-46104
2009	27533,4	138077	187710	-49633
2010	28001,4	139775	183858	-44083
2011	29123,4	136565	184149	-47584
2012	29555,4	169701	210653	-40952
2013	29993,5	155084	189650	-34566
2014	30492,8	145354	183916	-38562
2015	31022,5	139280	168579	-29299
2016	31575,3	141548	167796	-26248

**Манба:** Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси маълумотлари асосида тузилди.

Ўзбекистонда 1991 йил ялпи миграция ҳажмида 772 минг 339 киши иштирок этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 309 минг 344 кишини ташкил қилган ёки шу даврда миграцияда иштирок этувчилар миқдори 2,7 баробарга камайган. Ушбу йиллар давомида республика бўйича 10 миллион 603 минг 102 киши миграцияда иштирок этди. Шундан 4 миллион 506 минг 283 киши мамлакатда кўчиб келиш жараёнида, 6 миллион 096 минг 819 киши эса кўчиб кетиш жараёнида қатнашганлар ҳисобланади. Умумий аҳоли миграциясида 2016 йилга келиб, кўчиб келганларга нисбатан кўчиб кетганлар 1 миллион 590 536 кишига кўп бўлди.

2017 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистон доимий аҳолиси сони 32,1 миллион кишини ташкил этиб, 1991 йилга нисбатан 11,5 миллион кишига яъни 55,9 фоизга ўсган. Шундан 16121 минг киши ёки 50,2 фоизини эркаклар ва 15999,5 минг киши ёки 49,8 фоизини аёллар ташкил этади[11]. Мазкур йилда республика

бўйича кўчиб келганлар сони 157,1 минг кишини (155,0 минг киши республика ҳудудларидан, 2,1 минг киши хорижий мамлакатлардан), кўчиб кетганлар сони эса 177,7 минг кишини (155,0 минг киши республика ҳудудларига, 22,7 минг киши хорижий мамлакатларга) ташкил этди. Миграция салдоси минус 20,6 минг киши бўлиб, 2016 йилга нисбатан 5,6 минг кишига камайган.

Ўзбекистон аҳолиси 2018 йил 1 январь ҳолатига 32 млн 653 минг 9 кишини ташкил этиб 2017 йилга нисбатан 1.7 фоизга ўсган. 2018 йил январь-июнь ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 83,3 минг кишини (82 минг киши республика ҳудудларидан, 1,3 минг киши хорижий мамлакатлардан), кўчиб кетганлар сони эса 88,6 минг кишини (82 минг киши республика ҳудудларига, 6,6 минг киши хорижий мамлакатларга) ташкил этди. Миграция салдоси минус 5,3 минг киши бўлиб, 2017 йилнинг мос даврида минус 9,6 минг киши бўлган.

2019 йил январь-июнь ойларида республика бўйича кўчиб келганлар сони 78,9 минг кишини (77,5 минг киши республика ҳудудларидан, 1,4 минг кишини (77,5 минг киши республика ҳудудларига, 4,9 минг киши хорижий мамлакатларга) ташкил этиб миграция салдоси минус 3,5 минг киши бўлиб, 2018 йилнинг мос даврида минус 6,2 минг киши бўлган. 2019 йил биринчи чорагида эса Ўзбекистон Республикасидан бошқа хорижий мамлакатларга миграция оқими 2,8 млн. кишини ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2018 йил январь-март ойларига нисбатан 0,9 марта камайган[12].

Мустақиллик йилларида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари хотин-қизларни эркаклар билан тенг шароитларда: барча одамларнинг бўлинмас ҳуқуқи сифатида меҳнат қилиш ҳуқуқи; ишга ёлланишда бир хил имкониятларга эга бўлиш; эркин касб танлаш; таълим олиш; пенсияга чиққан; ишсиз қолган; касал ёки ногирон бўлса, ижтимоий таъминланиши, соғлиқни сақлаш ва хавфсиз меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқлари таъминлаб келмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 37-моддасида: "Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир"[13]. Аҳолининг ташқи меҳнат миграцияси соҳасида фаолият юритиши учун яна бир миллий ҳуқуқий асос сифатида, 1992 йилда қабул қилиниб ва 1998 йилда янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида" ги қонуни[14] ни кўрсатиш мумкин. Мазкур қонуннинг 13-моддасида: "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш, мустақил иш қидириш ва ишга жойлашиш ҳуқуқига эга".

Бугунги кунда ер юзидаги аёлларнинг 0,4 фоизи Ўзбекистонда яшаётган бўлса, улар республика аҳолисининг 15668,8 нафардан ортиғини ташкил этмоқда[15]. Статистик кузатишлардан шу нарса маълумки, охириги йилларда ташқи меҳнат миграциясида хотин-қизлар иштироки ортиб бормоқда. Бу миқдорнинг маълум даражада ошишига Туркия давлатига бориб ишлаётган хотин-қизлар салмоғи сезиларли даражада ошиб бораётгани билан боғлиқдир. Туркияга борувчи меҳнат мигрантлари орасида аёллар эркакларга нисбатан анча юқори бўлиб, жами аёл мигрантларнинг 17,6 фоизини ташкил этган. Бу кўрсаткичнинг сўнгги йилларда ошиб боришига мазкур давлатда меҳнат фаолиятини юритиш нисбатан хавфсизлиги, иш ҳақининг юқорилигидан ташқари, миллатлар ўртасида дўстона муносабат, умумий ўтмиш, ўхшаш урф-одатлар, ягона дин ва ақидалар каби бир

қатор муҳим жиҳатлар омил бўлмоқда[16].

1-жадвал.

**Ташқи меҳнат фаолиятини амалга ошираётган мигрантларнинг давлатлардаги ижтимоий таркиби (фоизда)**

№	Давлатларнинг номи	Улуши	
		эркаклар	аёллар
1	Россия Федерацияси	81,0	67,3
2	Қозоғистон	12,3	10,0
3	МДХ нинг бошқа давлатлари	0,5	0,6
4	Туркия	2,5	17,6
5	Жанубий Корея	2,4	1,4
6	Бирлашган Араб Амирликлари	0,2	1,6
7	Бошқа Осиё давлатлари	0,3	0,8
8	Европа давлатлари	0,4	0,1
9	Америка Қўшма Штатлари	0,3	0,4
10	Бошқа давлатлар	0,1	0,3

Хотин-қизларнинг миграцияда иштироки ижобий ва салбий оқибатларга олиб келади. Расмий маълумотларга қараганда, одам савдосидан жабрланганларнинг 80 фоизини хотин-қизлар ва болалар ташкил қилади. Жабрланганларнинг кўпчилиқ қисми хотин-қизлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Мигрант хотин-қизлар кўплаб давлатларнинг меҳнат бозорида дискриминацияни бошидан ўтказади. Уларнинг таълим ва соғлиқни сақлаш тизимидаги ҳуқуқлари чекланган: фуқаролик иштирокидан маҳрум этилади, ҳақорат, ирқий ва диний кўролмаслик ва зўравонликдан жабр кўради. Миграция жараёнида хотин-қизларга қулай шароитини яратиб бериш хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг муҳим бир йўналишларидандир. Хотин-қизлар ҳолати бўйича кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, деярли барча мигрант хотин-қизлар ўз иш ўрнида ноқулай шароитларга дуч келади. Шу жумладан, доимий равишда расмий ишда ишлайдиганларнинг ярмидан ортиғи ноқулай шароитларда меҳнат қилади. Бундай салбий омиллар сирасига очиқ осмон остида ишлаш; ишлаб чиқаришнинг ўзига хос воситалари билан боғлиқ ноқулай ҳарорат режими; иш вақтидан ташқари ишлаш; тунда меҳнат қилиш; дам олиш ва овқатланиш учун танаффус қилмаслик; оғир юкларни ташиш; чанг, ифлослик, оддий санитария шарт-шароитлари йўқлиги киради. Дунё бўйича мигрантларнинг ўсиб бораётган нисбатини хотин-қизлар ташкил қилишига бир нечта сабаблар мавжуд: ривожланган давлатларда хорижий ишчи, яъни хизмат кўрсатиш, кучига бўлган талабнинг жинсга боғлиқлиги; соғлиқни сақлаш ва кўнгил очиш каби соҳаларда хотин-қизларга бўлган талабнинг кундан-кунга ўсиб бориши; хорижий мамлакатда мавжуд даромад манбаининг қулайлиги ва юқори иш ҳақи тўланиши; кўпгина давлатларда эса мигрантларнинг ўз турмуш ўртоқлари ва болалари билан бирга бўлишига рухсат берилишидандир. Мигрантлар келиб чиқишига қараганда кўпроқ, кўчиш учун мустақил эканини англатади. Шундай ҳолатлар ҳам борки, бунда пул топиш учун аёл киши кетган

ва унинг ортидан эри ва болалари борган. Меҳнат мигрантларининг кўпчилигини ташкил этган хотин-қизлар асосан ўзлари ёлғиз ишлаш учун кетган. Турмуш ўртоғи билан ишга кетган аёл мигрантлар жами мигрант хотин-қизларнинг 23 фоизини, фарзанди билан кетганлар 6 фоизни ва оиласи билан ишлашга кетганлар эса жами аёлларнинг 5 фоизини ташкил этган [17]. "Шунинг учун ҳам мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиб бериш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш масаласи юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди" [18]. Миграция мамлакат тараққиёти ва ижтимоий ўзгаришларининг омилларидан бири бўлибгина қолмай, айти пайтда доимий назоратни талаб қиладиган кўплаб муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Жумладан, олий маълумотга эга бўлмаган тажрибасиз хотин-қизлар кўпинча кам малака талаб қиладиган даражадаги лавозимларда меҳнат қиладилар. Турли давлатларда меҳнат қилаётган хотин-қизларларининг кўпчилиги уй хизматчилиги билан машғул бўлади. Уй хизматчилари меҳнати кенг тарқалгани билан унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти етарли даражада англаб этилмаган. Хотин-қизлар меҳнатидан ноқонуний фойдаланиш, уларни меҳнат вазифаларини бажариш чоғида камситиш, ҳақорат қилиш, эркини чеклаб қўйиш ҳоллари қайд этилмоқда. Хотин - қизларни камситишга барҳам бериш дунё мамлакатларини ташвишлантираётган масала сифатида Ўзбекистон ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Ўзбекистон Республикаси 1995 йили Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчилардан БМТнинг "Хотин - қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида" ги конвенциясига қўшилди. Глобаллашув ва унинг натижасида юзага келаётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар шароитида хотин-қизлар миграцияси ўзининг янги қирраларини намоён этиб келмоқда. Хусусан миграциянинг янги шакл ва усуллари пайдо бўлмоқда. Мисол учун: мигрант хотин-қизлар кўпинча ҳамширалик иши соҳасида, қишлоқ хўжалиги, меҳмонхона ва ресторанлар, шунингдек, уй хизматчилиги каби соҳаларда банд бўлишади. Мигрант хотин-қиз ишчиларни жалб қилиниш даражаси ривожланган мамлакатларда меҳнат билан банд хотин-қизларнинг 34 фоизига тўғри келади. Глобаллашув жараёни орқали ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари билан давлатлараро миграция алмашинув жараёни етарлича ошди. Баъзи мамлакатларда аҳолининг ўсиши, моддий ишлаб чиқариш ва демографик портлаш каби ҳолатлар миллионлаб одамлар ўз мамлакатларини тарк этиб, моддий фаровонликни излаш учун бошқа мамлакатларга кетишларига сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга, меҳнат миграцияси жараёнига хотин-қизлар тобора кўпроқ жалб қилинаётгани муҳимдир. Бу ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий сабаблар билан боғлиқ ҳисобланади. Чунки, миграция инқирозида хотин-қизлар миграцияси алоҳида гуруҳ бўлиб ажралиб туриши умумий белги, хусусиятларга эга эканлиги билан боғлиқ бўлади. Одатда мигрант хотин-қизлар аҳолининг кам ҳақ тўланадиган қисмига тушиб қолишади, натижада яшаши ва ўз оиласини боқиш учун улар ҳар қандай ишга тайёр бўлишади. Асосан булар: хизмат кўрсатиш, бемор ва қарияларга қараш ва кўнгил очиш соҳалардир.

"Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, мамлакат ташқарисида ҳам ўз фуқароларининг ҳуқуқий ҳимоясини кафолатлаши ҳақидаги конституциявий қонуннинг ижросини сўзсиз таъминлашимиз шарт. Афсуски, шу вақтга қадар чет элларда меҳнат қилаётган фуқароларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига етарлича эътибор берилмади, десак, бу ҳам адолатдан бўлади. Бугунги

кунда юртдошларимиз чет элда факат қора меҳнат билан эмас, илм-фан, банк-молия, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларида фаолият кўсатмоқда"[19]. Жумладан, жорий йилнинг 9 ойида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг 56,9 фоизи қариндошларни йўқлаш мақсадида, 28,4 фоизи ишлаш мақсадида, 2,9 фоизи доимий яшаш мақсадида, 4,8 фоизи сайёҳлик мақсадида, 0,7 фоизи хизмат юзасидан, 0,5 фоизи транзит, 0,7 фоизи ўқиш мақсадида, 0,3фоизи даволаниш мақсадида ва 4,7фоизи бошқа мақсадларда кетган.

"... Ана шу ҳолатни инобатга олиб, хорижда қонуний асосда меҳнат қилаётган, таълим олаётган фуқароларимизга бўлган муносабат бугунги кунда тубдан ўзгариб бораётганини таъкидлаш зарур. Ўзбекистон ҳукумати бундан буён ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини, улар қаерда бўлишидан қатъи назар, ҳар томонлама ҳимоя қилади"[19].

Аҳоли миграцияси, унда хотин-қизлар иштироки ўзига хос мураккаб ва зиддиятларга бой бўлган жараёндр. Мазкур ижтимоий-иқтисодий ҳодиса кузатувчи ва қабул қилувчи давлатларнинг ҳар иккиси учун бир қатор ижобий жиҳатлар билан биргаликда кўпсонли муаммоларни кўндаланг қилиб қўяди. Мамлакат аҳолисининг нечоғли миграцион жараёнларга жалб этилганлиги, унинг оқибатларининг чуқурлашувида акс этади. Масалан, миграция натижасида муайян оиланинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи яхшиланади, аммо ота-оналардан бири ёки ҳар иккисининг иштирокисиз оилани сақлаб қолиш ва фарзандлар тарбиясини тўлақонли ташкил этиш имкони камаяди. Миграция муаммосининг ўзига хослиги шундаки, у жамият ҳаётининг турли: ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларини қамраб олиб, ўзининг кенг қамровли таъсирини намоён этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, глобаллашув шароитида миграциянинг минтақавий йўналишлари, ҳозирги миграцион жараёнларда аҳоли (хотин-қизлар) иштироки, хусусиятлари мигрантлар ҳаракати таҳлили асосида қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

- Ўзбекистон қонунчилигида чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш борасида тегишли нормалар мавжуд бўлса-да, аммо миграция ва ташқи меҳнат миграцияси жараёни бўйича қонунчилик тўлиқ шаклланган ва такомиллашган деб бўлмайди. Чунки меҳнат миграцияси борган сари кучайиб бораётган бир пайтда бу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш Ўзбекистон учун жуда муҳим ҳисобланади;

- шунингдек, бу соҳада алоҳида "Аҳоли миграцияси тўғрисида" ги қонунни қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши эса бу борадаги муаммо ва камчиликларни ўз вақтида самарали ечилиши учун дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Мазкур қонунда миграция бўйича ваколатли органлар, уларнинг вазифалари, мигрантлар ҳуқуқ ва мажбуриятлари, меҳнат миграцияси, қочоқлар, мажбурий кўчирилганлар, сиёсий бошпана олувчиларнинг мақоми, уларни ҳимоя қилиш масалаларининг белгилаб қўйилиши амалий аҳамиятга эгадир;

- хориждаги меҳнат мигрантлари жумладан, хотин-қизларнинг ижтимоий ва иқтисодий турмуш тарзини тизимли комплекс таҳлил қилиш асосида зарурий тадбирларни амалга ошириш;

- деярли барча мигрант хотин-қизлар ташқи меҳнат миграциясида ноқулай шароитларга дуч келади, бу ҳолат мигрантларнинг қадр-қиммати поймол

қилинишига олиб келувчи номақбул муомалага ва камситувчи меҳнат шароитларида меҳнат қилишига сабаб бўлади. Шу сабаб халқаро ҳамкорлик асосида мигрантларни тартибли ташкилий асосда жўнатиш ва қабул қилиш механизмларининг яратилиши - меҳнат миграцияси соҳасида самарали ечимдир.

Ривожланган мамлакатлар билан ташқи меҳнат миграцияси соҳасида ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилиши, келгусида юртимиз фуқаролари учун қонуний асосда хорижда меҳнат қилиш имкониятларини яратиб беришининг кафолатидир. Миграцияни бутунлай тўхтатиш, унинг олдини олиш имконияти бўлмасда, уни қонуний назорат қилиш ва тартибга солиш мумкин, деб ўйлаймиз. Чунки миграцияга қарам бўлиб қолиш, жамиятларнинг бошқа давлат ва жамиятларга қарам бўлиб қолишига олиб келади. Шу боис, чиқиб кетувчи ва кириб келувчи мигрантлар ҳар доим режали ва назоратли бўлиши мақсадга мувофиқдир.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Глобальная миграция (откуда, кто и куда мигрирует). [rosinvest.com/acolumn/blog/jkh/557.html](https://rosinvest.com/acolumn/blog/jkh/557.html). (Global migration (where, who and where to migrate. [rosinvest.com/acolumn/blog/jkh/557.html](https://rosinvest.com/acolumn/blog/jkh/557.html).)

2. International Migration Report 2002. New York: United Nations Population Division, Department of Economic and Social Affairs, 2002. P.

3. <https://www.kommersant.ru>. 2019 г. (<https://www.kommersant.ru>. 2019 y).

4. Бўриева М.Р., Тожиева З.Н., Зокиров С.С. Аҳоли географияси ва демография асослари (Ўқув қўлланма). Тафаккур. -Тошкент, 2011. -Б. 45. (Buriyeva M.R., Z.N. Tojiyeva, S.S. Zokirov. The fundamentals of human geography and demography (Text book). Tafakkur. -Tashkent, 2011 year. - P.45.)

5. Парманов Ф., Тураев Ш., Даминов И., Тоғаев Ш. Миграция: мусофир ватангадолар. -Тошкент: Сано-стандарт, 2015. 106-б. (Parmanov F., Turayev Sh., Daminov I., Togayev Sh. Migration: Strangers in the country. -T: Sano-standart, 2015 year. -P.106.)

6. Пармонов Ф. Халқаро миграцион жараёнлар. Жамият ва бошқарув. 2009. 4-сон. -Б. 33. (Parmonov F. International migrational cases. Society and governance. 2009 № 4. - P.33).

7. Муртазаева Р.Х. Глобаллашув шароитида аҳоли миграциясининг феминизациялашуви. "Хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш - мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим омили" мавзусида Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами (2019 йил 26 февраль). (Murtazayeva R.H. "The feminization of human migration during globalization" Collection of articles of the Republic scientific -partical conference on increasing the socio-political activity of women- an important factor of reforms in the country. February 26, 2019 year).

8. Доклад о развитии человека 2009. Преодоление барьеров: человеческая мобильность и развитие /Пер с англ.; ПРООН - М.: Изд-во "Весь Мир", 2009. - 232 с. (Human development report-overcoming barriers: human mobility and development) 2009. - P.232

9. Migration and Remittance Flows: Recent Trends and Outlook, 2013-2016. (Migration and Remittance Flows: Recent Trends and Outlook, 2013-2016).

10. Толаметова З.А. Халқаро меҳнат миграцияси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Иқтисод ва молия // экономика и финансы 2016, 3 сон.59-60 бет. (Tolametova Z.A., International labour migration and its features. //Economics and finance 2016, № 3.P.59-60.)

11.Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистикаси қўмитаси маълумотлари. - Тошкент: 2017 йил. (The State Committee of the Republic of Uzbekistan on Statistics. -Тошкент: 2017 year.)

12.Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистикаси қўмитаси маълумотлари. - Тошкент: 2018 йил. (The State Committee of the Republic of Uzbekistan on Statistics. -Т.: 2018 year.)

13.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Тошкент: Ўзбекистон, 2018 йил. (Constitution of the Republic of Uzbekistan. - Т.: Uzbekistan, 2018 year.)

14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., № 5-6-сон, 97 модда; 1999 й., № 1, 20-модда; № 5, 124- модда; № 9, 229- модда; 2000 й., № 5-6, 153-модда; 2001 й., № 5, 89-модда. (Bulletin of the Supreme Assembly of the Republic of Uzbekistan, 1998 y., № 5-6, article-97; 1999 y., № 1, article-20; № 5, article-124; № 9, article-229; 2000 y., № 5-6, article-153; 2001 y., № 5, article-89.)

15.<http://countrymeters.info/ru/Uzbekistan>. Счетчик населения Узбекистана: Департамент по экономическим и социальным вопросам). (Uzbekistan Population Counter.Department of Economic and social affairs )

16.Абдурахмонова Г.К., Мухитдинов Э.М. Аҳолини иш билан бандлигини оширишда ташқи меҳнат миграциясининг аҳамияти.Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнали. № 4, июль-август, 2018 йил. (Abdurakmonova G.K., Muxitdinov E.M.The role of external labour migration in increasing employment." Scientific electronic journal of economics and innovative technologies". № 4, july-august, 2018 year).

17. Региональный отчет "Оценка нужд и потребностей женщин трудящихся мигрантов: Центральная Азия и Россия" ЮНИФЕМ-2009. -С.20. (Regional report " assessment of the needs requirements of women migrant workers: central Asia and Russia" YUNIFEM-2009. -P.20)

18. Мирзиёев Ш.М.Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2017. - 345-346 б. (Mirziyoyev Sh.M.Continuing our path of national development.- Tashkent: "Uzbekistan" NMIU, 2017. -P. 345-346).

19. Мирзиёев Ш.М.Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон, НМИУ, 2018 йил.38 бет. (Mirziyoyev Sh.M.Xalqimizning roziligi bizning faoliyatimizga berilgan eng oily bahodir. 2-jild. - Т.: O'zbekiston, NMIU, 2018 year. -P.38).

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST


**Бутаев Усмон,**  
кандидат философских наук  
Национальный Университет Узбекистана

## МУРАККАБ ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДА ҲАҚИҚИЙ МУСТАҚИЛЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

---

*For citation: Butaev Usmon. The problem of providing of real sovereignty in modern arduous word. 2019, vol. 23, issue 2, pp. 24-30*

---

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-23-03>

### ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada murakkab zamonaviy dunyoda haqiqiy mustaqillikni ta'minlash muammolari, xavfsizlik va barqarorlikni ta'minlash jarayonida suverenitet va haqiqiy suverenitetning ma'nosi va ahamiyati masalasini dolzarblashtirish aspektlari tahlil qilingan.

**Kalit so'zlar:** xalq, millat, davlat, jamiyat, milliy manfaatlar, suverenitet, haqiqiy suverenitet, axborot xavfsizligi.

---

**Butaev Usmon,**  
falsafa fanlari nomzodi  
O'zbekiston Milliy universiteti

## ПРОБЛЕМА ОБЕСПЕЧЕНИЯ РЕАЛЬНОГО СУВЕРЕНИТЕТА В СОВРЕМЕННОМ СЛОЖНОМ МИРЕ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются аспекты актуализации вопроса смысла и значения суверенитета и реального суверенитета в процессе обеспечения безопасности и стабильности в пространстве.

**Ключевые слова:** народ, нация, государство, общество, национальный интерес, суверенитет, реальный суверенитет, информационная безопасность.



Butaev Usmon,  
PhD in Philosophy  
National University of Uzbekistan

## THE PROBLEM OF PROVIDING OF REAL SOVEREIGNTY IN MODERN ARDUOUS WORD

### ANNOTATION

In given article the aspects of actualization of the question of signification and meaning of sovereignty and real sovereignty in process of providing of the security and stability in the world space are analyzed.

**Key words:** people, nation, state, society, national interest, sovereignty, real sovereignty, information security.

Сегодня понятие суверенитета рассматривается как многозначная, категория в практике политологии, международного права, межгосударственных отношений. Суверенитет-это не только политико-правовое понятие, оно охватывает как военные, так и экономические, социально -психологические и культурные сферы. [1]

В связи с этим, в мировой политической системе происходит нарушение, непризнание внутреннего и внешнего суверенитета некоторых государств или со стороны международных организаций, de facto транснациональных корпораций, групп интересов и экономически могущественных государств.

Это свидетельствует о том, что сегодня в процессе обеспечения мира и стабильности место суверенитета занимает идея десуверенитета. В этих условиях необходимо разработать законодательную систему, отражающую конкретные механизмы предупреждения возможных рисков, их профилактики, угрожающих системе национальной безопасности государства. Поскольку Узбекистан должен пересмотреть конкретные аспекты обеспечения безопасности, исходя из природы международной, региональной и национальной безопасности.

Об этом говорится в обращении Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева в Олий Мажлис 22 декабря 2017 года по вопросу реформирования деятельности Службы национальной безопасности, в котором говорится, что в соответствии с законами Республики Узбекистан "О правоохранительных органах"и "О службе национальной безопасности неудивительно, что он предлагает разработать законы. Целью этого является создание стратегии безопасности, которая сегодня полностью отвечает современным международным отношениям, адаптация к конфигурации баланса международных сил.

Узбекистан - многонациональное государство. А в многонациональном государстве различаются и характерные национальные, этносиологические, этнопсихологические особенности. Это означает, что для многонационального государства вопрос реального суверенитета государства на первом месте является важнейшим национальным интересом.

Поэтому по мнению академика А.А.Коккошина, существует основа для мнения о том, что целостность многонационального государства будет разнообразной, что окажет свое влияние на его внутреннюю стабильность, а также на эффективную политику внутренней и внешней обороны и реальный суверенитет .

Почему в процессе глобализации роль суверенитета заняла идея десуверенитета? Почему страны мира сегодня нуждаются в "новом механизме" обеспечения своей национальной безопасности, то есть "реальном суверенитете"? Вопросы сегодня на повестку дня вышла проблема, стоящая перед субъектами мирового сообщества. На эти вопросы мы ответим ниже.

Когда мы говорим о суверенитете независимого Узбекистана, то его национальная безопасность проявляется в нашем сознании, в нашем сознании, в нашем сознании. Исходя из основного содержания представлений о концепции суверенитета в Конституции Республики Узбекистан (в первой главе, известной как основные принципы), вопрос государственного суверенитета и его основных принципов выражается в содержании отношений как носитель "народного суверенитета". Государство с любым суверенным статусом должно обладать силой, способной обеспечить свою реальную безопасность. Однако в обеспечении мира и стабильности Узбекистан настаивает на том, чтобы "не вмешиваться в какие-либо военно-политические блоки, не допустить размещения на территории Республики Узбекистан военных баз и объектов иностранных государств, не участвовать в миротворческих операциях наших военнослужащих за рубежом, придерживаться своей политики, и впредь придерживаться" принципиальной позиции нашей страны.[2] Но сегодня ситуация в мире быстро меняется. Суть и характер старых угроз, так и новые угрозы меняются.

Таким образом, наша Республика также, принимая во внимание эти факторы, в целях обеспечения реального суверенитета в перспективе должен обратить внимание на следующие факторы:

Государство, претендующее на получение реального суверенитета, должно иметь достаточное количество вооруженных сил;

Государство также должно иметь свою высокоразвитую оборонную промышленность, перерабатывающую и осваивающую высокие технологии.

В то же время государство, обладающее реальным суверенитетом, должно иметь собственную сеть аэродромов и движение военно-воздушных сил, нефтегазодобывающую отрасль, контроль за доходами, связанными с ними, осуществляется железными дорогами страны, отдельными отраслями, связанными с оборонной промышленностью, необходимо обеспечить информационную безопасность и независимую работу наиболее важных каналов эфирного телевидения, не зависящих от иностранного капитала.

"Поддержание достаточного потенциала системы обороны в военной безопасности для обеспечения государственной безопасности при возникновении кризисных ситуаций непосредственно вблизи границы страны, обеспечение эффективной обороны, также важно" принять участие в коллективных международных действиях, которые могут выдержать потенциальную агрессию по отношению к другим странам, когда это необходимо"[3, С.203].

В связи с этим в Узбекистане ощущается необходимость усиления и совершенствования военной стратегии в целях предотвращения возникающих в перспективе новых угроз, разработки достойных мер против них. Мы знаем, что военная стратегия - это вершина военного искусства. Он должен охватывать теоретические и практические вопросы подготовки государства и вооруженных сил к войне. Новые задачи в этом направлении определены Верховным Главнокомандующим Вооруженными Силами Шавкатом Мирзиёевым в честь

25-летия образования Вооруженных Сил Республики Узбекистан. Во-первых, повышение эффективности управления такой важнейшей сферой, как национальная безопасность, на основе требований законодательства, во-вторых, дальнейшее совершенствование организационной системы строительства Вооруженных Сил, в-третьих, разработка нового подхода к планированию мероприятий по подготовке войск, в-четвертых, совершенствование системы подготовки профессиональных военных кадров всех звеньев, в-пятых, обеспечение войск современным вооружением и военной техникой, в-шестых, повышение эффективности мер по социальной защите военнослужащих, в-седьмых, определены такие задачи, как воспитание молодежи в духе патриотизма[4]. Верховный Главнокомандующий Вооруженными Силами Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев в реализации этих задач признал, прежде всего, необходимость разработки концепции национальной безопасности и доктрины обороны Республики Узбекистан. Причина-процессы, связанные с сохранением военных угроз до сих пор. Это "социальная, экономическая, политическая, территориальная, религиозная, национальная, с использованием средств вооруженной борьбы в условиях глобализации рядом государств и политических сил, и проявляются в своих действиях, направленных на разрешение других конфликтов" [5,С.16]. Это, естественно, служит организационно-правовой основой для разработки долгосрочной военной стратегии национальной безопасности и обороны. На самом деле, определение этих задач в буквальном смысле определяет концепцию реального суверенитета Узбекистана, а не только военную мощь, широту территорий, наряду с участием в конфигурациях его сил на международной арене, он играет важную роль в обеспечении благосостояния, социального и культурного развития нашего народа, демократических прав и свобод наших граждан. Таким образом, Узбекистан в перспективе добьется всестороннего увеличения своих сил и возможностей. По мнению А.Богомолова, что новое мировое сообщество, в том числе китайское, делает выводы из "ошибок" и переходит к новой парадигме постиндустриального развития[6,С.88], это означает, что Китай-это новый путь в философии мирного восхождения. Даже к 2050 году Китай намерен превратиться в мощное государство как один из крупнейших, глобальных центров современного мира. Это позволит удвоить объем ВВП, пекинского руководства в 2010 году по сравнению с 2000 годом и занять пост-американское место по уровню технического и технологического развития к 2020 году. А к 2050 году будут заложены планы по завершению в полном объеме четырех модернизаций (в промышленности, сельском хозяйстве, научно-технической, военной и других сферах)[7,С.56]. Либо в части 1 статьи 4 Закона КНР "О национальной обороне" государство должно одновременно активизировать строительство по национальной обороне, воплощая свои силы в решении задач экономического развития, и добиваться развития национальной обороны и экономики".

Именно Узбекистан в своей перспективе, реализация военных задач, реализация мер в отношении опасности и угроз, препятствующих мировому развитию, преследующих демократическое развитие, в стратегии действий по развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы"[8], выражение не напрасно. Пятое направление стратегии действий-обеспечение безопасности, религиозной толерантности и межнационального согласия, а также в сфере глубоко

продуманной, взаимовыгодной и практической внешней политики.[9], именно для дальнейшего укрепления реального суверенитета Узбекистана, в перспективе, он окажет значительное влияние на военную стратегию и военную политику. Кроме того, данная стратегия действий предусматривает дальнейшее совершенствование правовых основ деятельности военной системы нашей страны, возможность демонстрации военных сил и средств в перспективе, ожидается, что информация, касающаяся военной деятельности, будет способствовать укреплению сотрудничества между политическим управлением и межведомственными учреждениями, совершенствованию механизмов принятия стратегических решений.

Еще одним важным фактором существования реального суверенитета является сфера фундаментальных наук страны (кибернетика, ядерная физика, электроника, космонавтика) вместе с наиболее важными областями социально-гуманитарных наук, предусматривается также наличие зрелых и опытных ученых в своей области, тщательная подготовка молодых кадров, исходя из законодательства рыночных отношений, их всесторонняя поддержка и укрепление их деятельности. Потому что в этих сферах государства имеют своих ученых и служат дальнейшему развитию страны [10, С.40-42]. По этой причине основу развития экономики и общества каждой страны необходимо вести в связи с научно-техническим прогрессом. Потому что это важное интеллектуальное богатство (сила).

30 декабря 2016 года Президент нашей страны Шавкат Мирзиёев на встрече с ведущими представителями науки страны определил новые задачи [11]. Эта встреча в буквальном смысле послужила основой дальнейшего укрепления и развития отношений к науке. Это был очередной шаг в дальнейшем укреплении научно-технической безопасности Узбекистана в перспективе.

Индустриализация Узбекистана в мировой экономике является важным этапом в обеспечении реального суверенитета страны. Одним из важнейших условий обеспечения реального суверенитета Узбекистана является поэтапный переход на широкомасштабную рыночную экономику нашего государства, обеспечение благосостояния нашего народа и создание конкурентоспособной на мировом рынке продукции. Для этого необходимо модернизировать создание производственных комплексов с внедрением новой индустриализации, выпускать новейшее вооружение, военную и специальную технику. Одним из важных условий эффективного участия в экономической интеграции должно стать законодательное и конструктивное налаживание отношений между государством и бизнесом, либерализация предпринимательской деятельности, главное, гармонизация бизнеса и национальной духовности. Также необходимо будет укрепить отношения между государством и бизнесом, гармонию между "государством - бизнесом и духовностью".

Информационная безопасность является составной частью национальной безопасности страны. Важнейшим фактором национальной безопасности страны является укрепление информационной безопасности, ее сетей, системы информационно-психологической безопасности и квантовой информационной безопасности в обеспечении мира и стабильности в процессе глобализации. Потому что культурно-гуманитарная интеграция проходит через информационно-коммуникационную систему, средства. Можно даже сказать, что глобальный мир и стабильность зависят от того, насколько объективно, культурно-гуманистически

настроены эти системы и средства. В свою очередь, эти факторы предопределяют судьбу страны он имеет возможность изменить уровень у ёки бу даражада ўзгартириш қобилиятига эга. Узбекистан также в соответствии с этим законодательством ведет эффективные и системные реформы по поддержанию мира и стабильности в киберпространстве. Таким образом, дальнейшее укрепление информационной безопасности на уровне государственной политики, укрепление нашей страны в международной жизни, в частности, растет необходимость ускоренного развития кибернетики, создания национальных информационных программ, национальных чипов. Потому что, учитывая, что в киберпространстве страны и различные социальные структуры, включая учреждения, специализирующиеся в сфере информационно-коммуникационных технологий, становятся площадкой для постоянной конкуренции между собой, необходимо создать эффективный способ реагирования на реальные или потенциальные риски, которые могут возникнуть. Для этого необходимо создать тщательно продуманные "Концепции обеспечения информационной безопасности Республики Узбекистан" и "стратегии обеспечения информационной безопасности Республики Узбекистан".

Одной из составляющих глобальной интеграции является высокий уровень культурно - цивилизационного развития государства, нации. В условиях агрессии нынешней идеологии международной глобализации и массовой культуры (Pop-Art), наносящей ущерб национальным культурам, становится все более сложной сохранение в здоровом состоянии цивилизаций каждого государства, не уступающих культуре другого передового государства.

Уровень культурно-цивилизационного развития оказывает положительное влияние и на политическое развитие государств в нынешней системе мировой политики. Это, безусловно, делается путем запуска "мягких сил". В нынешних условиях Ким Эрсу считает, что Запад должен заменить предложенную "агрессивную, индивидуалистическую-эгоистичную этику на общечеловеческую этику, которая думает о благополучии семьи, общества в целом "[12, С.112]. В частности, отмечалось, что в современных научно-исследовательских разработках, особенно в целях повышения доверия к ним, следует давать семена гуманизма, исходя из личных интересов [13, С.108-121].

Таким образом, в условиях обеспечения реального суверенитета, изложенного выше, наша страна ни при каких обстоятельствах не должна отказываться от разделения "угроз безопасности на "свои и чужие", чтобы сохранить, внести свой вклад в сохранение и укрепление мира и стабильности в мире, необходимо на практике придерживаться принципа "целостной безопасности".

### **Список использованной литературы**

1. Сергунин А.А. Суверенитет: эволюция концепта // Политекс. 2010. №4. [эл. ресурс] <http://www.politex.info/content/view/756/30/>. Дата обращения-25.02.2014. (Sergunin A.A. Sovereignty: evolution of the concept // Polytex. 2010. No4. [email resource] [http // www.politex.info / content / view / 756/30 /](http://www.politex.info/content/view/756/30/). The appeal date is 02.25.2014.)

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан ватан ҳимоячиларига байрам табриги. //Халқ сўзи, 2016, 16 январь.

(Congratulation of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev on the 25th anniversary of the National Army // Narodnoe Slovo, 2016, January 16.)

3. Золотарёв В.А. Военная безопасность Государства Российского. - Москва: Кучково поле, 2001. - С.203. (Zolotarev V.A. Military security of the Russian State. - Moscow: Kuchkovo Field, 2001. - S. 203.)

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан ватан ҳимоячиларига байрам табриги. //Халқ сўзи, 2017, 16 январь. (Congratulation of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev on the 25th anniversary of the National Army // Narodnoe Slovo, 2016, January 16.)

5. Прохожев А.А. Общая теория национальной безопасности.- Москва: Рипор, 2005. - С.16. (Prokhozhev A.A. The general theory of national security. - Moscow: Ripor, 2005.- P.16.)

6. Богомолов О. Взаимовлияния глобального кризиса и общественно-политической мысли.// Мировая экономика и международные отношения, №1, 2011. - С.88. (Bogomolov O. Interaction of the global crisis and socio-political thought. // World Economy and International Relations, No. 1, 2011. - P.88.)

7. К вопросу об эволюции военной политики и военной стратегии КНР.// Проблемы Дальнего Востока, 2004. -№2. - С.56. (On the evolution of military policy and military strategy of the People's Republic of China. // Problems of the Far East, 2004.-№2. - S. 56.)

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан ватан ҳимоячиларига байрам табриги //Халқ сўзи, 2017, 16 январь. (Congratulation of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev on the 25th anniversary of the National Army // Narodnoe Slovo, 2016, January 16.)

9.<http://strategy.regulation.gov.uz>

10. Кокошин А.А. Реальный суверенитет в современной мирополитической системе. Изд.3-е. - Москва: "Европа", 2006. -С.40-42. (.Kokoshin A.A. Real sovereignty in the modern world political system. Vol. 3. - Moscow: "Europe", 2006. -P.40-42.)

11. Қаранг: Илм - фан ютуқлари - тараққиётнинг муҳим омили. //Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намоёндалари билан учрашувдаги нутқи.// [uzbekistonovozi.uz](http://uzbekistonovozi.uz)

12. Park J.Y. The Visible and the Invisible. Rethinking Zolotarev V.A. Military security of the Russian State. - Moscow: "Kuchkovo Field", 2001. - S. 203; Park J.Y. The Visible and the Invisible. Rethinking Values and Justice from a Buddhist-Postmodern Perspective/ 2015, P. 112 .


13.Кравченко С.А., Коннов В.И. Проблема доверия к научному знанию: риски и способы их преодоления.//Полис. Политическиеисследования. 2016. №5. - С.108-121. (Kravchenko S.A., Konnov V.I. The problem of trust in scientific knowledge: risks and ways to overcome them. // Policy. Political research. 2016. No5. - S. 108 -121).

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Ёдгоров Зоиржон Шакарбоевич,  
Жиззах политехника институти  
Ўзбекистон тарихи ва ижтимоий фанлар  
кафедраси катта ўқитувчиси

## ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

*For citation:* Zoirjon Sh.Yodgorov. Main priorities of state policy in Uzbekistan in the field of physical training education and sport during the years of independence. 2019, vol. 23, issue 2, pp. 31-39

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-23-04>

### АННОТАЦИЯ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг ривожланиши мамлакатимизда амалга оширилаётган самарали сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг натижасидир. Жисмоний тарбия ва спорт соҳаси орқали мамлакатни ҳар тамонлама ривожлантиришнинг ҳозирги кундаги устивор масаласи бўйича сўнгги йилларда юртимизда бу борада қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши ва ундан кўзланган мақсадлар чуқур таҳлил этилиб очиб берилган.

**Калит сўзлар:** жисмоний тарбия ва спорт, Соғлом авлод, Оммавий спорт, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада", Олимпиада, соғлом турмуш тарзи, мактаб, коллеж, академик лицей, олий таълим муассасалари. Жисмоний маданият, давлат, мустақиллик.

Ёдгоров Зоиржон Шакарбоевич,  
Старший преподаватель кафедры Истории и  
общественных наук Узбекистана,  
Джизакского политехнического института

## ПРЕОРИТЕТНЫЕ ЗАДАЧИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ ПРОВОДИМЫЕ УЗБЕКИСТАНЕ В СФЕРЕ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ И СПОРТА

### АННОТАЦИЯ

Развитие в годы независимости в Узбекистане сферы физического воспитания и спорта является результатом проводимых в нашей стране эффективных политических, экономических и социальных реформ. В статье рассматривается вопрос всестороннего развития страны по приоритетным задачам сегодняшнего воспитания с спорта, а также, сделан глубокий анализ предусмотренной цели в ряде правовых и нормативных документов, принятые в последние годы.

**Ключевые слова:** физическое воспитание и спорт, здоровое поколение, массовый спорт, "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", "Универсиада", школа, колледж, академический лицей, высшие учебные заведения, физическая культура, здоровый образ жизни, государство, независимость.

**Zoirjon Sh.Yodgorov,**

Senior Lecturer at the Department of  
History of Uzbekistan and Social Sciences  
Jizzakh Polytechnic Institute

## MAIN PRIORITIES OF STATE POLICY IN UZBEKISTAN IN THE FIELD OF PHYSICAL TRAINING EDUCATION AND SPORT DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE

### ANNOTATION

The development of Physical training education and sport in Uzbekistan during the years of independence is the result of effective political, economic and social reforms in our country. In recent years, a number of laws and regulations have been made in order to ensure priority to comprehensive development of the country through the agency of physical education and sports.

**Key words:** Physical training and sports, Healthy generations, Popular sports, "Umid Nihollari", "Barkamol Avlod", "Universiada", The Olympic Games, healthy life-style, school, college and academic lyceums, higher education institutions, Physical culture, government, independence.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида эришилган ютуқларимизда давлатимиз ва ҳукумат томонидан соҳага доир қабул қилинган қонун ва қарорлар, яратилган шарт-шароитлар асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда аҳолининг айниқса, келажак ворислари бўлган ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва оммавий спорт билан мунтазам шуғулланиши учун бугунги замон талабларига мос шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Шу билан бирга, спорт мусобақалри орқали ёшларимиз ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончини мустақамлаш, мардлик ва ватанпарварлик,



она Ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, улар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш ва мақсадли тайёрлаш ишларини тизимли ташкил этиш борасида мустақиллик йилларида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида олиб борилаётган ислохотлар, ёш авлод саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, таълим жараёнининг барча йўналишларида соғломлаштириш дастурлари билан таъминлаб борилишига катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга тақдим этилган Мурожаатномасида, Жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича келгуси йилда кенг кўламдаги ишлар кўзда тутилмоқда. Долзарб вазифалар қаторига бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини тубдан ривожлантириш, юртимизнинг барча ҳудудларида бунёд этилган спорт иншоотларининг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал даражада фойдаланиш ҳисобидан ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан бандлигини таъминлаш ҳамда халқаро турнирлар ва жаҳон мусобақаларида совринли ўринларга эга бўлишни устувор масалалардан бири сифатида эътироф этиш ўринлидир.

2017 йилда жисмоний тарбия ва спорт соҳаси бўйича ҳам катта ишлар қилинди. Юртимиз ёшларининг спорт соҳасидаги ютуқлари барчамизни қувонтирмоқда. Жаҳон ва қитъа миқёсида янги-янги чемпионлар, шахмат бўйича халқаро гроссмейстерлар етишиб чиқмоқда. Якунига етиб бораётган йилда Ўзбекистонлик спортчилар бокс, дзюдо, таэквандо, оғир атлетика, эркин кураш, самбо бўйича ўтказилган турли халқаро мусобақаларда салмоқли ютуқларга эришдилар. 2017 йил айниқса Ўзбек миллий кураши тарихида ёрқин саҳифа бўлди. Сентябрь ойида Туркменистонда бўлиб ўтган Осиё Олимпия кенгаши Бош ассамблеяси йиғилишида ушбу миллий спорт турини Осиё ўйинлари дастурига киритиш ҳақида қарор қабул қилинди. Яъни, 2018 йил Индонезияда бўлиб ўтадиган 18-Осиё ўйинларида қитъамиз спортчилари ўзбек миллий кураши бўйича ҳам ўзаро беллашадилар. Энди жаҳон спорт майдонларида деган сўзлар жаранглаб, ўзбек номини, Ўзбекистон номини дунёга тараннум этади [1, Б.83-84].

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб, миллат генофондини асраш, оилада, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий баркамоллигини таъминлаш, жисмоний тарбия ва спортга меҳр-муҳаббатни ривожлантириш, жойларда болалар спортининг моддий техник базасини яратиш, аҳоли яшайдиган жойларда замонавий болалар спорт комплекслари тармоғини барпо этиш ҳамда спорт ускуналари ва жиҳозлари билан таъминлаш ишларини янада фаоллаштириш ва бу борадаги эзгу ишларда таълим, маънавий-маърифий ислохотлар билан бирга болалар спортини ривожлантириш, нафақат марказларда балки, энг чекка ҳудудларда ҳам замонавий спорт соғломлаштириш иншоотларини барпо этиш, имконияти чекланган ўғил-қизларга алоҳида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатишга оид ишлар муҳим ўрин тутди. Мамлакатимиизда олиб борилаётган ислохотларнинг барчаси, аввало, инсон манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётганидан далолатдир.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг бой маданий меросини қайта тиклаш, юксак маънавият, миллий ўзига хослик ва халқ анъаналарининг мавжуд кўп асрлик сарчашмаларини бутун чоралар билан ривожлантириш, жисмонан соғлом,

маънан етук ва ҳар томонлама баркамол шахслар жамиятини барпо этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш бўйича тизимли ва аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Нуфузли халқаро мусобақаларда Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиш ва юксак марраларни забт этишга қодир маҳоратли спортчилар тайёрлашнинг самарали тизими яратилди.

Мустақилликнинг қўлга киритилиши унинг шонли тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилиш билан бирга унинг бугунги қиёфасини янада бойитди. Ривожланган мамлакатларнинг юртимизни мустақил мамлакат сифатида тан олиши жаҳон миқёсида унинг обрў-эътиборини янада оширди. Сиёсат, иқтисод, фан, таълим, маданият ва спорт соҳасида биз дунёни танидик, дунё эса бизни. Тарихимиз, миллий-маънавий меросимиз, динимиз, қадриятларимиз қайтадан тикланди. Давлат мадҳияси халқаро майдонларда янграб, обрў ва шаънимиз саналмиш байроғимиз нуфузли доираларда ҳилпирай бошлади.

Ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий соҳада эришган ютуқларини сарҳисоб этиш билан унинг ички ва ташқи салоҳиятига баҳо берса бўлади. Мустақил ўзбек заминининг ҳар бир соҳада қўлга киритган муваффақиятлари замирида Ватаннинг турли сарҳадларида истиқомат қилаётган инсонлар меҳнатлари, фидоийлиги, бой ва юксак интеллектуал билими, жисмоний қобилиятлари мужассамдир. Шу маънода мамлакатимизнинг биргина жисмоний тарбия ва спорт соҳасида эришган муваффақиятлари оламшумул аҳамият касб этади.

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимиз Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига ўз эътиборини қаратди. 1992 йил 14 январида "Жисмоний тарбия ва спорт" тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши бу борадаги дастлабки қадамлардан дейиш мумкин. Ўша йилнинг 21 январида Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси ташкил этилди ва 1993 йил сентябрь ойида ўтказилган Халқаро Олимпия қўмитасининг 101-сессиясида Ўзбекистон Республикаси ушбу нуфузли ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. Ўзбек спортчилари Олимпия ўйинларида мустақил жамоа сифатида иштирок этишлари учун имкониятлар эшиги очилди.

Мамлакат миқёсида жисмоний тарбия ва спортни оммавий тарзда ривожлантириш юртимизга тегишли бўлган ҳар бир ислоҳотда ўз аксини топган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридан келиб чиқиб ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом қилиб тарбиялаш, соғлом турмуш тарзи, жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотишнинг муҳим омили сифатида болалар спорти ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Юртимизда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш учун бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Юқоридагилар айни пайтда мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт масаласининг давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифалардан бирига айлангани ва бу соҳада янги босқич бошланганидан далолат беради.

Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, истиқлол йилларида ёш авлоднинг жисмоний маданиятини юксалтириш, турмуш тарзини замон талабларига мос ҳолда ташкил этиш каби ишлар амалий вазифалардан бирига айланди. Биринчи Президент Ислом Каримовнинг ташаббуслари билан болалар спортини ривожлантириш борасида қатор тадбирларнинг амалга оширилиши: юртимиздаги барча мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида янги-янги спорт

иншоотларининг қурилиши ҳамда замонавий спорт жиҳозлари билан таъминланганлиги, махсус спорт залларининг фойдаланишга топширилганлиги, бундай хайрли ишларнинг амалга оширилиши эса, ҳукуватимиз томонидан келажагимиз пойдевори бўлмиш ёш авлодни ҳар томонлама етук ҳамда жисмонан баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган амалий ишларнинг натижасидир.

Мустақиллик даврида нафақат сиёсий ва иқтисодий, балки ижтимоий-маданий соҳада ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, жисмоний тарбия ва спорт янги поғонага олиб чиқилди. Айниқса, юқори натижалар спортни ривожлантириш, халқаро майдонда кучли рақобат қила оладиган юқори малакали спортчиларни тарбиялаш, турли спорт турларида муносиб захира тайёрлаш ва илмий- амалий салоҳиятга эга етук мутахассис кадрларни етиштириш асосий мақсадимизга айланди. Ўтган қисқа давр ичида спортчилар эришган ютуқлар таҳлил қилиниб, Ўзбекистонда спортнинг ривожланиш истиқболини белгилаб олиш имконияти туғилди. Суверенитетининг биринчи йилларидан Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланишига миллий тараққиётга ёрдам берувчи омил сифатида катта эътибор қаратди. Айнан шу мақсадларда жисмоний тарбия ва спорт фаолиятидаги ўзгаришлар жамиятимизнинг янги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий ша-роитларига мослаштирилди. XX асрнинг сўнгги йиллари ўзбек халқи та-рихида бутунлай янги даврни бошлаб берди. Бугунги кунда Ўзбекистон ўзининг жуда катта ақлий ва жисмоний имкониятларини намоён этиб, жаҳон сиёсатига энг замонавий фикрлар билан кириб бормоқда. Давлатимиз ўзининг новаторлик кучини кўрсатаётган дастурий концепциялари, жаҳон ижтимоий- сиёсий жараёнларини ҳам тубдан ислоҳ қилишга таъсир қиладиган ғоятда янги имкониятларини намоёиш этмоқда. Ана шу нуқтаи назардан, мустақиллик, миллий ғоя, миллий тараққиёт, модернизация тушунчалари ва бевосита унинг ташаббускори бўлган Биринчи Президентимиз Ислом Каримов номи билан боғлиқ бўлган учинчи Ренессанс даври бошланди[2,Р.4].

Мустақиллик йиллари жисмоний тарбия ва спорт соҳасининг ривожланиши мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларнинг самарали натижасидир, деб тўла ишонч билан айтишимиз мумкин. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ялпи янгиланишлар бевосита Биринчи Президенти Ислом Каримов асарларида, нутқ ва маърузалари, суҳбат ва интервьюларида илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳлил этилган. Биринчи Президентимиз томонидан яратилган янгиланишлар концепцияси кеча, бугун ва эртадан иборат катта воқеликни яхлит идрок этишга йўл очди [3,Б.394].

Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида" ги Қонуни 1992 йил қабул қилинди. Ушбу қонуннинг иккинчи таҳрири 2000 йил 26 майда тасдиқланди. Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида" ги Қонунининг янги таҳрири 2015 йил 4 сентябрда қабул қилинди[4]. Мазкур Қонунда Ўзбекистон ҳукуватининг жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳуқуқий- меъёрий асослари Конституция ва халқаро ҳуқуқ нормаларига мос равишда яратилди.

"Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида" ги Қонун мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг қуйидаги асосий йўналишлари белгилаб берилди:

- жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-

қувватлаш;

-ҳар кимнинг жисмоний тарбия ва спорт билан эркин шуғулланишга бўлган ҳуқуқини таъминлаш;

- жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат ҳамда жамоат бошқарувини уйғунлаштириш;

- фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ҳуқуқларининг давлат кафолатларини белгилаш;

- жисмоний тарбия ва спорт соҳасида камситишга ҳамда зўравонликка йўл қўймаслик;

- жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи шахслар, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт тадбирлари иштирокчилари ҳамда томошабинларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш;

- спортнинг барча турлари ва таркибий қисмларини ривожлантиришга қўмаклашиш; ногиронлар ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахслар, шунингдек, юқори даражада ижти мойи ҳимояга муҳтож аҳоли гуруҳлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қўмаклашиш;

- Ўзбекистоннинг миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантириш ҳамда оммалаштириш учун шарт-шароитлар яратиш;

- фуқароларни жисмоний тарбиялашнинг узлуксизлиги ва даво-мийлигини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида" ги қонуни аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш, уларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларига шарт-шароитлар яратиб беришни кафиликка олади, мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт ишларини янада яхшилашга, Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, фаровон ҳаётга эришиш, халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашдек эзу мақсадларга етиш йўлида бизнинг таянчимиз ва суянчимиз бўлмиш ёшларимизга беқиёс орзу-умидлар билан биргаликда кенг имкониятлар беради.

Юксак спорт ютуқларининг мавқеи халқаро мусобақаларда рақобатчиликнинг кескинлашиши, ҳамда мамлакат миллий терма жамоалари спортчилари авлодларининг алмашиши қонуний жараёни ҳозирги даврда спорт танлови ва истиқболли ёшларни тайёрлашнинг илмий асосланган тизимларини такомиллаштириш зарурлигини белгилаб беради.

Спорт билан шуғулланиш учун болаларни танлашда бошқа кўрсаткичлар билан биргаликда, фақатгина жисмоний ривожланганлик, жисмоний ва техник тайёргарлик кўрсаткичлари каби шахсий сифат ва хусусиятларини аниқлаш алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт нафақат жисмоний ва маънавий соғломлик асоси, балки ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларни турли зарарли ёт гоё ва одатлардан асраш, уларга ўз қобилияти ва истеъдодларини тўла руёбга чиқариш воситаси ҳамдир. Ёшларда спортга бўлган ҳавас ва интилишни, жамиятда соғлом турмуш тарзи тамойилларини янада кучайтириш, ёш иқтидорли спортчиларни танлаб олиш, уларда профессионал маҳорат ва кўникмаларни ривожлантириш, спорт турлари бўйича мамлакат терма жамоаларига спорт захирасини тайёрлаш, ўқувчи ва талабаларни спорт машғулотларига узлуксиз жалб этишга қаратилган спорт мусобақалари тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромоновичнинг ташаббуси ва

қўллаб-қувватлаши натижасида жисмоний тарбия ва спорт мамлакатни ҳар тамонлама ривожлантиришнинг ҳозирги кундаги устивор масаласи бўйича сўнгги йилларда мамлакатимизда бу борада қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар имзоланди. 2017 йил 3 июнда "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-3031-сонли қарор[5]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10-августдаги "Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларини жамоат ва спорт ишларига кенг жалб этиш ҳамда спортчиларни ва уларнинг тренерларини рағбатлантириш тўғрисида" ПҚ-2779-сонли қарор[6].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 октябрдаги ПҚ-3306-сонли "Кураш" миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарори[7].

2018 йил 5 мартдаги "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПФ-5368-сонли фармони[8] нинг қабул қилиниши ва мазкур фармонга кўра Республика Жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига айлантирилиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида ўтказиладиган республика спорт мусобақалари тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида" 2018 йил 25 октябрдаги 864-сонли қарори[9], шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 январдаги "Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва аҳолини жисмоний ва оммавий спортга жалб этиш тўғрисида" ги[10]. 2019 йил 13 февралдаги, "2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистонда жисмоний ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" ги қарорлари [11] нинг қабул қилиниши Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида янги босқич бошланганидан далолат беради.

Ушбу концептуал ҳужжатлар жисмоний тарбия ва спорт соҳасида улкан ислохотлар, беқиёс бунёдкорлик ишларини амалга ошириш имкониятини яратди. Сўнгги йиллар ичида юртимиз ҳудудларида, ҳатто узоқ қишлоқ ва туманларда ҳам кўпдан-кўп замонавий спорт иншоатлари барпо этилди ва айни кунда улар фарзандларимиз, ҳалқимиз хизматида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Жисмоний тарбия ва оммавий спорт турларини ривожлантириш билан бир қаторда, "катта" спорт мавқеини кўтаришга ҳам устивор аҳамият қаратилмоқда. Йилдан-йилга республикаимизда халқаро ва жаҳон миқёсидаги нуфузли мусобақаларни ўтказиш анъанавий тадбирлар таркибидан жой олмоқда. Ўзбек спортчилари Осиё, Жаҳон ва Олимпия мусобақаларида юксак натижаларга эришиб, юртимиз шуҳратини жаҳон ҳамжамияти олдида тараннум этиб келмоқда. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, Ватанимизнинг юксак жисмоний тарбия ва спорт ютуқларининг мавқеи халқаро мусобақаларда рақобатчиликнинг кескинлашиши, ҳамда мамлакат миллий терма жамоалари спортчилари авлодларининг алмашиши қонуний жараёни ҳозирги даврда спорт танлови ва истиқболли ёшларни тайёрлашнинг илмий асосланган тизимларини такомиллаштириш зарурлигини белгилаб бериш орқали қуйидаги хулосага келинди:

- Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор жисмоний ва маънавий жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди.

- Жисмоний тарбия ва спортнинг моддий техник баъзасини мустаҳкамлаш ҳамда юртимиздаги спорт иншоотларини жаҳон стандартларига мослаб қуриш, таъмирлаш- ватанимиз шаънини муносиб ҳимоя қиладиган соғлом, бақувват чиниққан спортчиларни тарбиялаш йўлидаги гамхўрликнинг самарасидир.

- Баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказишда: айниқса, уч босқичли ("Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада") таълим-тарбия тизимининг жорий этилиши - янги истиқболлар, имкониятлар асосидир.

- Ўқитувчи-тренерлар машғулотларда янги педагогик технологияларни қўллаши- жисмоний тарбия ва спорт машғулотларида ёшларнинг ижобий, фаол муносабатларини қарор топтиришда муҳим таълимий-тарбиявий аҳамиятга эгадир.

- Ўзбекистон ёшларининг саломатлигини сақлаш ва муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзи қоидаларига амал қилиш, ижодий қобилиятларини ўстиришда- жисмоний тарбия ва спорт машғулотларининг амалий аҳамияти каттадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2018 йил 29 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида: "Спортни жадал ривожлантириш, халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришган спортчиларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга бундан буён ҳам катта аҳамият берамиз. Ёш авлодимиз ўртасида спортни оммалаштириш мақсадида энг чекка туманларда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини ташкил этамиз" [12], ? дея алоҳида тўхталишлари бу борадаги ислохотларнинг янада жадал ривожланишига туртки бўлди.

Мамлакатимиз истиқлол йилларида ўтказилган туб ислохотлар натижалари асосида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги вазифаларга кенг йўл очиб берилди. Биз учун давлат сиёсати даражасига кўтарилган устувор вазифа-нафақат манавий-етук, зукко ва билимдон, шу билан бирга, спорт ва кураш майдонларида тобланган, қийинчиликларни енгишга қодир, ирода ва эътиқоди бақувват, беллашувларда чиниққан мард фарзандларни тарбиялаш-бу бир-бирини тўлдирадиган, бир-биридан ажралмас ягона мақсад бўлиши даркор. Жисмоний тарбия ва спорт юртимизнинг ҳар қайси шаҳар ва қишлоғига, ҳар бир хонадонга кириб боришига эришиш, шу асосда ҳаётимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бизнинг олижаноб орзу-интилишларимиз узвий бир-қисмига айланиши зарур.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. - Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2018 йил.83-84 бет. (Mirziyoyev Sh.M.The satisfaction of our public is the greatest assessments for our dedication.2-edition. -T.: Uzbekistan USNU, 2018, page-83-84).

2. Президент Ислам Каримов асарлари библиографияси. / Масъул муҳаррир А.С.Сагдуллаев. Т., 2009. -4-б. (The bibliography of the works of President Islam Karimov/ Responsible editor A.S.Sagdullayev. -Tashkent, 2009, page-4).

3. Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, Ўзбекистоним. Ўқув услубий қўлланма. - Тошкент: Маънавият, 2014. (My sacred Motherland, my love and loyalty is for you my beautiful Uzbekistan. Educational-methodical manual. - Tashkent: Ma'naviyat, 2014).

4. Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида" ги Қонуни (янги таҳрири).Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-394-сон Қонуни. (The new edition of Uzbekistan's law "Towards Sports and

Physical education" the law of Uzbekistan Republic september 4, 2015-year URS-394).

5. 2017 йил 3 июнда "Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-3031-сонли қарор. (The law on further development of sports and Physical education" PD-3031)

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10-августдаги "Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчиларини жамоат ва спорт ишларига кенг жалб этиш ҳамда спортчиларни ва уларнинг тренерларини рағбатлантириш тўғрисида" ПҚ-2779-сонли қарор. (The decision of President of Uzbekistan 10.08.2017 "About wide involvement of Uzbek athletes, who achieved remarkable results at prestigious competitions, to public and sport activities, and encouraging athletes and their coaches". PD-2779).

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 октябрдаги ПҚ-3306-сонли "Кураш" миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарор. (The decision of President of Uzbekistan 02.10.2017 "The law on further development of "Kurash")

8. 2018 йил 5 мартдаги "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПФ-5368-сонли фармони. (Decree on "About cardinal improvement of public administration in the sphere of physical culture and sports" PD-5368)

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўқувчи ва талаба ёшлар ўртасида ўтказиладиган республика спорт мусобақалари тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида" 2018 йил 25 октябрдаги 864-сонли қарори. (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated October 25, 2018 number 864 "On further improving the system of republican sports competitions among students and youth").

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 29 январдаги "Ўзбекистонда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва аҳолини жисмоний ва оммавий спортга жалб этиш тўғрисида" ги қарори. (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated January 29, 2019" On the promotion of healthy life styles and the involvement of the population in sports and mas sports")

11. 2019 йил 13 февралдаги, "2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистонда жисмоний ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" ги қарори. (Resolution of February 13, 2019 "On approval of the concept of development of physical and mas sports in Uzbekistan for 2019-2023").

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 29 декабрь. (Statement of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirzoyev Miromonovich to the Oliy Majlis. December 29, 2018).

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Мажидов Акбар Файзуллаевич,  
Абдурасулова Дилбар Тўраевна,  
Жиззах давлат педагогика институти  
Тарих ўқитиш методикаси  
кафедраси ўқитувчилари

## ТАРИХИМИЗНИНГ ҲАСРАТЛИ САҲИФАЛАРИ ХУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

*For citation: Akbar F.Majidov, Dilbar T.Abdurasulova. Some reviews on sorrowing pages of history. 2019, vol. 23, issue 2, pp. 40-43*



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-23-05>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада совет давлатининг Ўзбекистонда юритган қатағонлик сиёсати, ундан советларнинг кўзлаган мақсадлари, қатағонлик сиёсатининг тўлқинлари, мустақиллик туфайли қатағонлик сиёсатини ҳаққоний равишда ўрганиш имконияти берилганлиги ҳақида илмий хулосалар баён этилган.

**Калит сўзлар:** мустақиллик, қатағон, репрессия, коммунистик тузум, "миллатчи", "пантуркист", "панисломист", "халқ душмани", "қулоқ".

Маджидов Акбар Файзуллаевич,  
Абдурасулова Дильбар Тураевна,

Преподаватели кафедры Методика преподавания истории  
Джизакского государственного педагогического института

## НЕКОТОРЫЕ ОБЗОРЫ НА СКОРБНЫХ СТРАНИЦАХ ИСТОРИИ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье изложена репрессивная политика Советского государства в Узбекистане и описывается волны репрессивной политики и возможность изучения сущность политики репрессий вовемя независимости.

**Ключевые слова:** независимость, репрессия, коммунистический строй, "шовинист", "пантуркист", "панислямист", "враг народа", "кулак".



**Akbar F. Majidov,**  
**Dilbar T. Abdurasulova,**  
Teachers of the department Methodology of teaching history  
Jizzakh State Pedagogical Institute

## SOME REVIEWS ON SORROWING PAGES OF HISTORY

### ANNOTATION

This article describes the Soviet policy of repression in Uzbekistan, Soviet intentions, waves of repressive politics and the possibility of studying the policy of repression in the time of independence.

**Key words:** independence, repression, communist system, pan-Turkist, pan-Islomist, enemy of people, kulak, nationalist.

**М**устақиллик, ҳуқуқий давлат асосларини яратиш, ватандошларимиздан ўз халқига, мамлакатига садоқат, Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантириш, давлатимизни мустақкамлашнинг амалий ва маънавий воситаларини вужудга келтириш имконини яратиб берди. Бу борада ўтмиш аждодларимизнинг тажрибаларини ўрганиш, уларнинг ибратли ишларидан сабоқ олиш, умуминсоний қадриятларга асосланган дунёқарашимизни шакллантириш, миллий ўзликни англаш-бугунги долзарб вазифадир.

Бинобарин, шахс жамиятда ўз ўрни ва вазифаларини тушуниб олишида, ҳаётий мўлжалларини ўзининг мақсади ва эҳтиёжларига, имкониятларига мос тарзда тўғри белгилашида ижтимоий фанлар, хусусан, тарих фани муҳим ўрин тутди. Халқимизнинг инсоният цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссасига, жаҳон халқлари орасида тутган ўрнига баҳо беришда, унинг бой ва ҳаётий ва тарихий тажрибаларидан фойдаланишда, олийжаноб фазилатлар ва анъаналарни ўрганиш ҳамда бойитишда Ўзбекистон тарихи фани катта аҳамиятга эга [1,Б.6].

Тарихга фақат фан сифатидагина қараш уни бор бўйича, чуқур англаш имконини бермайди. Тарих бу- дунёқараш дегани, тарих бу- маънавият, тарих-халқ хотираси, тарих миллатнинг, халқнинг таржимаи ҳоли, тарих инсоният босиб ўтган узоқ ва машаққатли йўлдир [2,Б.36]. Тарих ўзликни англашнинг, маънавиятни юксалтиришнинг энг самарали таъсирчан воситасидир.

Дарҳақиқат, ҳаққоний тарихимизни, янги тарихни яратишда буюк истиқлолимиз йўлида курашган улуғ зотлар, маърифатпарвару адиблар, қўмондону лашкарбошиларнинг, бир сўз билан айтганда ўз юртини жонидан ортиқ суйган ва ардоқлаган ватандошларимизнинг ҳаёт йўли, фаолияти, тақдирини билиш, уларнинг бетимсол ижтимоий-сиёсий қиёфасини тиклаш, бор ҳақиқатни ҳозирги ва келажак авлодга етказиш бугунги кунимизнинг долзарб масалаларидан биридир.

Тарих ҳақиқати шуни таъкидлайдики, халқлари билимдан, доно, зийрак, дунёқарашни кенг, ўз мустақил фикрига эга бўлган мамлакатлар ҳар қандай қийинчиликларни осонгина енгиши мумкин.

Аксинча, зиёлиси оёқости қилинган, мамлакатнинг шавкати бўлмайди. Маънавияти топталган, маданияти камситилган юртнинг қиёфаси йўқолади.

Тарихимизнинг аянчли, ҳасратли, фожеали ва армонли саҳифаларидан бири Советларнинг Ўзбекистонда олиб борган қатағон сиёсати ва унинг фожеали оқибатларидир. Маълумки, мудҳиш Октябр тўнтаришидан бошлаб то СССР

парчаланиб кетгунча қадар сиёсий қатағон совет жамиятининг ажралмас таркибий қисми бўлиб келди. Бироқ бу фожеа Ватанимизнинг тарихида, айниқса 30-40-йиллардаги тарихимизда мутлақ ёритилмаган эди, бу давр бамисоли устига кафан ташланган, кафанга ўралгандек ҳолатда, ўрганиш учун ёпиқ мавзу бўлиб қолганди [3,Б.4]. Биринчи Президент ҳали мустақилликка эришишдан аввалроқ Ўзбекистондаги сиёсий қатағон ва унинг қандай кечгани, фожеали оқибатини очиб бериш, бегуноҳ қатағон қурбонларини оқлаш чораларини кўриш ташаббуси билан чиқди. Бу ўринда унинг мана бу фикрлари диққатга лойиқдир: "... 1937-1939 йилларда Ички ишлар халқ комиссарлиги идоралари инқилобий қонунчиликни жуда кўпол тарзда буздилар ва оёқ ости қилдилар. Бундай бедодлик кейинги йилларда ҳам, то 50-йилларга қадар давом этди. Сира айби бўлмаган, ҳалол одамлар кўплаб қамоққа олинди ва қириб ташланди.

Сталин шахсига сиғиниш йиллари Ўзбекистон халқлари бошига оғир кулфатлар солди. 1937-1939 йилларнинг ўзидагина Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг "учлик" лари томонидан 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалди. Шулардан 37 минг нафаридан кўпроғи судланди, 6 минг 920 киши отиб ташланди... Асосиз қамалиб жиноий жавобгарликка тортилган кишилар орасида партия, совет, хўжалик ходимлари, ҳарбийлар, зиёлилар ва колхозчилар жуда кўп эди [4].

Яна шу ўринда далилларга мурожат қиламиз: Коммунистик тузум жаҳонда VII-аср бошларидан бери яшаб келаётган муқаддас Ислом динини Туркистонда йўқ қилмоқчи бўлди. У 1918 йилдан 1950-йиллар ўрталаригача янги империяни мустаҳкамлаш учун табақаларга ажратиш сиёсатини олиб бориб, 6 млн. туркистонликни "миллатчи", "пантуркист", "панисломист", "халқ душмани", "қулоқ" ва "империалистлар малайи" каби тамғалар билан қоралаб қатағон қилди ва қириб ташлади [5,Б.92].

Урушдан сўнг тўқиб чиқарилган руҳонийлар, миллатчилар иши бўйича кўплаб адабиёт, санъат, илм-фан, дин арбоблари қатағон қилинди. 40-50-йилларда таслимчиларга, антисоветларга қарши кураш баҳонасида кўплаб юртдошларимиз қатағон домига тортилди.

XX асрнинг 80-йилларида "пахта иши", "Ўзбек иши" деб номланган сохта ишлар бўйича минглаб бегуноҳ кишилар қатағон қилинди [3,Б.5]

Буюк истиқболимизнинг дастлабки вақтларидаёқ Биринчи Президент совет режими даврида "асосиз тарзда қатағон қилинган кишиларнинг ор-номуси, қадр-қиммати, покиза номини тиклашни" биринчи галдаги вазифа деб билди. Айниқса Биринчи Президентимизнинг 1999 йил 12 майдаги Ф-999-сонли фармойиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Худди шу йили 22 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида" қарор қабул қилди. Унга мувофиқ Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманидаги Бўзсув қирғоғида мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси ҳузурида "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси тузилди ва у самарали фаолият кўрсата бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг 2001 йил 1 майда "Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида" ги фармони эълон қилинди. Унга мувофиқ ҳар йил 31 август куни "Қатағон қурбонларини ёд этиш куни" қилиб белгиланди. "Қатағон қурбонлари" хотира китобини яратиш

вазифа қилиб қўйилгандан бери орадан анча вақт ўтган бўлишига қарамай, вилоятлар бўйича "қатағон қурбонлари" хотира китоби яратилганича йўқ. Хусусан, Жиззах вилояти мисолида оладиган бўлсак, Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари каби бу ерда ҳам юзлаб, минглаб кишилар совет давлатининг қатағонлик сиёсатининг қурбони бўлган. Тўғри, нашрдан чиққан айрим асарлар бир гуруҳ ёки алоҳида олинган қатағон қурбонлари қисматига бағишланганлигини эътироф этиш жоиз. Шундай бўлса-да, ҳали вилоятларда бугунги кунга қадар тизимли иш йўлга қўйилганича йўқ. "Катта террор" кампанияси давридаги қатлгоҳларнинг ўрни вилоятларда ҳали -ҳануз аниқланганича йўқлиги фикримизнинг яққол исботидир.

Хулоса қилиб айтганда, Ватанимиз Ўзбекистоннинг ҳар бир вилоятида "Қатағон қурбонлари хотира китоби" ни яратиш вақти аллақачон келган. Хусусан, Жиззах вилояти ҳақида фикр-мулоҳаза юритар эканмиз, ҳудудда Республика "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармасининг бўлимларини қайтадан тиклаш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун биринчи навбатда вилоят ҳокимлиги мутасаддилари ташкилий, амалий ва моддий жиҳатдан беминнат ўз кўмақларини беришлари лозим деб ўйлаймиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. -Тошкент, 1996 (A unique concept of teaching and studying the history of Uzbekistan. - Tashkent, 1996).
2. "Халқ таълими" журнали. 2017 йил №6-сон (Journal of Public Education. Issue 6, 2017)
3. Шамсутдинов Р. Қатағон қурбонлари. 2-китоб. -Тошкент: Шарқ, 2007 (Shamsutdinov R. Victims of Repression. Book 2 - Tashkent: Sharq, 2007)
4. "Ўзбекистон овози", 1991 йил 15-сентябр сони (Voice of Uzbekistan, September 15, 1991)
5. Набиев А.. Мустақиллик учун кураш ёхуд парчаланган Туркистон тарихи. Т.: "Ёзувчи", 1998 (A. Nabiev. The struggle for independence or the history of Turkistan -T.: The Writer, 1998)

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST


Пардаев Тошкентбой Ражабович,  
Турсунов Жавли Нарзуллаевич,  
Термиз давлат университети доцентлари

## МУСТАБИД ТУЗУМНИНГ МИЛЛИЙ ВА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА МУНОСАБАТИ

---

*For citation: Toshkentboy R.Pardaev, Zhavli N.Tursunov. The attitude of the despotic regime to national and religious values. 2019, vol. 23, issue 2, pp. 44-49*

---

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-23-06>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада мустабид тузумнинг маънавий қадриятларимизга таҳдиди, миллатни ўз она тилидан шонли тарихидан шунингдек, асрий анъаналаридан ажратишга қаратилган мафкуравий зуғумлари, қатағон сиёсати ва унинг бошқариш механизми очиб берилган. Совет ҳукуматининг нотўғри миллий сиёсати оқибатида республикада жумладан, жанубий вилоятларда юзага келган маънавий танглик ҳолатлари асл манбалар асосида таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** мустабид тузум, қадрият, маънавият, тарихий мерос, мустақиллик, маданият, маърифат, дин, эътиқод, анъана.

---

Пардаев Тошкентбой Ражабович,  
Турсунов Жавли Нарзуллаевич,  
доценты Термезского государственного университета

## ОТНОШЕНИЕ ДЕСПОТИЧЕСКОГО СТРОЯ К НАЦИОНАЛЬНЫМ И РЕЛИГИОЗНЫМ ЦЕННОСТЯМ

### АННОТАЦИЯ

В статье раскрыты угроза деспотического строя нашим духовным ценностям, идеологическая злоба, репрессивная, направленная на лишение нации от родного языка, славной истории, священной религии, от вековых традиций и механизмы его управления.

В результате неправильной национальной политика правительства советов,

кризисная ситуация, возникшая в республике, в частности, в гашеных областях анализированы на основе подлинных источников.

**Ключевые слова:** деспотический строй, ценность, духовность, историческое наследие, независимость, культура, просвещение, религия, убиение, традиция.

**Toshkentboy R.Pardaev,**

**Zhavli N.Tursunov,**

Termiz davlat university associate professor

## THE ATTITUDE OF THE DESPOTIC REGIME TO NATIONAL AND RELIGIOUS VALUES

### ANNOTATION

The article reveals the despotic regime's threat to our spiritual values, depriving the nation from its own mother language and glorious history, likewise ideological violences that was directed to deprive from ancient traditions, cataclysm policy and its control mechanism. Spiritual tightness situations that sprang up in the republic, including in southern regions as result of incorrect national policy of the government of the previous United were analyzed in basis of original sources.

**Key words:** despotic regime, value, spirituality, historical heritage, Independence, culture, enlightenment, religion, faith, tradition.

**М**амлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин қисқа вақт ичида ютуқлар қўлга киритилди. Мустақиллик том маънода маънавий қадриятларимизни, муқаддас динимизни қайта тиклади. Бироқ мустабид тузум даврида амалга оширилган ғайри илмий геноцид сиёсатнинг зуғумлари фақатгина халқимизни моддий бойликларини талаб қолмасдан, балки миллий ва маънавий қадриятларига ҳам таҳдид солди. Биринчи Президентимиз И.Каримов таъбири билан айтганда: "Маънавиятимизга қарши қаратилган ҳар қандай ҳуруж-бу миллатимизни миллат қиладиган, асрлар, минг йиллар давомида аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятларга, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусига, бизни доимий равишда тадрижий тараққиётга чорлайдиган, шу йўлдаги барча асорат ва иллатлардан халос бўлиб, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсадларимизга катта зарба берадиган мудҳиш хавф-хатарларни англатади [1,Б.14]

Чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатининг ворисий давомчиси саналган совет ҳукумати миллий ва маънавий қадриятларга бўлган салбий муносабатда ўзининг ўтмишдошиданда анча илгарилаб кетди.

Мустабид тузумининг бутун бошқарув механизми мустамлака халқларнинг моддий бойликларини аёвсиз тарзда талаш билан бир қаторда уларнинг миллий, маънавий ва диний қадриятларини йўқотишга қаратилди. Ушбу мақсадни амалга ошириш жараёнида вақти-вақти билан қатағонлар уюштириб турулди. Жумладан: ўтган асрнинг 20- йилларида "босмачиликка қарши кураш", диндорларга қарши кураш, бой ва судхўр золимларга қарши кураш компанияси, 30-йилларида эса "қулоқлаштириш сиёсати", 1936-1938 йилларда давлат арбоблари ва зиёлийларга қарши қаратилган қатағонлар, урушдан кейинги йилларда эса миллий зиёлийларимиз ва ижод аҳлини бадном қилиш ва шу каби бошқа таҳдидлардан

кўзланган бош-мақсад миллатни сиёсий жиҳатдан қарам маънавий жиҳатдан басир қилиб, руҳий жиҳатдан муъте қилиб унинг бойлигини талаш, ўзини эса бўйин товламайдиган қул қилишдан иборат эди.

Совет ҳукумати ўзининг бундай ..... сиёсатидан доимо кенг фойдаланиб келди. Чунончи ўтган асрнинг 60-80 йилларида ҳам бу сийсатдан воз кечмади аксинча замонга мослаб янгича кўриниш ва ниқоблар билан асл мақсадини хаспўшлаб келди. Мустабид тузумнинг бундай номақбул сиёсати миллатни асл қадриятларидан айришга қаратилганлиги билан ажралиб туради. Жумладан, халқимизнинг азалий қадриятларидан бири саналаган "Алпомиш" достонининг табиатан зарарли, халққа қарши, чунки, ўтмишни "идеаллаштиради" деб кўрсатишга қаратилган партиянинг алоҳида пленуми бўлди. 1961 йилда КПССнинг XXII съезди бўлиб ўтди. Ушбу съездда миллий масала ҳам муҳокама этилди ва совет давлатида миллий масала юз фоиз ҳал этилди деган қарор қабул қилинди. Шунингдек, съездда "Бутун миллат бир халқ бўлди. Совет халқи вужудга келди. Бир халқ бўлгандан кейин миллат ҳам битта бўлади" деган ғоя илгари сурилди [2,Б.13]

Собиқ СССР таркибида 100 дан зиёд миллат ва элат мавжуд бўла туриб, уларнинг равнақи инобатга олинмади. Миллий талаб ва эҳтиёжларни менсимаган ҳолда мамлакатда битта миллат битта тил бўлади деганқатъий қарор қилинди. Бу ҳам етмаганидек 1977 йилда қабул қилинган СССР конституциясида ҳам бу масала янада мустаҳкамланди. Совет ҳукумати миллий маданият масаласида ҳам жиддий хатога йўл қўйиб "Шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият" бўлиши керак деган ғояни илгари сурди. Бу собиқ иттифоқ таркибидаги кўпгина халқларнинг маънавиятига маданиятига берилган жиддий зарба эди. Бу халқимизнинг минг йиллик шонли тарихи билан ҳисоблашмаслик, миллатнинг номуси ва ғурури бўлган она тилини таҳқирлашдан иборат зулмкор ғоя эди.

Марказнинг миллий масала юзасидан қабул қилган бундай кўр-кўрона қарорлари одамларни анча чўчитиб қўйди, одамлар орасида саросималар тарқалди энди нима бўламиз, тилимиз қандай бўлади, анъаналаримиз йўқоладими деган ҳадиксираш кучайди. Шунга қарамасдан марказ миллий масала борасидаги сиёсатида ўз позициясида қолди. Бу ҳам етмаганидек 80-йилларда "пахта иши", "ўзбек иши" каби янги кўринишдаги туҳматлар ўйлаб топилиб, халқ бошига жуда катта маълوماتлар ёғилди. Ўша пайтда республика тепасида турган айрим раҳбарлар бундай туҳматлардан халқни ҳимоя қилиш у ёқда турсин балки ўз халқининг бошига мазгава тўкиш, уни бадном қилиш орқали ўз мавқебини сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Халқимиз учун ниҳоятда аянчли ва аламли бўлган ўша дамларда яъни 1986 йилнинг 4 октябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг III пленуми бўлди. Унда, идеология ишининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари масаласи муҳокама қилинди. Унда реал ҳаётга мос бўлмаган, халқнинг миллий ўзлигини англашига зид кўрсатмалар берилди. Шунингдек, "ўтмишни идеаллаштириш, носинфий ва нотарихий ёндошувлар шунга олиб келадик, Темур каби феодал золимлар театр сахналарида, кино экранларида, китоб саҳифаларида шу вақтга қадар кўзга ташланиб турибди, айрим ёзувчиларнинг эътиборида тарих ҳақиқатига зид равишда у инсонпарвар ва узоқни кўра билувчи сиёсатчилар қилиб кўрсатилган... Бундай калтабинлик замирида тарихни қайтадан ёзишга уриниш, патриархал даврни қўмсашни тарғиб қилиш, исломни миллий маданиятнинг хазиначиси қилиб кўрсатишга уриниши ётади. [3,Б.116] деб баҳоланди. Пленум "идеология ишидаги

мавжуд бузилишлар мурасасизлик билан тугатилсин, тарихий ўтмишни идрок қилишда марксча ленинча методологиядан оғиш йўлидаги ҳар қандай урунишларга зарба берилсин" деб кўрсатма берди.

Бундай нотўғри позиция 1987 йил 17 январда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган жамиятшунос олимларнинг республика кенгашида ҳам яна бир бор таъкидланди [4,Б.117]

Халқ манфаатини кўзламаган, халқ дарди, армони ва орзусини ўзида мужассам этмаган гоё халқнинг бошига ниҳоятда катта ситамлар солади балолар ёғдирарди. Оқибатда тарихий обидаларимиз вайрона холига келиб қолди, масжидлар, муқаддас қадамжолар бузиб ташланди, халқимизнинг асрий анъана ва қадриятларига ҳужум бошланди, она тилимиз уй-рўзғор тилига айланди. Бу миллат учун жуда катта йўқотиш эди. Шу ўринда 1986 йил январ-феврал ойларида бўлиб ўтган Ўзбекистон компартиясининг XXI съездида қабул қилинган динга нисбатан ноқобил позицияни ҳам эслаб ўтишга тўғри келади. Жумладан, Съездда шундай дейилган эди. "дин миллатчилик ва шовинизмга ҳар доим йўл очишини, иқтисодий, социал тараққиётга тўсқинлик қилишини, социалистик турмуш тарзи, коммунистик маънавиятнинг қарор топишига тўсқинлик қилишини ҳар доим эсда тутмоқ керак". [5,Б.130]

Кўришиб турибдики мустабид тузум халқнинг қадриятларини топташ тарихини менсимаслик она тилини йўқотиш орқали миллатни йўқотишга уни маънавий сўқир қилиб, манқуртга айлантиришни ўзига асосий мафкуравий мақсад қилиб олган эди. Республикаимизнинг мустақиллик эришиши туфайли халқимиз ўзлигини англади. Бой маънавий меросидан нафақат баҳраманд бўлди балки уни дунёга тараннум қилиш имкониятига эга бўлди.

Ислом динига нисбатан бундай ғаразни ёндошув албатта кенг жамоатчиликнинг норозилигини юзага келтирди.

Мазкур қарорни бажариш юзасидан амалга оширилган аҳмоқона тадбирлар натижасида кўплаб тарихий обидалар, нодир қўлёмалар, асрий анъаналар ва халқ қадриятларига аёвсиз ҳужум уюштирилди. Бу ҳолатни Биринчи Президентимиз қўйидагича изоҳлаган эди. "миллатлараро муносабатларни ривожлантиришда биз ўз халқига ҳурмат билан бир қаторда бошқа миллат ва халқларга нисбатан ҳам чуқур ҳурмат эътибор ҳши қўшничилик ва уларнинг ҳам миллий гурурлари борлигини ҳисобга олиб ҳаракат қилишимиз керак. Миллий анъаналар халқнинг энг нозик, энг ҳурматталаб фазилатларидир. Афсуски, четдан келган баъзи бир одамлар ана шу нарса билан ҳисоблашмаган пайтлар бўлди. Ҳатто ўзимиздан чиққан айрим раҳбарлар Наврўз байрамига, миллий кийим кечакка қарши чиқди. Шу даражага бориб етдикки, қориндошини кўмиш маросимида қатнашишга ҳам эскилик сарқити, деб қаралди, бундай одамларга, айниқса, раҳбарларга нисбатан тазйқ ўтказилди. Диндорлар билан мулоқотда бўлиш, улар билан бамаслаҳат иш юритиш масалаларини қўяверинг. [6,Б.144]

Бундай калтабин сиёсат халқнинг қалбига оғир жароҳатлар солганини ҳанузгача ёши улуғ инсонлар ниҳоятда чуқур алам ва афсус билан эслашади.

Сурхон воҳаси ҳам ўзининг узоқ даврлик шонли тарихи мобайнида улуғ салтанат ва давлатларга бешик бўлган, бу заминда илму-урфон, адабий ва санъат гуллаб яшанаган, кўплаб меъморий обидалар қад ростлаган, дунё тамаддунига улкан ҳисса қўшган алломалар, буддавийлик ва ислом динларига беназир хизмат қилган уломолар етишиб чиққан муқаддас замин саналади.

Мустабид тузумнинг миллий маънавий қадриятларимизга ва муқаддас динимизга нисбатан юритган тожовузкор сиёсатидан воҳа аҳли ҳам анча азоб чекка ва хўрланган. Жумладан, 1937 йил 25 октябрда "учлик" нинг №26 сон баённомасига мувофиқ ички ишлар халқ комиссарлиги Сурхондарё округ бўлими тақдим этган 3639-сонли иш бўйича бир кунда юзлаб одамлар қатағон қурбонига айланган ёҳуд озодликдан маҳрум этилган. [7,Б.186]

Ислом оламида тасаввуф илмининг етакчиларидан бири сифатида эътироф этилган улуғ файласуф Ҳакимия тариқатининг етакчиси, кўплаб китоблар муаллифи Ал Ҳаким Термизийнинг абадий кўним топган (мақбараси тиканли симлар ортида қолиб кетди маҳаллий аҳоли томонидан Термиз ота деб улуғланган алломанинг қабрини зиёрат қилиш у ёқда турсин балки ўша манзилга ўтиш учун алоҳида ташкилотларнинг рухсатномаси бўлиши шарт эди. Термиз шаҳри атрофида жойлашган саидлар хилхонаси Султон Саодат, мажмуаси, Қирққиз, Термизшоҳлар саройи, Зулкифл мақбараси, Кокилдорота хонақоҳи, Чорустун масжидининг минораси Сариосиёдаги Оқостонабобо, Шерабоддаги Абу Исо Термизий, Атоулла Саид Ваққос, Ахтам саҳоба, Ангордаги Хўжа Рўшноий каби юзлаб авлиёларнинг мақбаралари харобазорга айланиб қолди.

Термиз яқинидаги Саловат қишлоғида жойлашган Жомъе масжид ва мадраса умуман йўқ бўлиб кетди. Деновдаги XVIII асрнинг ажойиб меъморий обидси, Саййид Оталиқ мадрасаси ҳам шўроларнинг зўравонларга сиёсати туфайли анча зиён кўрди. Жумладан, совет ҳокимиятини ўрнатиш йилларида ушбу мадрасадан қизил аскарлар штаб ва зиндон сифатида фойдаланишган мадрасанинг ханоқоҳ қисми тамоман бузиб ташланган. Сўнгра ДОСААФ идораси, дорихона, архив сифатида фойдаланишган, кўчиб келиб жой топа олмаган европалик аҳолининг оилалари ҳам маълум вақт мадраса ҳужраларга жойлаштирилган. Кейинчалик эса жамоа хўжалиги гаражи, рассомлар устахонаси сифатида ҳам мадраса биносидан фойдаланишган [8,Б.237-238]

Бутун ислом оламида саҳиҳи ситтанинг бири сифатида эътироф этилган Абу исо Термизийнинг мақбараси ҳам ўша йилларда ниҳоятда хароб аҳволга келиб қолган эди. Токи 1990 йил сентябр ойида улуғ муҳаддиснинг 1200 йиллиги ўтказулгунга қадар бу буюк зотнинг номи кўпчиликка номаълум эди.

Мустақиллик том маънода халқимизни ўзлигини англашида энг улуғ қадам бўлди. Мустақиллик йилларида Имом Бухорий, Ал Ҳаким Термизий, Имом Термизий, имом Мотрудий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Абдухолиқ Фиждувоний, Каффол Шоший, Хўжа Аҳрор Валий, Имом аз Замахшарий каби кўплаб азиз зотларнинг мақбаралари қайта таъмирланиб, сайқалланиб, мунаввар масканларга айлантирилди. Бу зотлар қолдирган улуғ маънавий мерос яна халқимизга қайтарилди.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш жоизки, миллий қадриятлар, асрий анъаналар, муқаддас динимиз, жондан азиз она тилимиз, шонли тарихимиз асло завол топмайдиган улуғ неъматлар қаторига киради. Чунки, халқ бор экан, халқнинг руҳи уйғоқ, маънавияти бутун, эътиқоди собит, продаси букилмас экан бундай меросни на маҳв этиб бўлади на йўқотиб бўлади. Бу улуғ мероснинг буюклиги унинг халқ руҳияти билан уйғунлигидадир.



### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

---


1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Тошкент: Маънавият, 2013. - Б.14 (I.A.Karimov. The high spirituality is an invincible force. -T.: Ma'naviyat, 2013. 14th page).
2. Жўраев Н. Ўзликни англаш мавриди. -Тошкент: Ўзбекистон, 1990. -Б.13 (Jo'rayev N. The moment of self-awareness. -T.: O'zbekiston, 1990. 13th page.)
3. Совет Ўзбекистон газетаси. 1984 йил 5 октябрь (The newspaper "Sovet O'zbekiston", 5th october, 1984th year.)
4. Мустақил Ўзбекистон тарихининг дастлабки саҳифалари. -Тошкент: Шарқ, 2000. -Б.117. (Initial pages of the history of independent Uzbekistan. -T.: Sharq, 2000. 117th page).
5. Ўша китоб 130-бет (That book 130th page).
6. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Тошкент: Ўзбекистон, 2011. -Б.144( I. Karimov. Uzbekistan on the threshold of independence. - T.: O'zbekiston, 2011. 144th page).
7. "Ўзбекистонда моддий маданият ва этномаданий жараёнлар: замонавийлик ва анъанавийлик" мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами // 2011 йил 3-4 май. -Б.186. ("The material culture and ethnocultural processes: modernity and traditionality". The collection of rhe articles of scientific-practical republic forum that held on 3-4 Mai in 2011th year).
8. Турсунов С., Пардаев Т ва б. Сурхон воҳаси моддий маданият тарихи. -Тошкент: Муҳаррир, 2013. -Б.37-38. (Tursunov S., Pardayev T. and others. "The history of material culture of Sorhan oasis". -T.: Muharrir, 2013. 37-38th pages).

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Охунжонова Шаходат Юсубжон қизи,  
ЎзРФА Тарих институти таянч докторанти

## ТОШКЕНТ БОЗОРЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ МАНБАЛАРДА АКС ЭТИШИ

*For citation: Shahodat Y. Ohunjonova. Reflection of the activity of Tashkent markets in historical sources. 2019, vol. 23, issue 2, pp. 50-58*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-23-07>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Тошкент шаҳри бозорларининг фаолияти билан боғлиқ манбалар тадқиқининг баёни берилган бўлиб, улар гуруҳларга бўлинган ҳолда ўрганилган, бир гуруҳ манбалар бошқа гуруҳ манбаалари билан таққосланган. Муаллиф томонидан Тошкент шаҳри бозорлари фаолияти билан боғлиқ муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан хулосалар берилган.

**Калит сўзлар:** бозор, Тошбозорсавдо, савдо, патта тўлови, архив хужжатлари, оғзаки тарих маълумотлари, бозорлар паспорти.

Охунжонова Шаходат Юсубжон қизи,  
Институт истории АН РУз, базовый докторант

## ОТРАЖЕНИЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ РЫНКОВ ТАШКЕНТА В ИСТОРИЧЕСКИХ ИСТОЧНИКОВ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются различные источники, связанные с рынками Ташкента. В статье сравниваются эти материалы друг с другом, разделяя их на группы. Автор дает выводы по устранению проблем и недостатков рынков Ташкента.

**Ключевые слова:** базар, Тошбозорсавдо, торговля, квитанция, архив документов, устная история информации, паспорта рынка.

Shahodat Y. Ohunjonova  
Institute of History of Academy of Science of Uzbekistan, PhD student

## REFLECTION OF THE ACTIVITY OF TASHKENT MARKETS IN HISTORICAL SOURCES

### ANNOTATION

This article explores various sources relate the Tashkent markets. The paper compares these materials with each other by dividing them into groups. The author gives conclusions and shortcomings of the markets of Tashkent.

**Key words:** market, Toshbozorsavdo, trade, receipt, archive documents, oral history informations, market passports.

**Б**озор инсоният маданий тараққиётининг юксак маҳсули сифатида доимо кишиларнинг турмуш тарзида муҳим аҳамият касб этган. Бугунги кунда ҳам бозорлар инсонларнинг моддий эҳтиёжини қондиришда кундалик турмушининг ажралмас қисмидир. Бозорлар фаолиятини ёритишда, бу борада тарихий нуқтаи назардан ёндашиб илмий хулосалар бериш аҳамиятлидир. Хусусан, йирик савдо маркази сифатида Тошкент шаҳри бозорлари фаолиятини ўрганиш Ўзбекистондаги эришилган савдо маданияти, вилоятлар ва пойтахт бозорларининг ўзаро алоқасини ўрганиш орқали республиканинг барча ҳудудини бир ҳил ривожланишида бозорларнинг ўрни ва аҳамиятини очиб бериш мақсадида тадқиқот объекти сифатида Тошкент шаҳри бозорларини танлаш ўринлидир. Тадқиқ этилган манбаларни олти гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга соҳага доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни киритиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистонда 1991-2018 йилларда қабул қилинган фармон, қонун ва қонун ости ҳужжатлари ташкил қилади. Ўзбекистонда 1991-2018 йилларда қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳужжатларини мазмун моҳиятидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қонун ва Қарорлари Ўзбекистонда бозорлар фаолияти ривожининг ҳуқуқий асосларини кўрсатиб берган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари бозорлар фаолиятини ташкил этишни ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида, улгуржи ва биржа савдосини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида, товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида ва шу каби бир қанча фармонлар қабул қилинган[1].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тадбиркорлик тўғрисида қонуни, республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида, бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида, вино-ароқ маҳсулотларини улгуржи ва чакана сотишни тартибга солиш тўғрисида, улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомини тасдиқлаш тўғрисида, истеъмол товарлари улгуржи савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида, бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун зарур шарт шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги каби қарорлари қабул қилинган[2].

Шунингдек Ўзбекистон бозорларига четдан олиб кириладиган импорт

маҳсулотларнинг келишини, чет эл бозорларига олиб чиқиладиган барча турдаги маҳсулотларни тартибга солиш, мақсадида ҳам бир қанча қарор ва Фармонлар қабул қилинган. Булар сирасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг экспорт импорт операцияларини тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги каби қарорларидир[3].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бартер асосидаги экспорт импорт операцияларини қисқартириш чора тадбирлар тўғрисида, экспорт импорт операцияларини тартибга келтириш борасида қўшимча чора тадбирлар тўғрисида, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ҳимоя қилиш чора тадбирлари тўғрисида, импорт божларини қўллаш тартиби тўғрисида, импортни таърифлар билан бошқариш чора тадбирлари тўғрисида, ташқи иқтисодий фаолиятни янада чуқурлаштириш ва такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида экспортга маҳсулотларни чиқаришни эркинлаштиришнинг қўшимча чора тадбирлари тўғрисида, экспорт импорт операцияларини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида, импортни тарифлар билан бошқариш чора тадбирлар тўғрисида, ташқи савдо фаолиятини эркинлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига жисмоний шахслар томонидан товарларни олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида, импорт божхона божларини уйғунлаштириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида, бозорлар фаолиятини такомиллаштириш ва маҳсулотлар сотиш учун зарур шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида, бож тарифи орқали тартибга солишни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги қарорлари киради[4].

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган қонун ва қарорларнинг ижросини таъминлаш юзасидан айнан Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган бозорлар фаолиятини назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар ҳокимининг Тошкент шаҳар ҳудудида товарларнинг айрим турлари савдосини тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисида, автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар фаолиятини тартибга солиш чора тадбирлари тўғрисидаги қарорлари шулар жумласидандир[5].

Иккинчи гуруҳни архив ҳужжатлари ташкил этиб[6], жумладан Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг фондларида, Тошкент шаҳар архив фондлари, шунингдек, "Тошбозорсавдо"нинг жорий архив фондларида сақланаётган ҳужжатларни киритишимиз мумкин. Бу маълумотлардан бозорларнинг бошқаруви фаолияти, улардаги муаммо ва камчиликлар, шунингдек ички ва ташқи савдони қандай тартибда солиб турилиши ҳақида маълумотлар олишимиз мумкин. Бозорлар фаолияти, бозорлар моддий техника базаси, патта тўлови, ижара ҳақи ва турлари, автотураргоҳлар масаласи, расталар бошқаруви, санитария назорати, транспорт воситалари ҳақида маълумот олишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архивининг М-15 Молия Вазирлигининг фонди, Тошкент шаҳар архив фондларида сақланаётган 582-фонд Тошкент шаҳар ҳокимининг қарор ва фармонлари, 660-фонд Тошкент шаҳар ҳокимияти Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаментининг асосий фаолияти, савдо департаменти ҳузуридаги йиғилиш баённомалари, "Тошбозорсавдо"нинг жорий архивида сақланаётган

бозорларнинг ҳисоботлар ва бозорлар паспорт ҳужжатлари киритиш мумкин бўлиб, уларда бозорларнинг фаолият юритишининг ҳуқуқий шакллари, устав фондлари, хизмат кўрсатувчи банклари, ходимлар вазифалари, бозорлар ҳудудида мавжуд бўлган капитал қурилмалар ҳақида, бозорда ташкил килинган пуллик хизмат турлари ҳақида, бозорлар даромадининг таркиби ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Мавзуни тадқиқ этиш жараёнида архив материаллари қийёсий таҳлил натижалар асосида назарий ва амалий хулосаларга келинди.

Учинчи гуруҳ манбаларига 1991-2018 йилларда чоп этилган статистик маълумотлар ва ҳужжатлар тўпламларни киритган ҳолда, бу ҳужжатларда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйича савдонинг йиллар кесимидаги статистик таҳлили, ташқи савдо айланмаси, Тошкент шаҳрида амалга оширилган чакана савдо товар айланмаси тўғрисидаги маълумотлар мавжуд. 1991-2018 йилларда чоп этилган статистик маълумотлар ва ҳужжатлар тўпламларидан экспорт-импорт жараёнлари ҳақида, Тошкент шаҳар ҳудудида мавжуд бўлган бозорлар сони ва фаолияти ҳақида, чакана савдо товар айланмаси ва унинг таркиби ҳақида маълумотлар мавжуд.

Тўртинчи гуруҳ манбаларига 1991-2018 йилларда матбуот ва интернет материаллари киритган ҳолда, бу маълумотлардан Ўзбекистон ҳудудидаги, хусусан Тошкент шаҳридаги бозорлар фаолияти билан боғлиқ ҳолда аҳоли ҳаётида рўй берган ўзгаришлар, қулайликлар шу билан биргаликда муаммолар ҳам батафсил ёритилиб борилганлигини кўришимиз мумкин. 1991-2018 йилларда нашр этилган матбуот ва интернет материаллари киради. Бир қанча газета ва журналлар саҳифаларида Тошкент шаҳар бозорлар фаолиятини ёритувчи мақолалар чоп этилган бўлиб, шулардан "Тошкент оқшоми"[7] саҳифаларида Тошкент шаҳрида жойлашган бозорларнинг назорати ҳақида, "Халқ сўзи"[8] санитария ҳолатларини, "Ишонч"[9] газетасида коррупция ҳолатлари, "Ўзбекистон овози", савдо маданияти, деҳқон бозорларидаги олиб сотарлар танқиди, "Маърифат"[10] газетасида эса бозор ва бозор одоби, бозордаги болаларнинг таълим тарбияси муаммолари, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати"[11], "Савдогар"[12], "Biznes daily", "Истеъмолчи", "Постда", Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт кўмитасининг ойлик ижтимоий иқтисодий нашри "Ҳаёт ва иқтисод", "Иқтисодий ҳисобот" саҳифаларида бозор муносабатларига ўтиш жараёнида аҳоли турмушидаги ўзгаришлар ёритилган, "Шарқ престиж"[13] ҳафтанома, "Солиқ тўловчининг журнали", "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги", "Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси", "Фан ва турмуш", "Солиқлар ва божхона хабарлари", "Uzbekistan contact", "Иқтисодиёт ва таълим", "Менежмент ва маркетинг" саҳифаларида турмушимиз кўзгуси бўлган бозорларнинг қайноқ ҳаёти ёритилиб борилганлиги, шу каби маълумотлар мавзуни ёритишда муҳим аҳамият касб этди.

Бешинчи гуруҳ манбаларига эса оғзаки тарих усулларида фойдаланилган ҳолда респондентлар билан суҳбат натижаларини киритиш мумкин. Ушбу суҳбатларда савдо фаолияти билан шуғулланувчиларнинг тажрибалари ва фаолияти ҳақидаги маълумотлар ёзиб олинган. Оғзаки тарих усулларида фойдаланилган ҳолда респондентлар билан суҳбат натижаларини киритиш мумкин. Савдо фаолияти билан шуғулланиб келган респондентларнинг берган маълумотлари савдодаги қийинчиликларга қарамай бу фаолият билан шуғулланувчиларнинг кўплигининг сабаби, қандай маҳсулот турлари билан кўпроқ савдо қилишлари ва унинг сабаби, савдо фаолиятини амалга оширишда ҳар қандай дуч келиши мумкин бўлган

қийинчиликлар ва ҳодисалар ёритилган. Баъзи респондентлар оилавий кўринишда савдо қилиш қулайлигини таъкидласалар[14], айримлари оила аъзоларини аралаштирмасликни маъқул кўришган[15]. Бунинг сабабларини эса турлича изоҳлашган. Савдода аралаш маҳсулотлар билан савдо қилишдан кўра айрим маҳсулотлар савдосига ихтисослашувни мақул кўрувчилар ҳам кўпчиликни ташкил қилган.

XX асрнинг йигирманчи йилларига келиб Россия империясининг икки собиқ мустамлакаси - Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги ижтимоий-сиёсий вазият мураккаб ҳолатга келиб қолди. Гарчи 1917 йил октябрь тўнтаришидан сўнг Туркистон ХКС томонидан Бухоро амирлигининг мустақиллиги тан олинган бўлсада, амирлик ҳудудларидаги европалик миллатларига мансуб аҳолининг большевикларга ҳайрихоҳлиги ва айни вақтда Ёш бухороликларнинг инқилобий кайфиятлари ва кескин ҳаракатларга мойиллиги амирни ташвишга солмай қўймасди. Бухоро амирлиги тарихидаги бу қисқа давр амирлик бошқаруви ва айни вақтда ҳар қандай янгиликларга ва кескин ўзгаришларга қарши бўлган диний уламолар ва айни вақтда жамиятда демократик ислоҳотлар янгилинишларни амалга ошириш тарафдорлари бўлган ёш бухороликлар ва жадидларнинг ўртасидаги ўзаро қарама-қаршиликлар ва зиддиятларнинг кучайганлиги билан ҳам хусусиятланади [4,С.153-156].

XX асрнинг 20-йиллари арафасида Ёш бухороликларнинг етакчиси бўлган Ф.Хўжаевнинг[15] таъбири билан айтганда - "Қўқондаги ғалабадан[16] маст бўлган Колесов[17] худди шундай осонлик билан амир Бухоросини ҳам тугатишни ўйламоқда эди" [5,С.139]. Худди шундай қарашларга бошқа инқилобчилар ҳам ишонч билан қарамоқда эдилар. Тарихчи Қ.Ражабов ўз тадқиқотларида 1918 йилнинг 1 мартида Туркистон ХКС раиси Ф.И.Колесов қўмондонлигидаги қизил гвардиячиларнинг Бухорога нисбатан амалга оширган дастлабки ҳарбий юришидаги эришган вақтинчалик муваффақияти ва иккинчи тўқнашувлардаги мағлубияти ва Бухородан Самарқанд томонга чекиниши, Тошкентдаги большевиклар ҳукумати томонидан юборилган қўшимча кучлар ёрдамида 1918 йил 11 мартда вақтинчалик Карманани эгаллаши ва у ердан ҳам ҳайдаб чиқарилиши тафсилотларини ёритиб беради [6,Б.9]. Тадқиқотчи Д.Мўминовнинг кўрсатишича, "қизил гвардиячилар Карманада спиртли ичимликларни роса ичиб, маст бўлганлар ва маҳаллий аҳолини талаганлар. Шундан сўнг босқинчиларни бухороликлар Карманадан қувиб чиқаришган" [7,Б.27].

Бухоро амирлигининг Қизил армия томонидан босиб олинishi тарихига оид тадқиқотларни амалга оширган Д.Мўминов совет ҳукумати раҳбарларининг бу борадаги айрим хатти-ҳаракатлари ва фикрларини кўрсатиб ўтади, Унинг ёзишича, Бухоро босқини арафасидаги Бухорога нисбатан Туркистон большевиклари ва Турккомиссиянинг режалаштираётган ҳарбий сиёсатидан хабардор бўлган РСФСР

Ташқи ишлар халқ комиссари Г.В.Чичерин совет ҳукуматининг раҳбари - РСФСР Халқ Комиссарлари Совети раиси В.И. Ленинга махсус хат билан мурожаат қилиб, шундай таъкидлаган эди: "Бундай тadbир ниҳоятда жиддий бўлиб, бизнинг Шарқдаги бутун сиёсатимизга катта зиён келтиради... Бухоронинг мусулмон оламидаги мавқеи жуда катта. Бундай қўпол усулдаги мустамлакачилик сиёсати бизнинг Шарқдаги мавқеимизга жиддий путур етказди". Бироқ Бухорога қилинадиган ҳужумнинг оқибатлари ҳақидаги огоҳлантиришларга ҳеч ким қулоқ солмади [8,Б.32-33].

Тарихчи Қ.Ражабовнинг кўрсатишича, Амир Олимхон вазиятни юмшатиш, интервенциянинг олдини олиш мақсадида 1920 йил 8 июнда Мирзо Маъди Хўжабой бошчилигидаги Бухоро элчиларини Москвага жўнатди. Улар Г.В.Чичерин билан музокаралар ўтказиб, ҳар икки давлат ўртасида тинч-тотув яшаш, ички ишларга аралашмаслик, савдони ривожлантириш масалаларига тааллуқли шартномалар имзолаб қайтдилар [9,Б.29].

Аксельрод[18] ҳам Турккомиссиянинг[19] "ҳарбий ташкилотлар томонидан қўллаб қувватланган ҳолда қурол билан пўписа қилиш" анъанаси асосида Бухоро амирлигига нисбатан агрессив муносабат сиёсатини олиб бораётганлигини кескин танқид қилган эди [10,С.39-40].

"Биз худди отилиб кетиши муқаррар бўлиб турган вулқон каби ҳолатдаги Ўрта Осиёда ўзимизга яна бир қўшимча фронт кўринишидаги "ҳашам"ни раво кўрмаслигимиз лозим. Биз томондан амалга оширилиши мумкин бўлган агрессив хатти-ҳаракатлар ҳоҳ уруш кўринишида бўлсин, ҳоҳ бизнинг қўшинларииз томонидан мажбурий ҳолда амалга ошириладиган давлат тўнтариши бўлсин, нафақат Бухоро мусулмонларини, балки бутун Туркистон, Хива ва Туркманларни Бухоро уламолари атрофида бирлашишига сабаб бўлади, айни вақтда Фарғонадаги фронтнинг ўзи ҳам етарлидир[20]. Бухоро амирлиги қўшинларини мағлубиятга учратиш мураккаб эмас, бироқ икки ярим миллион кишилик Бухоро аҳолисига бас келиш имконсиздир, бу эса Бухорода доимий равишда оккупацион қўшинларни ушлаб туришга мажбур қилиши мумкин [11.С.39-40].

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадики, мақоланинг бошланишида номи тилга олинган бу ҳар икки амалдор большевиклар ҳукуматининг Бухоро амирлигига қарши ҳарбий ҳаракатлари унинг оқибатини чуқур ўйламасдан амалга оширилаётган сиёсат эканлигини кўрсатиш билан Бухоро амирлигининг сиёсий тақдирини ҳарбий йўл билан ҳал этмасликка ундаётгандек таассурот қолдирсада, аслида бунда бир нечта сиёсий ва ҳарбий ҳолатларни ҳисобга олганликларини кўриш мумкин:

Биринчидан, большевиклар ҳукумати ва Қизил Армиянинг Бухорога нисбатан жаҳон оммаси олдида агрессор ҳукуматга ва агрессор армияга айланиб қолишидан сақланиш;

Иккинчидан, агар Бухоро амирлигига ҳужум уюштириб, уни ҳарбий йўл билан босиб олинадиган тақдирда фуқаролар урушга тортилган большевиклар ҳукумати ва Россия давлати учун Ўрта Осиёда яна бир фронтнинг юзага келиши ва миллий мустақиллик учун курашиши мумкин бўлган Бухоро халқини бўйсундириш имконсиз эканлигидан хавфсираган эдилар.

Учинчидан, большевиклар ва Қизил Армиянинг Бухорога ҳарбий тажовузи Бухоро аҳолиси, Туркистон халқлари ва туркманларнинг ягона ҳокимият остида бирлашишига туртки беришидан хавотирда эдилар.

Бухоро шахрининг большевиклар томонидан эгаллаб олинган дастлабки дақиқалариданоқ бошланиб кетган талон-тарож ва зўравонлик ҳақида В.Генис ўз тадқиқотида манбаларга асосланган ҳолда, хусусан РКП (б)нинг Туркбюроси аъзоси Г.И.Сафаров фикрларидан қуйидаги маълумотларни келтириб ўтган: "Бухорога кириб келган рус аскарлари ва қизил гвардиячилар энг аввало одамларни газаблантирган ва нафратини қўзғатган ҳолда зўравонлик ва талон-тарожга машғул бўлдилар. Ҳеч қандай суриштирувларсиз ҳамма нарсани талаб, ичкиликбозлик ва тартибсизликларни келтириб чиқариб, халққа нисбатан зулмни ҳаддан ошириб юбордилар. Айнан шу ҳолат большевикларнинг босқинчилигига қарши кучли норозиликларга сабаб бўлди. "Инқилобий" гоёлар мустамлакачиликка бўлган кучли иштиёқнинг панасида қолиб кетди" [12,С.80].

Манбада ёзилишича, "То Фрунзе мародерларни отиб ташлаш ҳақида буйруқ чиқармагунга қадар, қизил армиячилар шаҳарни тўрт кун таладилар, шундан кейин ҳам талончилик тезда тўхтагани йўқ. Москва вакили Машицкийнинг ёзишича, аскарлар ва командирлар Регистондаги ҳамма биноларни таладилар, яқин атрофдаги қишлоқлар аҳолисига нисбатан оммавий зўравонлик амалга оширдилар. Куйбишевнинг шахсий кундалигида қайд этилишича: "15 сентябрь - аскарлар талончилик қилмоқда, 16 сентябрь - аскарлар талончилик қилмоқда, 24 кути қимматбаҳо зийнат буюмлари, 17 сентябрь - Махсус бўлимга мародерликка қарши курашни кучайтиришни таклиф қилиш" [21].

Юқоридагиларга умумий хулоса сифатида айтиш мумкинки, XX асрнинг 20-йиллари бошларида Ўрта Осиёда сиёсий ҳокимиятни қўлга олган большевиклар ҳукумати Бухоро амирлигига нисбатан ҳам ўзининг босқинчилик сиёсатини амалга оширишга уринди ва бунда ҳар қандай вазиятни ўз манфаатларига бўйсундиришга ҳаракат қилди. Гарчи бу борада турли турли сиёсатчилар томонидан кўплаб хавотирли фикрлар билдирилган бўлсада, Совет ҳокимиятининг марказдаги раҳбарлари амирлик тақдирига нисбатан ўз ҳукмларини қатъий белгилаб қўйган эдилар ва 1920 йилнинг 28 августидан бошлаб 2 сентябрь кунигача давом этган узоқ ва қонли курашлар натижасида Бухоро амирлиги Қизил армия томонидан босиб олинди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Генис В.Л. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году // Вопросы истории. 1993. № 7. - С. 39. (Genis V.L. The defeat of the Bukhara emirate in 1920 // Questions of history. 1993. No. 7. - P. 39.)

2. Генис В.Л. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году // Вопросы истории. 1993. № 7. - С. 39-40. (Genis V.L. The defeat of the Bukhara emirate in 1920 // Questions of history. 1993. No. 7. - P. 39-40.)

3. Борисова И.Д. Правовое обеспечение национальных государственных интересов Советской России и СССР в Центрально-Азиатском и Кавказском регионах в 1917-1929 гг.: историко-правовое исследование. Автореферат дисс... докт.юр.наук. -Владимир, 2006. -С.11-12. (Borisova I.D. Legal support of national state interests of Soviet Russia and the USSR in the Central Asian and Caucasian regions in 1917-1929: historical and legal research. Abstract of diss ... Doctor of Law. -Vladimir, 2006. -P.11-12.)

4. Илхамов З.А. Реформаторское движение младобухарцев в начале XX века. /



"Азиатская часть Российской империи в революционных событиях 1917 г". Международная научная конференция. -Оренбург, 2017 г. -С.153-156 (Ilhamov Z.A. Reform movement of the Young Bukharaites at the beginning of the 20th century. / "The Asian part of the Russian Empire in the revolutionary events of 1917." International scientific conference. -Orenburg, 2017. - P. 153-156).

5. Генис В.Л. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году // Вопросы истории. 1993. № 7. - С. 46. Қаранг: Ходжаев Ф. Избранные труды. В 3-х тт. Т. 1. -Ташкент, 1970. -С. 139. (Genis V.L. The defeat of the Bukhara emirate in 1920 // Questions of history. 1993. No. 7. - P.46; See: Khodjaev F. Selected Works. In 3 vols. T. 1. - Tashkent, 1970. -P.139).

6. Ражабов Қ. Бухорога Қизил Армия босқини ва унга қарши кураш: Тарих ҳақиқати (1920-1924 йиллар). - Тошкент: Маънавият, 2002. -Б.9. (Rajabov Q. The invasion of the Red Army in Bukhara and its fight against it: The truth of history (1920-1924). - Tashkent: Spirituality, 2002. -P.9.)

7. Мўминов Д. Ўрта Бухоро ва Шарқий Бухорода Қизил Армияга қарши қуроли ҳаракат (1920-1926 йиллар). Тарих фан номзоди...диссертация. -Тошкент, 2010. - Б.27. (Muminov D. Armed forces against the Red Army in Middle Bukhara and Eastern Bukhara (1920-1926). PhD in History ... dissertation. - Tashkent, 2010. - P.27.)

8. Мўминов Д. Ўрта Бухоро ва Шарқий Бухорода Қизил Армияга қарши қуроли ҳаракат (1920-1926 йиллар). Тарих фан номзоди...диссертация. -Тошкент, 2010. - Б.32-33. (Muminov D. Armed forces against the Red Army in Middle Bukhara and Eastern Bukhara (1920-1926). PhD in History ... dissertation. - Tashkent, 2010. - P.32-33.)

9. Ражабов Қ. Қизил армиянинг Бухорога босқини. <http://vatandosh.uz>. Қаранг: Рашидов У. Бухоро Халқ Республикаси (1920-1924 йиллар). -Бухоро: "Бухоро" нашриёти, 2003. -Б. 29. (Rajabov Q. The Red Army's invasion of Bukhara. <http://vatandosh.uz>. See: Rashidov U. Bukhara People's Republic (1920-1924). - Bukhara: Bukhara Publishing House, 2003. -P. 29.)

10.Генис В.Л. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году // Вопросы истории. 1993. № 7. - С. 39-40. (Genis V.L. The defeat of the Bukhara emirate in 1920 // Questions of history. 1993. No. 7. - P. 39-40).

11.Генис В.Л. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году // Вопросы истории. 1993. № 7. - С. 39-40. (Genis V.L. The defeat of the Bukhara emirate in 1920 // Questions of history. 1993. No. 7. - P. 39-40).

12.Генис В.Л. Разгром Бухарского эмирата в 1920 году // Вопросы истории. 1993. № 7. - С.46. Қаранг: Сафаров Г.И. Колониальная революция (опыт Туркестана). -М.: 1921. -С.80. 1. Genis V.L. The defeat of the Bukhara emirate in 1920 // Questions of history. 1993. No. 7. - P. 39-40).

13. Бутунроссия ижроия марказий комитети - 1917 йилда ташкил қилинган, РСФСРнинг 1917-1937 йилларда қонунчилик, идора этиш ва назорат қилиш давлат ҳокимияти органи.

14.Бройдо Г.И. - (1884-1956) - 1919-1920 йилларда РСФСР ХКС ва ВЦИК Турккомиссия партия бўлими бошлиғи

15. Файзулла Хўжаев (1896-1938) - Ёш бухороликлар етакчиси, 1920 йилда Бухоро инқилобий қўмитаси аъзоси, 1922 йилдан Марказий Қўмитанинг Ўрта Осиё бўлими бюроси аъзоси, 1925 йилдан Ўзбекистон ССР Халқ Комиссаралир советининг раиси, СССР МИК раисларидан бири.

16. Қўқон мухториятининг тугатилиши назарда тутилмоқда.

17. Колесов Федор Иванович (1885-1940) -1917-1918 йилларда Халқ Комиссарлари Советининг раиси.

18. Аксельрод Т.Л. - (1888-1938) - большевик, ТАССР инқилобий ҳарбий кенгаши аъзоси, РСФСР ХКС ва ВЦИК Турккомиссия аъзоси.

19. Турккомиссия - Туркистон ишлари бўйича комиссия, 1919 йил 8 октябрда ташкил этилган, РСФСР ХКС ва ВЦИК номидан Туркистонда фаолият юритган.

20. Фарғона водийсидаги 1917 йил охирларидан буён давом этиб келаётган миллий истиқолочилик ҳаракати назарда тутилмоқда.


21. Бухоро амирлигининг йўқ қилиниши. <https://vakillik.uz>

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Тўпчиев Усмон Синдорович,  
Жиззах давлат педагогика институти  
Тарих ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси

## ХІХ АСР ОХИРИ-ХХ АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА ВИНОЧИЛИК САНОАТИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

*For citation: Usmon S. Tupchiev. The emergence of the wine industry in Turkestan in the late 19th and early 20th centuries. 2019, vol. 23, issue 2, pp. 75-88*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-23-10>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистонда виночилик саноатининг вужудга келиши масаласи даврий тадқиқот ва нашралр ҳамда архив материаллари асосида ёритилган.

**Калит сўзлар:** узум, узумчилик, Қрим, Кавказ, янги узум навлари, Ати-Верде, Франк-пино, Мерло, Сапери, Якрима, Кристи, Якрима-Долче, Изабелла, Каберно-Савиньон, Рислинг, Сотерн, Оporto, Модерн-Мальвази, Чуенко, Фетисов, Н.И.Иванов, Первушин, А.Пулло, вино, виночилик.

Тўпчиев Усмон Синдорович,

Джизакский государственный педагогический институт  
Преподаватель кафедры методики преподавания истории

## ВОЗНИКНОВЕНИЕ ВИНОДЕЛЬЧЕСКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В ТУРКЕСТАНЕ В КОНЦЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВЕКОВ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье на основе периодических исследований и издательств, а также архивных материалов освещаются вопросы винодельческой промышленности Туркестана в конце XIX и в начале XX века.

**Ключевые слово:** виноград, виноградарства, Украина, Молдавия, Кавказ, новые

сорту винограда, Ати-Ведро, Франк-пино, Мерло, Саперави, Якрима, Кристи, Якрима-Долче, Изабелла, Каберно-Савиньон, Рислинг, Сотернь, Опорто, Модерн-Мальвази, Чуенко, Фетисов, Н.И.Иванов, Первушин, А.Пулло, вино, виноделие.

Usmon S.Tupchiev,  
Jizzakh State Pedagogical institute  
Teacher of the department of methods of teaching history

## THE EMERGENCE OF THE WINE INDUSTRY IN TURKESTAN IN THE LATE 19th AND EARLY 20th CENTURIES

### ANNOTATION

The article based on periodic research and publishing as well as archival materials highlights issues of wine industry in Turkestan in the late 19th and 20 th centuries

**Key words:** grapes, viticulture, Ukraine, Moldova, Caucasus, new grape varieties, Ate-Verde, Franco-pino, Merlo, Saperavi, Yakrima, Christie, Yakrima-Dolce, Isabella, Cabernet-Sauvignon, Riesling, Sothern, Oport, Modern-Malvasi, Chuenko, Fetisov, N.I.Ivanov, Pervushin, A.Pullo, wine, winemaking.

Бугунги кунда республикамизда иқтисодиётнинг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланган қишлоқ хўжалигида узумчилик ва саноатда виночилик масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро, республикамизнинг қулай табиий-иқлим шароити ноёб хўраки ва техник узум навларини етиштириш ва ундан кам харажатлар билан юқори стабил ҳосил олишга, шунингдек узумдан сифатли вино ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш имконини берадиган минтақа ҳисобланади. Шу сабабли, Ватанимиз тарихини ҳар томонлама тадқиқ этишга катта эътибор берилаётган бугунги кунда XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон ўлкасида қишлоқ хўжалигида узумчиликнинг аҳволи ва унинг асосида виночилик саноатининг ривожланиш тарихини ўрганиш долзарб мавзулардан биридир.

Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан забт этилиши ўлка ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўзгартириб юборди. Бу ўзгариш қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари каби узумчилик ва виночилик саноатида ҳам ўз аксини топди. Дастлаб у даражада жиддий эътибор берилмаган ушбу сердаромад соҳа, сал кейинроқ мустамлакачи маъмурлар диққатини ўзига жалб эта бошлади. Зеро, мустамлака ҳукумат бу соҳанинг ўта фойдали эканлигини, узум етиштириш ва ундан мўл ҳосил олиш ҳамда виночилик саноатини ривожлантириш учун Туркистон ўлкаси табиий иқлим шароитига кўра ўзнинг бу борада бой бўлган мустамлакаларидан бири бўлган Кавказ сингари қулай минтақа эканлигини англаб етган эди. Шу сабабли, Россия империяси ҳукуматининг ўлкада қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳалари каби узумчилик ва саноатда вино ишлаб чиқаришга ҳам қизиқиши ортиб, бу соҳа аста секин унинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ривожлантирила борилди.

Даврий нашрларда чоп этилган мавзуга оид мақолаларда, шунингдек ушбу даврда яшаб ижод қилган муаллифларнинг илмий тадқиқотларида ва архив фондларида сақланаётган материалларда ўлкада қадимдан етиштириб келинган

маҳаллий узум навлари, уларни парваришлашнинг агротехник қоидалари, шунингдек узумдан олинган ҳосилни қайта ишлаш орқали майиз, шинни ва мусаллас каби маҳаллий узум маҳсулотларни тайёрлаш масалалари кенг ўрин олган. Шунингдек, ушбу манбаларда кўрилатган аср охирларидан бошлаб ўлкада вино ишлаб чиқарувчи заводларнинг вужудга келиши, вино тайёрлаш ва уларнинг турлари, ўлка ички бозорларида узум ва вино маҳсулотларининг нарх-наволари, шунингдек узум ва вино маҳсулотларини чет мамлакатларга экспорт қилиш каби масалаларга оид диққатга сазовор маълумотлар ҳам қайд этилган.

Кўрилатган даврда Туркистон ўлкасида узумнинг маҳаллий навларининг ўттиздан ортиқ тури мавжуд бўлиб, булардан Чиллаки, Чарос, Оқ Кишмиш, Қора Кишмиш, Домброби, Майизи, Катта-Қўрғон, Дорой, Оқ ва Пушти Хусайни, Ҳасайни, Саҳоби, Гилами, Офпари, Буаки, Маска, Набиши, Хожаахрори, Султони, Шакар ангур, Алвони, Сиркои, Шувурғон, Хотинбармоқ ва бошқа шу кабиларни мисол келтириш мумкин[9, Б.48-50; 17, Б.247-300].

Маҳаллий узум навларидан ўзининг ҳосилдорлиги, таркибида шакар моддасининг кўплиги ва хуштаъмлиги билан, шунингдек вино ишлаб чиқаришда унумдорлиги билан Чарос, Оқ ва Қора Кишмиш, Маска, Буваки, Хўжаахрори ва Султони кабилар бошқа маҳаллий узум навларига нисбатан бу борада алоҳида ажралиб турган. Ўлка маҳаллий аҳолиси азалдан узумнинг шу ва бошқа навларидан хўраки, қуритилган ҳолатда майиз, ичимлик сифатида шароб (мусаллас), шунингдек шинни маҳсулотларини тайёрлашиб, уларни истеъмол қилишган, рўзғордан ортганини ички ва ташқи бозорларга олиб чиқиб сотишган.

XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистон ўлкасида маҳаллий узум навларидан ташқари серҳосил ва винобоп янги узум навлари асосан Украина (Қрим), Молдова, Кавказорти ва бошқа жойлардан келтирилиб, ўлка табиий иқлим шароитига мослаштирила бошланган. Манбаларда қайд этилишича, ўлкага четдан янги узум навлари илк бор 1868 йилда Тошкент уездига олиб келтирилган бўлса, кейинчалик бу борада ўлка вилоятларидан Самарқанд асосий марказга айланган. 1869 йилдан бошлаб Туркистонга Россия империясининг Қрим, Кавказ, Украина каби минтақаларидан ташқари, европанинг Франция, Германия, Венгрия, Болгария каби мамлакатлари ва хатто Америка қитъасидан ҳам узумнинг янги навлари олиб келиниб маҳаллийлаштирила бошланган[12, Б.59-60; 16, 75; 17, Б. 237-239; 6, Б.234].

Туркистон ўлкасида узумдан тайёрланадиган шароб, мусаллас каби ичимлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш қадимдан мавжуд бўлган. Аммо, ўрта асрларга келиб, айниқса хонликлар даврида ушбу маҳсулотларни истеъмол қилиш ислом дини шариат қоидаларига кўра қатъий тақиқланган. Шундай бўлсада, ўлкада XIX аср охирларидан аста секин қишлоқ хўжалигида узумчиликка эътибор кучайиб, саноатда узумдан вино ва спирт ишлаб чиқариш йўлга қўйила бошланган.

Россия мустамлакачилиги сиёсатида Туркистонда узумчилик соҳасини тараққий эттириш орқали узумдан тайёрланадиган ва четдан сотиб олинадиган спиртли ичимликлар(вино, коньяк, ароқ)га кетадиган ҳаражатларни камайтириш билан биргаликда, истиқболда сифатли, олий навли вино маҳсулоти ишлаб чиқариш орқали биринчидан асосан русийзабон аҳолининг спиртли ичимлик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини маълум маънода қондириш бўлган, шунингдек узум ва вино маҳсулотларини ўлка ички бозорларида сотиш ва четга экспорт қилиш орқали катта даромад олиш режалари ҳам бўлган.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда, мустамлака ҳукумат доимо ўлкада узумнинг янги серҳосил ва винобоп навларини етиштириш орқали улардан мўл ҳосил олиш, олинган ҳосилдан сифатли вино ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга ҳаракат қилиб келган. Хусусан, XIX асрнинг 80 йилларида ҳар йили рус боғбонлари шахсий хўжаликларида Матрос, Изабелла, Сотернь, Оқ ва Қизил Мускат, О-Порто ва Рислинг номли янги узум навлари парваришланиб, ушбу боғларнинг ҳар бир десятинадан 15 000 челақгача ҳосил олинган. Хатто олинган ҳосилдан тайёрланган олий навли "Рус виноси" 1893 йил Парижда, 1894 йил Антверпенда, Шампань(1896 йил) ярмаркаларида юқори баҳоланиб, олий мукофотларга сазовор бўлган. Шу билан бирга, рус тадбиркорлари аста секин узумдан спирт олиш ва ароқ ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўя бошлашган[2, Б.169-171].

Туркистон ўлкасида узум ҳосилини йиғиб олиш ишлари асосан июл ойининг ярмидан бошланиб, октябр ойининг бошларида якунланган. Ушбу давр мобайнида узумдан олинган ҳосилнинг бир қисмини улгуржи нархларда хомашё тарзида вино тайёрлаш заводларига топширишган. Ҳосилнинг қолган қисмидан шароб(мусаллас), шинни, майиз ва бошқа шу каби маҳсулотлар тайёрланиб, қиш мобайнида истеъмол қилиш учун сақлаб қўйилган. Аҳоли эҳтиёжларидан ортган узум маҳсулотлари хўраки ва майиз кўринишида ўлка ички бозорларидан ташқари Россия ва бошқа чет ўлкаларга ҳам экспорт қилинган.

Ўлкада етиштирилган маҳаллий узум ва четдан келтирилган янги узумдан олий навли қизил вино, шунингдек ошхона учун уч ҳилдаги десерт винолар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Жумладан, Европадан келтирилган ва ўлкада маҳаллийлаштирилган янги узум навларидан Каберно-Савельон, Соперовки, Матрос(Қора Ширвон) кабилардан юқори навли қизил вино ишлаб чиқарилган бўлса, маҳаллий узум навларидан Қора Кишмиш, Чарос, Чиллаки, Қора Хусайни кабилардан ошхона, черков, десерт(сархил) навли уч ҳилдаги винолар тайёрлаб истеъмолга чиқарилган[11, Б.177-183; 19, Б.154].

Ўлка бозорларида Мерло, Гренаж, Мурвед каби янги узум навларидан тайёрланган қизил ва оқ винолар ҳам сифат жиҳатдан юқори баҳоланган. Шунингдек, ушбу навларнинг ҳосилдорлик миқдори ва вино бериш коэффициенти ҳам бошқа янги узум навларига нисбатан юқори бўлиб, унинг 1 десятина ердан олинган узум ҳосилидан ўртача 500 челақдан - 700 челақгача вино олинган.

Ўлкада дастлабки вақтларда узумдан вино тайёрлаш техникаси ўта оддий ва примитив кўринишда бўлиб, узумлар асосан маҳсус идишларга солинган ва оёқда эзилиб, пресланган ва унда шарбат ажратиб олинган. Чунки, бу вақтларда ҳали ўлкага вино ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ўз даврининг замонавий техника ускуналари келтирилмаган эди. Узумни пресслайдиган маҳсус ускуна ўлкага XIX асрнинг 80 йилларидан бошлаб келтирилиб фойдаланила бошланган, олинган шарбатни филтрлайдиган ускуна эса пресслаш ускунасида 5 йил кейин келтирилган.

Кўрилатаётган даврда ўлкада ишга туширилган дастлабки заводларда вино ишлаб чиқариш учун хомашё бўлган узум ҳосилини улгуржи нархларда қабул қилишда кам ҳақ тўланган бўлса, кейинчалик ушбу заводлар сони ва уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ошгани сари узум маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ошиб борган ва бу ўз навбатида узум нархининг ҳам сезиларли даражада кўтарилишига сабаб бўлган. Масалан, дастлабки вақтларда заводларда вино ишлаб чиқариш учун хомашё бўлган узум ҳосилининг бир пуди ўртача 10-15 копеек, айрим ҳолларда

ҳатто 20 копеекгача бўлган нархларда сотиб олинган бўлса, XIX асрнинг 90 йилларига келиб ушбу заводлар узумнинг бир пудини 40 копеек ва айрим ҳолларда хатто 70 копеекгача бўлган нархларда ҳам сотиб ола бошлашган[7, Б. 378].

Самарқандда виночилик билан ўз даврининг ушбу соҳадаги дастлабки мутахассислари бўлган Филатов, Проховский, Толочинов, Тошкентда эса Платон Шевченко, инженер технолог Н.И.Первушин, Адолф Моше, Н.И.Иванов, Я.Я.Иванов, И.Барсуков, И.П.Белоколоковлар шуғулланишган. Манбаларда қайд этилишича Самарқандда Филатовнинг вино заводида йилига 10-15 минг челақ, Проховский заводида 6 000 челақ, Толочинов заводида 4 000 челақ; Тошкентда Платон Шевченко, инженер-технолог Н.И.Первушин, Адолф Моше, Н.И.Иванов, Я.Я.Иванов, И.Барсуков, И.П.Белоколоков заводларида ўртача 10 000 челақ, Фарғонада мавжуд заводларда эса 10-11 минг челақ вино тайёрланган[17, Б.288-289; 9, Б. 48-50; 21, Б.219; 19, Б.141-142].

Туркистон ўлкасида узумдан вино тайёрлайдиган заводлар ва уларнинг ишлаб чиқариш қуввати, заводларда ишлайдиган ишчилар сони, ишчиларга бериладиган иш ҳақи ва уларга яратилган меҳнат шароитлари каби масалаларни кенгроқ ва тўлиқроқ ёритишда биз учун архив материалларида келтирилган маълумотларнинг ҳам ўрни катта.

Хусусан, архив материалларида қайд этилган маълумотларга кўра, биргина Тошкент шаҳридаги Первушинга тегишли бўлган вино заводида 1891 йилда 33 000 пуд маҳсулот ишлаб чиқарилган. Заводда ишчилар сони эса 25 нафар бўлиб, улрга бериладиган иш ҳақи 12 рублдан-18 рублгача бўлган. Заводда ишчиларнинг иш вақти эса 14-17 соатгача бўлиб, улар оғир шароитларда меҳнат қилишган[20, 43, 48, 49, 93].

Вино ва вино маҳсулотларининг ўлка вилоятлари бозорларидаги нарх-навоси ҳам талаб ва сифатига қараб турлича бўлган. Масалан, Тошкентда қизил ва оқ винонинг бир челаги 2 рубль 15 копеекдан - 5 рублгача, бошқа турдаги винонинг бир челаги 8-12 рубль, хуштаъм винонинг бир челаги 16-18 рубль бўлган. Шаҳарда вино савдосининг йиллик айланмаси ўртача 500 000 рублни ташкил этган[7, Б.378-379].

Фарғонада винонинг паст навларининг бир челаги 3-4 ва юқори навлари эса 10 рублгача бўлган. Марғилонда узумнинг маҳаллий Буваки навидан тайёрланган паст навли винонинг бир шишаси 20-35, Самарқандда қуввати паст винонинг бир шишаси 30, ўртача қувватдаги винонинг бир шишаси 50-60 ва юқори қувватли винонинг бир шишаси 80 копеекдан - 1 рубль 20 копеекгача бўлган[17, Б.295; 19, Б.142].

Манбаларда қайд этилишича, Самарқанд вилоятида 1905 йилги узум ҳосил миқдори 6 820 450 пудни ташкил этиб, олинган ҳосилнинг катта қисми қуритилган ҳолда сақланган. Бу ҳосилнинг асосий қисмини кишмиш узуми ташкил этиб, ундан ҳар йили ўртача 1 млн пуд ҳосил олиш имконини берган ва бу ўлкада ушбу маҳсулотни етиштиришдан катта даромад олиш мумкинлигини англаган. Вино ишлаб чиқарувчилар ушбу йили 203 800 челақ вино ишлаб чиқаришган бўлса, дистиллаш заводларида эса 1 068 096 градус спирт, коньяк заводида 106 540 градус коньяк ва маҳаллий аҳоли эса 1500 пуд шинни тайёрланган[3, Б.135].

Ўлкада 1906 йилда узумдан мол-кўл ҳосил олиниб, бу ўз навбатида таққосланмайдиган даражада четга маҳсулот экспорт қилиш ва ундан юқори даромад олиш имконини берган. Шуниндек, ушбу ўринда яна шуни таъкидлаб

ўтиш керакки, бу борада катта тажрибага эга бўлган ўлка маҳаллий аҳолиси ўтган мавсумда катта миқдорда узум маҳсулотларини ўлка ички бозорларига ҳам етказиб беришган. Бундан руҳланган ва катта даромад олиш имконини билган ўлкада узум ва узум маҳсулотларини етиштирувчи аҳоли қисми ушбу маҳсулотларни нафақат ўлка ички бозорларига олиб чиқиб сотишган, балки четга, хусусан Россия ички бозорларига, ҳатто Европага ҳам етказиб бера бошлашган.

Ушбу давр билан ҳамнафас бўлган муаллифлардан бири Вирский ўзининг қўлёзмасининг 72 бетиде узумнинг нарх-навоси ҳақида ҳам тўхталиб, қуйидаги сўзларни айтади. Ўлка бозорларида табиий хўраки узумнинг нархи кейинги 3-4 йилда ўртача 1 пуди 15-30 копеекча сотилди. Вино ишлаб чиқарувчи завод эгалари узум етиштирувчилардан ҳосилни 1 пудини 15 копеекдан олишиб, вино ишлаб чиқаришган ва винони ўлка бозорларда 20-25 копеекдан, ҳаттоки 20-40 копеекча бўлган нархларда сотишган. Вирский ўлкада асрнинг сўнги ўн йиллигида узумнинг ўртача бир пудининг нархи 20 копеек атрофида эканлигини таъкидлайди. Аммо унинг келтирган статистик маълумотлари ва бошқа муаллифларнинг берган маълумотлари асосида узумнинг ўртача нархи 27 копеек бўлганлигини қайд этиш лозим бўлади. Шунингдек, Вирский 10 йил давомида узумнинг 1 танобидан ўртача 1060 пуд ҳосил олиш мумкинлигини таъкидлаб, унинг нархи ўртача 212 рубл бўлишлигини қайд этади[4, Б.146].

Вирский келтирган ушбу маълумотларни таҳлил этадиган бўлсак, узум боғининг 1 танобидан 1060 пуд ҳосил олинса, ўртача 1 пуд узумнинг нархи 27 копеек деб олсак, ушбу ўринда муаллиф қайд этганидек 1 пуд узумнинг ўртача нархи 212 рубль эмас балки 286 рубль 20 копеек эканлиги маълум бўлади ва ушбу ўринда у бир оз хатоликка йўл қўйганлиги кўзга ташланади. Бундан ташқари, Вирский таъкидлаганидек, 10 йиллик мобайнида 1 таноб узумзордан олинадиган даромад 294 рубль 50 копеек эмас, балки 388 рубль 50 копеекни ташкил этади. Яъни, 1 таноб узумзордан ҳар йили олинадиган даромад ўртача 29 рубль 45 копеек эмас, балки 38 рубль 85 копеекни ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, 1 таноб ерда етиштирилаётган узумзорга ишлов беришга кетадиган бир йиллик умумий ҳаражат ўртача 33 рубль 19 копеекни ташкил этишини ҳисобга олсак, 1 таноб узум боғидан олинадиган соф фойда ўртача 5 рубль 66 копеекни ташкил этади.

Мустамлака ҳукумат ўлкада вино заводларини имкон қадар узум кўп етиштириладиган жойларда ва темир йўл станцияларининг яқинида қуришга ҳаракат қилган. Зеро, бундан кўзланган асосий мақсад биринчидан ушбу заводларда вино ишлаб чиқариш учун керакли бўлган узум ҳомашёси муаммосини ҳал этишни кўзлаган бўлса, иккинчидан ушбу заводда ишлаб чиқарилган вино маҳсулотларини биринчи навбатда ўлка маркази бўлган Тошкентга етказиш, учинчидан эса Россияга олиб кетиш учун қулай бўлиши лозим эди.

Бу борада муаллифлардан В.В.Заорский ва К.А.Александрларнинг қайдлари диққатга сазовордир. Уларнинг таъкидлашларича, ўлкада барпо этилиши кўзда тутилган вино заводлари темирйўл станцияларидан узоқлик масофасига кўра учта тоифада бўлишлиги лозим бўлган. Хусусан, биринчи тоифага кўра қуриладиган вино заводи энг яқин темирйўл станциясидан ўртача 0-5 верстгача, иккинчи тоифага кўра 5-10 верстгача ва учинчи тоифага кўра 10-35 верстгача бўлган масофада барпо этиш кўзда тутилган. Масалан, ушбу режа асосида барпо этилиши кўзда тутилган вино заводларидан бири Самарқанд вилоятининг Хўжанд уездида бўлиб, у Тошкент шаҳридан 177 верст узоқликда жойлашган бўлган. Хўжандда барпо



этилган ушбу заводда ишлаб чиқарилган вино маҳсулотлари энг яқин темирйўл станцияси бўлган Черняевогача 35 верст масофага дастлаб почта йўллари орқали араваларда ташиб келтирилган ва сўнгра поезд вагонларига юклаб, белгиланган жойларга етказилган. Ушбу станциянинг вино маҳсулотларини ташиш бўйича йиллик юк ҳажми 3 150 рубльни ташкил этган. Шунингдек, ушбу заводда йилига 8000 челақ (12 000 рубллик) ҳажмда вино ишлаб чиқарилган[8,Б.339]. Демак, Хўжанд уездигаги ушбу вино заводидида бир йилда ишлаб чиқарилган вино маҳсулотининг умумий миқдори ва қиймати таҳлил қилинса,  $12\ 000:8000=1,5$  яъни бир челақ винонинг ўртача нархи 1 рубль 50 копеекни ташкил этганлиги маълум бўлади.

Вино заводларининг темирйўл станцияларига яқин жойларда барпо этиш режасига кўра ўлкада биринчи тоифада 8 та, иккинчи тоифада 9 та, учинчи тоифада эса 11 та, жами 28 та завод барпо этилган. Шунингдек, ушбу кўрсаткич бўйича барпо этилган вино заводларининг йиллар бўйича тақсимланишини ҳам кўриб чиқиш мумкин. Масалан, 1880 йилга қадар ана шундай вино заводлари Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида 2 тадан - жами 4 та; 1880 йилдан - 1890 йилга қадар Самарқанд вилоятида 3 та; 1890 йилдан - 1900 йилга қадар Самарқанд вилоятида 8 та, Сирдарё вилоятида 1 та, Фарғона вилоятида 1 та ва жами 10 та; 1900 йилдан - 1910 йилга қадар Самарқанд вилоятида 8 та; 1910 йилдан - 1914 йилга қадар Самарқанд вилоятида 3 та; вилоятлар бўйича жами Самарқандда 24 та, Сирдарё вилоятида 3 та, Фарғонада 1 та, жами ўлка бўйича 28 та вино заводи барпо этилган[8, Б.339-340].

Манба ва даврий нашрларда, шунингдек архив материалларида ушбу заводларда ишлаб чиқарилган виноларининг йиллик айланма маблағ миқдори ҳақида ҳам диққатга сазовор маълумотлар қайд этилган. Хусусан, ўлкада фаолият кўрсатаётган вино заводларининг йиллик пул айланмаси ўртача 1 237 857 рубльни ташкил этган ва ушбу кўрсаткич вилоят, шаҳар ва уездлари бўйича қуйидагича тақсимланган: Самарқанд шаҳрида 8 та завод бўлиб, йиллик маблағ айланмаси 741 157 рубль, ишлаб чиқариш қуввати 59 900 челақ, 1 та заводнинг йиллик маблағ айланмаси 92 613 рубль; Самарқанд уездида 12 та завод бўлиб, ушбу заводларнинг йиллик маблағ айланмаси 273 775 рубль, ишлаб чиқариш қуввати эса 22 100 челақ, 1 та заводнинг йиллик маблағ айланмаси 22 815 рубль; Самарқанд шаҳар ва уезди бўйича жами 20 та завод бўлиб, ушбу заводларнинг йиллик маблағ айланмаси 1 014 932 рубль, ишлаб чиқариш қуввати 82 000 челақ, 1 та заводнинг йиллик маблағ айланмаси 50 747 рубль; Каттақўрғон шаҳрида 2 та завод бўлиб, йиллик маблағ айланмаси 5 100 рубль, ишлаб чиқариш қуввати 400 челақ, 1 та заводнинг йиллик маблағ айланмаси 2 550 рубль; Каттақўрғон уездида 1 та завод бўлиб, йиллик маблағ айланмаси ўртача 8 500 рубль, ишлаб чиқариш қуввати 700 челақ, 1 та заводнинг йиллик маблағ айланмаси ўртача 8 500 рубль; Каттақўрғон шаҳар ва уезди бўйича жами 3 та завод бўлиб, ушбу заводларнинг йиллик маблағ айланмаси 13 600 рубль, ишлаб чиқариш қуввати 1 100 челақ, 1 та заводнинг йиллик маблағ айланмаси ўртача 4 533 рубль; Хўжанд уездида 1 та завод бўлиб, йиллик маблағ айланмаси 12 000 рубль, ишлаб чиқариш қуввати 1 000 челақ, заводнинг йиллик маблағ айланмаси ўртача 12 000 рубль, Самарқанд вилояти бўйича жами 24 та завод бўлиб, ушбу заводларнинг йиллик маблағ айланмаси 1 040 532 рубль, ишлаб чиқариш қуввати 84 100 челақ, 1 та заводнинг йиллик маблағ айланмаси ўртача 43 355 рубльни ташкил этган. Шунингдек, Сирдарё

вилояти бўйича Тошкентда 3 та завод бўлиб, ушбу заводларнинг йиллик маблағ айланмаси 195 325 рубль, ишлаб чиқариш қуввати 15 800 челак, 1 та заводнинг йиллик маблағ айланмаси 65 108 рубль; Фарғона вилояти бўйича 1 та завод бўлиб, йиллик маблағ айланмаси 2 000 рубль, ишлаб чиқариш қуввати 100 челак, заводнинг йиллик маблағ айланмаси 2 000 рубль; Ўлка бўйича жами 28 та вино заводи бўлиб, ушбу заводларнинг йиллик маблағ айланмаси 1 237 857 рубль, ишлаб чиқариш қуввати 100 000 челак, 1 та заводнинг йиллик маблағ айланмаси 44 200 рубльни ташкил этган[8, Б.340].

Ўлка бўйича ишлаб чиқарилган вино маҳсулотларининг катта миқдори Самарқанд вилоятга тўғри келиб, унинг умумий қиймати 1 040 532 рубль бўлиб, ўлка бўйича ишлаб чиқарилган вино маҳсулоти ҳажмининг 84,1 %ни ташкил этган. Сирдарё вилояти бу борадаги кўрсаткичи 195 325 рубль бўлиб, ишлаб чиқарилган вино маҳсулотининг 15,8 %ни ташкил этган бўлса, Фарғона вилояти бу борада 2 000 рубльни ташкил этиб, умумий маҳсулот ҳажмидаги улуши атиги 0,1%ни ташкил этган[8,Б.341].

Самарқанд вилоятининг бу борада юқори ўринда туришининг сабабларидан бири вино ишлаб чиқарадиган заводларнинг аксарияти ушбу вилоятда барпо этилганлиги ва узум етиштириш учун қулай табиий иқлим шароити ва тупроқ таркибининг мослигида эди.

Самарқанд вилоятида барпо этилган вино заводларининг жойлашиши ҳам турлича бўлиб, Самарқанд уездида фаолиятда бўлган заводлар ишлаб чиқарган вино миқдори 1 014 932 рубльни ташкил этиб, ўлка бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот умумий ҳажмининг 82,0%ни ташкил этган. Вилоятнинг Каттақўрғон уездида вино ишлаб чиқаришнинг умумий миқдори 1,1%, Хўжанд уездида ишлаб чиқарилган винонинг умумий миқдори 1,0%ни ташкил этган. Яқунда шаҳарда Самарқанд уезди вино заводларининг ишлаб чиқариш қуввати йилига 2,7 баробар, қолган уездларда бу кўрсаткич 12 баробар ва шаҳарнинг ўзида бу кўрсаткич 8 баробар ошганлигини кўришимиз мумкин[8, Б.341].

Туркистон ўлкасида вино ишлаб чиқарадиган заводларнинг ишлаб чиқариш қувватлари ҳам турлича бўлган. Бу борада тадқиқот олиб борган Александер ва Заорскийлар бундай заводларни бешта гуруҳга бўлишган. Жумладан, биринчи гуруҳга кирувчи вино заводларининг умумий сони 9тани ташкил этиб, ушбу заводларнинг умумий ишлаб чиқариш қуввати 5 000 рубльгача бўлган, ушбу заводларда ишлаб чиқарилган вино маҳсулотининг умумий қиймати 24 125 рубль бўлиб, бу борада ўлка бўйича ишлаб чиқарилган вино маҳсулотлари улушида 2,0%ни ташкил этган. Ушбу гуруҳдаги заводларнинг биттасининг ишлаб чиқариш қуввати ўртача 2 681 рубльни ташкил этган. Ўлка бўйича ана шундай паст қувватга эга заводлар жами сони 9 та бўлгани холда ушбу заводларнинг 7 таси Самарқанд вилоятида жойлашганлиги бу борада ушбу вилоятда вино ишлаб чиқаришнинг Сирдарё вилоятига нисбатан ишлаб чиқариш миқдори пастлигининг сабаби нимада эканлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Зеро, рақамларга эътибор берадиган бўлсак, Самарқанд вилоятида бўлган ушбу 9та заводда ишлаб чиқарилган вино маҳсулотларининг битта заводга тўғри келадиган улуши бўйича ўлкада кўрсаткичи ўртача атиги 1 200 рубльни ташкил этган[8,Б. 341].

Иккинчи гуруҳга кирувчи вино заводларининг умумий сони 8 та бўлиб, ушбу заводларнинг умумий ишлаб чиқариш қуввати 5 000-15 000 рубльгача бўлган. Бу заводларнинг барчаси Самарқанд вилоятида бўлиб, ушбу заводларда ишлаб

чиқарилган вино маҳсулотининг умумий қиймати 72 000 рубль, бу борада ўлка бўйича ишлаб чиқарилган вино маҳсулотлари улушида 5,8 %ни ташкил этган. Самарқанд вилоятида бўлган ушбу 8 та заводда ишлаб чиқарилган вино маҳсулотларининг битта заводга тўғри келадиган улуши бўйича ўлкада кўрсаткичи ўртача 9 000 рубльни ташкил этган[8,Б.342].

Учинчи гуруҳга кирувчи вино заводларининг кўрсаткичларига тўхталадиган бўлсак, улар сони 6 та бўлиб, ишлаб чиқариш қуввати ўртача 15 000-50 000 рублгача, умумий савдо айланмаси 196 065 рубль, бу борада ўлка бўйича ишлаб чиқарилган вино маҳсулотлари улушида 15,8 %ни ташкил этган. Ушбу 6 та заводда ишлаб чиқарилган вино маҳсулотларининг битта заводга тўғри келадиган улуши бўйича ўлкада кўрсаткичи ўртача 32 678 рубльни ташкил этган[8,Б.342].

Энг кам сонли заводлар тўртинчи ва бешинчи гуруҳга кирувчи заводлар ташкил этади ва уларнинг жами сони 5 тани ташкил этади. Лекин уларнинг сони кам бўлсада ўлка бўйича ишлаб чиқарилган вино маҳсулотлар ҳажмидаги улуши юқори бўлиб, умумий йиллик савдо айланмаси 945 667 рубльни(141 667 рубль ва бешинчи гуруҳдаги заводларнинг улуши 804 000 рубльни) ташкил этган. Ушбу заводларнинг йиллик айланма маблағи умумий 76,4 %, битта заводнинг улуши бўйича тўртинчи гуруҳда 70 833 рубль ва бешинчи гуруҳда битта заводнинг улуши 268 000 рубльни ташкил этган[8, Б.342].

Юқоридаги маълумотларни таҳлил этадиган бўлсак, Туркистон ўлкасида фаолият юритган вино заводларининг ўртача ишлаб чиқариш йиллик айланма ҳажми 2 681 рубльдан - 9 000 рубль атрофидаги заводлар кўпчиликини ташкил этиб, уларнинг сони 17 та бўлган. Қолган 11 та заводлар эса йиллик савдо айланмаси энг юқори ёки паст кўрсаткичдаги заводлар ташкил этган.

Завод эгалари томонидан вино ишлаб чиқариш учун зарур бўлган узум хомашёсининг маълум қисми аҳолидан сотиб олинган бўлса, қолган қисми ўз шахсий боғларида етиштирилган узум ҳосилидан олинган. Ўлкада фаолиятда бўлган вино заводларининг хомашёни қабул қилиш қуввати ҳам вилоят уездларида турлича бўлган. Масалан, ўлка бўйича вино заводларига қабул қилинган узум хомашёси бўйича Самарқанд вилояти юқори ўринда бўлиб, заводларга қабул қилинган узум хомашёси умумий ҳажми 429 603 пуд, ёки 88,6 %ни ташкил этган. Ушбу кўрсаткич бўйича вилоятнинг уездларда тақсимотини кўриб чиқадиган бўлсак, Самарқанд уездининг улуши 414 403 пуд ва 85,4 % умумий узум ҳосилининг ҳажмини; Каттақўрғон уездининг улуши 6 700 пуд ва 1,4 %ни, уездининг улуши 8 500 пуд ва 1,8 %ни ташкил этган. Сирдарё вилоятининг бу борадаги кўрсаткичи паст бўлиб, умумий 11,3 %ни, 572 пуд узум хомашёсининг (атиғи 0,1 %) ташкил этган[8,Б.343].

Битта заводнинг хомашё қабул қилиш бўйича умумий улушида Самарқанд вилоятидаги вино заводлари биринчи ўринда, Сирдарё вилояти заводлари иккинчи ва Фарғона вилояти бу борада учинчи ўринда турган. Бу борада Самарқанд уезди бошқа вилоят уездларига қараганда юқори ўринда турган. Вино заводларининг узум хомашёсини қабул қилиш ҳажмига эътибор берадиган бўлсак, хомашёнинг умумий ҳажмининг 370 734 пуди ёки 76,5 % ни хусусий боғларда етиштирилган узум ҳосили ташкил этган ва қолган 23,5 % хомашё вино заводи эгаларининг шахсий боғларида етиштирилган узум ҳосилидан олинган[8,Б.344].

Вино ишлаб чиқарувчи заводлар томонидан сотиб олинган хомашёни ўлка бўйича тақсимотини кўриб чиқадиган бўлсак, Самарқанд вилояти узум хомашёсини

етиштириш бўйича юқори ўринда турган ва 352 449 пуд(72,7%) умумий узум хажмини; Сирдарё вилояти 18 285 пуд(3,8%) ташкил этган бўлиб, бу борада Фарғона вилояти улуши деярли йўқ ҳисоби бўлган. Самарқанд вилояти вино заводларига узум хомашёсини маҳаллий аҳолидан сотиб олиш борасида Сирдарё вилоятига нисбатан 19 баробар кўп хажмда қабул қилган. Лекин, вино заводлари эгаларининг шахсий узум боғларида етиштирилган ҳосилни қабул қилиш борасида ўлкада Сирдарё вилояти юқори ўринда турган, яъни ушбу вилоятда завод эгаларининг шахсий боғларида етиштирилган узум хомашёси 66,7%, Самарқанд вилоятида эса 18,0%ни ташкил этган[8, Б.344].

Ўз узум боғига эга вино заводлари ўлкада жами 6 та бўлиб, шундан 5 таси Самарқанд вилоятида ва 1 таси Фарғона вилоятида бўлган. Узум хомашёсини сотиб оладиган ва ундан вино маҳсулотини ишлаб чиқарадиган заводлар сони ўлка бўйича 18 та бўлиб, шундан 14 таси Самарқанд вилоятида, 3 таси Сирдарё вилоятида ва 1 таси Фарғона вилоятида бўлган. Ва ниҳоят, узум сотиб олиб вино ишлаб чиқарадиган заводлар сони ўлка бўйича жами 22 та бўлиб, шундан 19 таси Самарқанд вилоятида ва 3 таси Сирдарё вилоятида бўлган.

Вино маҳсулотини оғирлигини ўлчашда ўлкада ишлатилган ўлчов бирлиги деярли бир ҳил бўлиб, 1 челақнинг ўртача оғирлиги 1,14 пудга тўғри келган. Фақатгина Каттақўрғон уездида бу ўлчов нормаси бошқа вилоятдаги нормадан сал юқори бўлиб, 1 челақ винонинг оғирлиги ўртача 1,50 пудни ташкил этган[8,Б.347].

Ўлка бозорларига вино маҳсулотларининг чиқарилишини таҳлил қиладиган бўлсак, бу борада жуда паст кўрсаткичга гувоҳ бўламиз. Заводларда ишлаб чиқарилган вино маҳсулотининг катта қисми Россиянинг европа қисмига (Петроград, Москва, Варшава, Оренбург ва б.) ёки Сибирга экспорт қилинган. Экспорт қилинган вино маҳсулотининг умумий миқдорини аниқ белгилаб бўлмасда, лекин тахминан 134 750 челақ вино маҳсулоти экспорт қилинган деб олсак, ўлкада вино ишлаб чиқарган 7 та заводнинг ишлаб чиқарган вино маҳсулоти ҳажмини ўртача 264 500 челақни ташкил этса, демак ишлаб чиқарилган вино маҳсулотининг катта қисми четга экспорт қилинганлиги ўз-ўзидан аён бўлади[8,Б.347].

XX асрнинг дастлабки ўн йиллигига келиб Туркистон ўлкасида жами 28 та вино заводи бўлиб, шундан 24 таси Самарқанд вилоятида ва 3 таси Сирдарё вилоятида ва 1 таси Фарғона вилоятида бўлган. Ушбу заводларнинг бир йиллик ишлаб чиқариш қуввати 468 414 рублни ташкил этиб, битта заводнинг ишлаб чиқариш қуввати эса ўртача 16 729 рублни ташкил этган[8, Б.345].

Ушбу 28 та заводнинг бир йиллик ишлаб чиқариш қуввати ўртача 425 833 челақ, умумий қиймати 1 237 857 рубл, винонинг бир челаги 2 рубл 91 копеекни ташкил этган[8,Б.346]. Шундан Самарқанд вино заводларида 376 650 челақ, ёки ўлкада ишлаб чиқарилган винонинг 88,5%ни умумий қиймати 1 040 532 рублни ташкил этган[8,Б.348].

Шунингдек, архив материалларида вилоятда мавжуд заводлар ва уларнинг ишлаб чиқариш қуввати, винонинг умумий нархи ҳақида ҳам маълумотлар акс этган. Хусусан, Тошкент шаҳридаги вино заводи ва унинг ишлаб чиқариш қуввати қуйидагича бўлган:

1. Тошкент шаҳрида Первушин вино заводи: хомашё қабул қилиш қуввати 33 000 пуд, вино ишлаб чиқариш қуввати челақ, винонинг нархи, завод ишчилари

сони 25 та, ишчиларнинг меҳнат ҳақи 12-18 рубл, иш вақти 14 соат.

2. Тошкент шаҳрида вино заводи: ҳомашё қабул қилиш қуввати 7000 пуд, вино ишлаб чиқариш қуввати 5000 челақ, умумий винонинг нархи 15 000 рубл, завод ишчилари сони 20 та, ишчиларнинг меҳнат ҳақи 12-20 рубл, иш вақти 14 соат.

3. Тошкент, Қўйлиқ. Первушин вино заводи: ҳомашё қабул қилиш қуввати 7500 пуд, вино ишлаб чиқариш қуввати 5000 челақ, умумий винонинг нархи 8900 рубл, завод ишчилари сони 8 та, ишчиларнинг меҳнат ҳақи 12-15 рубл, иш вақти 14 соат[20, 43].

Сирдарё вилоятининг Тошкент уездида вино ишлаб чиқарадиган учта завод бўлиб, унинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1885 йили 12 500 челақ, 75 000 рублик қизил ва оқ вино ишлаб чиқарилган. Ушбу ҳажмдаги винони ишлаб чиқариш учун 23 000 пуд узум керак бўлган[14, Б.178-179].

Туркистон ўлкасида етиштирилган узум ва вино маҳсулотлари ички бозорлардан ташқари, четга ҳам экспорт қилинган. Хусусан, ўлкада етиштирилган узум ва вино маҳсулотлари Каспий орти вилояти орқали Астраханга ва унда Россиянинг ички вилоятлари, шунингдек, Сибир ҳудудларидаги ярмаркаларга олиб чиқиб сотилган.

1892-йилда Каспий орти темир йўли орқали Россия ва Европага 412 000 пуд Кишмиш узуми жўнатилиб, унинг 285 566 пуди Самарқандда етиштирилган узумга тўғри келган. Ток тупидан узилган ҳолда экспорт учун чиқарилган хўраки узумнинг умумий миқдори 3 000 пуд, узумдан тайёрланган винонинг умумий миқдори эса 66 838 пудни ташкил этган. Ушбу кўрсаткичдаги Самарқанд узумидан тайёрланган вино миқдори 14 979 пудни ташкил этган. Россияга чиқарилган узум ва узум виноси 1888-йилда 70 597 пуд бўлган бўлса, кейинги беш йил давомида бу кўрсаткич беш маротабага ошиб, 1892-1893 йилларда 451 018 пудни ташкил этган[16, Б.75; 10, Б.9-14; 13, Б.34; 6, Б.15, Б. 234; 15, Б.9-14].

Дастлабки вақтларда Каспий орти харбий темир йўли орқали Россияга олиб кетиладиган юк ҳажмида кишмиш узуми ва узумдан тайёрланган вино маҳсулотларининг улуши жуда кам бўлган. Чунки, бу вақтларда ўлкада ҳали вино тайёрлаш ишлари энди йўлга қўйила бошлаган эди. Ишлаб чиқарилган винонинг катта қисми асосан ўлкада истиқомат қилувчи русийзабон ва бошқа европа миллатига мансуб аҳоли томонидан истеъмол қилиниб, винонинг маълум қисмигина Россия бозорларига экспорт қилинган. Ўлканинг Тошкент, Фарғона шаҳарлари ҳам темир йўллар билан туташтирилгандан сўнг Россияга олиб чиқиладиган узум ва узум маҳсулотларининг ўлкадан четга экспорт қилинган товарлар ҳажмидаги улуши ортиб борган.

Туркистон ўлкасида етиштирилган узум ва узум маҳсулотлари нафақат Россия ички бозорларида, балки европанинг бошқа давлатларида ҳам маълум ва машҳур бўла бошлаган. Хусусан, ўлканинг Қарши уездида етиштирилган узум ва узум маҳсулотлари Варшава(Польша)га экспорт қилиниб, у ердан ушбу маҳсулотларни Франция савдо компаниялари сотиб олган. Ушбу компаниялар айниқса Туркистонда етиштирилган Кишмиш узумидан олий навли коньяк тайёрлашган. Ўз навбатида Франциядан хўштаъм коньяк сотиб оладиган Россия дастлабки вақтларда ушбу ичимлик Туркистонда етиштирилган узумидан тайёрланганлигини хатто тасаввур ҳам қилмаган[10, Б.9-14; 1, Б.96-97].

Туркистонда ишлаб чиқарилган вино ичимлигини Тошкент вокзали орқали четга жўнатиш 1906 йилда 8 071 пуд(85,73%)ни, 1907 йилда 97 490 пуд(134,77%)ни

ташқил этган. Икки йил давомида экспортдаги ўсиш суръати 114,96 %ни ташқил этган[5,Б.270-276].

Шунингдек, архив фондларида сақланаётган материаллар кўздан кечирилганда Россия империясининг Туркистон ўлкасида виночилик саноатини жорий этиш билан бирга, бу соҳада юритган мустамлака сиёсати хусусиятларини ҳам кўрсатиб берадиган маълумотлар учрайди. Хусусан, архив материалларида қайд этилишича, ўлкада вино заводини очиш учун тегишли ҳукуматдан рухсат олиш ва ушбу соҳа учун маҳсус ишлаб чиқилган 10 моддадан иборат ҳуқуқий низомга қатъий амал қилиш белгилаб қўйилган.

Мазкур низомга кўра, ўлкада вино ишлаб чиқариш заводини қуриш ёки ушбу фаолият билан шуғулланиш учун энг аввало Император сиёсий агентлиги ва Туркистон ўлкаси аксиз бошқармаси келишуви асосида шахсан Туркистон генерал-губернатори рухсатномасини олиш шарт бўлган. Шунингдек, мазкур низомда вино заводини очиш учун бир қатор қатъий талаблар ҳам қўйилган. Масалан, низомнинг 3-моддасига кўра:

- завод атрофи девор билан ўралган ва унга битта дарвоза орқали кириладиган бўлишлиги;

- заводда ишлаб чиқарилган вино маҳсулотларини сақлаш ва ишчи ҳодимларнинг ишлашлари, шунингдек ишчиларнинг яшашлари учун барча шароитларнинг яратилиши;

- заводда ишлаб чиқарилган вино маҳсулотларини солиш учун ёғоч, сопол, шиша идишларнинг мавжуд эканлиги, 2500 челақ хажмдаги маҳсулот сақлайдиган омборхона бўлиши шарт бўлган.

Мазкур Низомнинг 7-моддасига кўра, вино заводи қуриш учун жой алббата шаҳарнинг руслар яшайдиган қисмидан танланиши, бордию завод маҳаллий аҳоли яшайдиган жойда қурилмаган тақдирда ҳам унинг шаҳарнинг руслар яшайдиган қисмида сотув дўкони бўлиши шарт эди[18, Б.1].

Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлили натижасида мавзу юзасидан қуйидаги умумий хулосаларга келишимиз мумкин:

- XIX аср охири - XX аср бошларида Туркистонга кириб келган янги узум навлари ва уларнинг иқлимлаштирилиши, винобоп маҳаллий ва янги узум навлари, узум ва вино маҳсулотларининг ички бозорлардаги нарх-навоси, ўлка ички ва ташқи савдосида узум ва вино маҳсулотларининг тутган ўрни каби масалаларнинг манба ва адабиётларда, шунингдек даврий нашрларда ёритилиш даражаси таҳлил этилди;

- манба ва адабиётлар, шунингдек даврий нашрлар таҳлили натижасида XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон ўлкасига узумнинг 20 дан ортиқ серҳосил хўраки ва винобоп янги узум навлари олиб келинган ва маҳаллийлаштирилганлиги аниқланди;

- ўлкада узумчиликни илмий асосда йўлга қўйиш, унинг асосида виночилик саноатини ривожлантириш борасида олиб борилган ишлар қутилган натижаларни берган бўлсада, лекин барча иқтисодий имкониятлар марказ манфаатларига бўйсундирилган эди;

- Россия мустамлакачилиги сиёсатида Туркистонда қишлоқ хўжалигида узумчилик ва саноатда виночилик соҳасини ривожлантириш орқали четдан сотиб олинадиган спиртли ичимликларга кетадиган сарф харажатларни камайтириш, шунингдек узумдан сифатли, олий навли вино ишлаб чиқариш ва уни экспорт

қилиш орқали катта даромад олиш режаси бўлган;

- ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда мустамлака ҳукумат доимий равишда ўлкада узумнинг янги навларини етиштириш ва улардан мўл ҳосил олиш, шунингдек олинган ҳосилдан сифатли вино ишлаб чиқариш ишларини йўлга қўйишга ҳаракат қилиб келган.

### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати**

1. А.Губаревич-Радобыльский.Экономический очерк Бухары и Туниса. Санкт-Петербург.1905 (A.Gubarevich-Radobylsky.An economic sketch of Bukhara and Tunisia.-SPb., 1905. - P. 96-97).

2. Виноделье в Туркестане//. Туркестанский сборник.Т. 522 (Winemaking in Turkestan // Turkestan collection. Volume 522. -P. 169-171).

3. Виноградарства и виноделие в Туркестан// Туркестанский сборник. Т. 454(Viticulture and winemakingin Turkestan // Turkestan collection. Volume 454. -P. 135).

4. Вирский Н.М. Виноградарство в Самаркандском уезде// Туркестанский сборник. Т.523 (Virsky.N.M. Viticulture in Samarkand County// Turkestan collection. Volume 523. -P. 146).

5. Вывоз сушеных фруктов и виноградного вина// Туркестанский сборник. Т. 536 (Export of dried fruits and grape wine // Turkestan collection. Volume 536. -P. 270-276).

6. Глушенко Е.А.Россия в Средней Азии. Завоевания и преобразования. Москва. Центрполиграф. 2010 (Glushenko EA Russia in Central Asia. Conquest andtransformation. -M., 2010. - P.234).

7. Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк.- Ташкент: Типолитография О.А.Порцева, 1912 (Dobrosmyslov A.I. Tashkentinthepastandpresent.Historicalessay.TipographyofO.A.Portseva., 1912.-P.378, 379).

8. Заорский В.В., Александер К.А. Промышленные заведения Туркестанского края.-Петроград, 1915 (ZaorskyV.V., AlexanderK.A. Industrialestablishmentsin the Turkestan Territory.Petrograd. 1915. -P. 340, 341, 342, 343, 344, 345, 347, 348).

9. Маев Н.А. Туркестанская выставка 1886 г.-Ташкент: Издание Туркестанского Отдела Императорского Российского Общества Садоводства, 1886 (Mayev N.A. Turkestan exhibition of 1886 Tashkent: Publication of the Turkestan department of the Imperial Russian Society of Gardening, 1886. -P. 48-50).

10.Мусофир. Среднеазиатское виноградарство//Туркестанский сборник. Т. 433 (Musofir. Middle-Asian viticulture // Turkestan collection. Volume433. -P. 9-14).

11.Невесский М. Список деревьев и кустарников, произрастающих в Самаркандской области//. Туркестанскийсборник. Т. 525 (NeveskyM.List of trees and shrubs growing in the Samarkand region // Turkestan collection.Volume 525. - P. 177-183).

12.Пулло А. К вопросу о виноградарства//Туркестанский сборник. Том 467 (Pullo A. On the issue of viticulture // Turkestan collection. Volume 463-P.59-60).

13.Путеводитель по Туркестану и Средне-Азиатской железной дороги.С.-Петербург. 1903 (Guide to Turkestan and the Central Asian Railway.-SPb.,1903. - P. 34).

14. Сырь-Дарьинская област. Описание, доставленное по официальным источникам Е.Смирновым. Санкт-Петербург.1887 (Sirdaryaregion.Description delivered by official sources E.Smirnov. SPb., 1887. - P. 178-179).
15. Средне-Азиатское виноградарства. //Туркестанский сборник. Т. 433 (Middle-Asian viticulture // Turkestan collection. Volume433. -P. 9-14).
16. Ҳайитов Ж.Ш. Туркистонда янги экин навларининг тарқалиши ва улардаги ўзгаришлар. -Бухоро. "Дурдона", 2018(Khaitov.J.Sh. Distribution of new crop varieties in Turkestan and changes in them. - Bukhara "Durдона" 2018. - P. 75).
17. Шахназаров А.И. Сельское хозяйство в Туркестанском крае.СПб., 1908(Shakhnazarov A.I. Agriculture in the Turkestan Territory. - SPb.,1908. - P. 247-300, 288-289, 295).
18. ЎМА, И.1-фонд, 27-рўйхат, 1558-иш(NAU. Fund I.1,list 27, case 1558, page 1).
19. ЎМА, И.7-фонд, 1-рўйхат, 3178-иш(NAU. Fund I.7,list 1, case 3178, page 154, 141-142).
20. ЎМА, И.36-фонд, 1-рўйхат, 3298-иш(NAU. Fund I.36,list 1, case 3298, page 43,48,49,93).
21. ЎМА, И.36-фонд, 1-рўйхат, 3545-иш(NAU. Fund I.36,list 1, case 3545, page 219).




# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

**Мадаминаова Дурдона Искандаровна,**  
Тошкент давлат шарқшунослик институти  
сиёсий фанлар номзоди  
**Мустапова Хилола Исламовна,**  
Тошкент давлат шарқшунослик институти  
катта ўқитувчиси  
**Суёнова Барно Сафарали қизи,**  
Тошкент давлат шарқшунослик институти  
стажёр-ўқитувчиси

## ЯПОНИЯ ТАШҚИ СИЁСАТИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВЕКТОРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

*For citation: Durdon I. Madaminova, Khilola I. Mustapova, Barno S. Suyunova. Establishing and developing prospects of Central Asian vector in Japanese foreign policy. 2019, vol. 23, issue 2, pp. 89-95*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-23-11>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Япониянинг Марказий Осиёдаги сиёсати таҳлил қилинган. Япониянинг минтақадаги манфаатлари ва имкониятлари кенг тадқиқ этилган. Мақолада Япония ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ижтимоий, сиёсий ва маданий муносабатлар ҳолати ёритилган бўлиб, муаллифлар икки ва кўп томонлама ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари хусусида ўз илмий хулосаларини баён қилганлар. Минтақа хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда логистик ва инвестицион имкониятлар кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** "Ипак йўли" дипломатияси, дипломатик муносабатлар, иқтисодий ривожланиш, "Евроосиё дипломатияси", транспорт коридори, ҳамкорлик, "Марказий Осиё+Япония" Мулоқот дастури.

**Мадаминаова Дурдона Искандаровна,**  
Ташкентский государственный институт востоковедения

кандидат политических наук  
**Мустапова Хилола Исламовна,**  
Ташкентский государственный институт  
востоковедения старший преподаватель  
**Суюнова Барно дочь Сафарали,**  
Ташкентский государственный институт  
востоковедения стажер учитель

## **ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗВИТИЯ ЦЕНТРАЛЬНОАЗИАТСКОГО ВЕКТОРА ВО ВНЕШНЕЙ ПОЛИТИКЕ ЯПОНИИ**

### **АННОТАЦИЯ**

В данной статье проведен анализ политики Японии в Центральной Азии. Детально исследованы интересы и возможности Японии в данном регионе. В статье раскрыты вопросы посвященные анализу нынешнего состояния социальных, политических и культурных отношений между Японией и странами Центральной Азии, а также авторами сделан вывод о перспективах развития двусторонних и многосторонних отношений. Учитывая особенности данного региона, выдвинуты логистические и инвестиционные возможности.

**Ключевые слова:** дипломатия "Шелкового пути", дипломатические отношения, экономическое развитие, "Евразийская дипломатия", транспортный коридор, сотрудничество, диалог "Центральная Азия+Япония".

---

**Durdona I. Madaminova,**  
Tashkent State Institute of Oriental Studies  
candidate of political sciences  
**Khilola I. Mustapova,**  
Tashkent State Institute of Oriental  
Studies senior teacher  
**Barno S. Suyunova,**  
Tashkent State Institute of Oriental  
Studies trainee teacher

## **ESTABLISHING AND DEVELOPING PROSPECTS OF CENTRAL ASIAN VECTOR IN JAPANESE FOREIGN POLICY**

### **ANNOTATION**

This article is devoted to the analysis of Japanese politics in Central Asia. The interests and opportunities of Japan have been carefully studied. The article discusses the social, political and cultural issues between Japan and Central Asian countries. The author examines the current state and prospects of political and economic cooperation between Japan and Central Asian countries, joint efforts to address the problems and threats facing sustainable development of the region, which must be addressed in the development of bilateral and multilateral relations - logistics and investment cooperation.

**Keywords:** "Silk Road" Diplomacy, diplomatic relations, economic growth, "Eurasian

diplomacy", transport corridor, cooperation, "Central Asiaplus Japan" Dialogue.

Сўнгги йилларда Япония ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлик муносабатларида ижобий силжиш кузатилмоқда. Бунда Япония иқтисодиётининг жадал ривожини, ёқилғи ва энергетика ресурсларига бўлган талабнинг ортиши кабилар, табиий ресурсларга бой давлатлар билан ўзаро муносабатларни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур жабҳада Марказий Осиё минтақаси энергия ресурслари, хусусан, табиий газ, пахта толаси ва бошқа стратегик ресурслар билан таъминлашда улкан имкониятларга эга.

1991 йил Совет Иттифоқи парчалангандан кейин Япония ва Марказий Осиё республикалари ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилди ва ўртадаги ҳамкорлик сезиларли даражада ривожлана бошлади [1,Б.77]. Япония раҳбарияти ва ҳукмрон доираларининг мазкур мамлакатларга нисбатан олиб борган сиёсатини қўйидаги босқичларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ:

Биринчи босқич 1992-1997 йил июль ойларини ўз ичига олади. Бу давр Марказий Осиёдаги янги давлатларнинг мустақилликни қўлга киритиши билан боғлиқ бўлса, Япония учун Осиё-Тинч океани минтақасида етакчи давлат мақомига эга бўлиш давлат сиёсатининг кун тартибига турган муҳим масалалардан бири саналар эди. Япония биринчилардан бўлиб, Марказий Осиё давлатларининг мустақил давлат сифатидаги мақомини тан олди ҳамда дипломатик алоқалар ўрнатди. Углеводород ва минерал хомашёлар ҳамда қимматбаҳо металллардан иборат табиий ресурсларга бой бўлган минтақа давлатлари билан ҳамкорлик ўрнатиш Япониянинг миллий манфаатларига хизмат қилиши табиий. Бунда, Осиёдаги хомашёни қазиб олиш ва қайта ишлашни сезиларли даражада осонлаштирадиган энг малакали ва нисбатан арзон ишчи кучининг мавжудлиги, япониялик ишбилармонларни бефарқ қолдирмасди [2].

Япония ҳукумати ташқи сиёсатида Марказий Осиёга йўналтирилган дастлабки миссия 1997 йилда 28 июнь - 9 июль кунлари Кеизо Обучи бошчилигида иш бошлаган. Мазкур 61 кишилик делегация Марказий Осиё республикалари ва Россияда бўлиб қайтган [3]. Япония мазкур миссиянинг фаолияти натижалари асосида Марказий Осиё республикалари ҳақида ижобий хулосаларни шакллантирган ҳолда, минтақа давлатлари билан ташқи сиёсий фаолиятда алоқаларни чуқурлаштириш ва кенгайтиришга қарор қилди. Мазкур ташаббусларнинг натижаси, 1997 йил июлида собиқ Бош вазир Рютаро Ҳасимото томонидан Марказий Осиё республикаларига нисбатан юритила бошлаган ташқи сиёсатида ўз аксини топа бошлади [4,Б.7].

"Евроосиё дипломатияси"и номи остида минтақа мамлакатлари билан алоқаларни сезиларли даражада мустаҳкамлашга қаратилган мазкур сиёсат ташқи сиёсат доктринасининг қабул қилинишида асос бўлиб хизмат қилди [5,Б.195].

Минтақа давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга йўналтирилган ташқи сиёсат доктринасининг қабул қилиниши, кўптомонлама ҳамкорлик алоқаларининг иккинчи босқичи учун дебеча вазифасини бажарди. Ушбу босқич 2004 йилгача бўлган даврни ўз ичига қамраб олади. "Евроосиё дипломатияси" Япония ташқи сиёсатининг Марказий Осиё йўналишини амалга татбиқ этишни назарда тутувчи уч муҳим таркибий қисмдан иборат:

- ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорлик бўйича сиёсий музокаралар

ўтказиш;

- иқтисодий ривожлантириш мақсадида иқтисодий ва табиий ресурсларни ўзлаштириш соҳасидаги ҳамкорликни жадаллаштириш;

- ядро қуролини тарқатмаслик йўли билан минтақада хавфсизлик ва барқарорликнинг таъминланишига эришиш кабилар шулар жумласидандир [6, Б.194].

Марказий Осиё республикаларига нисбатан янги сиёсатни амалга ошириш мақсадида, Япония ҳукумати кенг сиёсий алоқаларни ривожлантириш, кўп томонлама иқтисодий ҳамкорлик ва бозор иқтисодиётига ўтишга кўмаклашишни назарда тутадиган "Ипак Йўли" номли ҳаракат дастурини қабул қилди [7].

2002 йилда энергоресурсларни ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик истиқболларини белгилаб олиш мақсадида Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистон ва Озарбайжонга С.Суғиура бошчилигидаги "энергетик миссия"нинг юборилиши, мавжуд соҳадаги ижобий ўзгаришларнинг амалий тасдиғи бўлди десак хато бўлмайди [8].

Ўтган йиллар давомида "Ипак йўли" дастури доирасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган бўлиб, уларнинг сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Қозоғистоннинг Хитой билан чегарасидан ўтган темир йўл бекати ("Дўстлик" бекати)да товарларни ташиш бўйича шарт-шароитлар замон талабларига мослаштирилди;

- Тошкент, Олма-ота ва Ашхободда йўловчи ташувчи поездларни таъмирлашга мўлжалланган заводлар қурилди;

- Туркменистонда темир йўл тизими яратилди;

- Қозоғистондаги Семипалатинск шаҳри яқинидаги Иртиш дарёси устида катта ҳажмли кўприк бунёд этилди.

Бундан ташқари, Бишкек ва Ўш ўртасида автомобил йўли қурилиши Япониядаги синдикат ва Осиё Тараққиёт Банки томонидан молиялаштирилган. Қозоғистон ва Ўзбекистондаги аэропортлар ва минтақадаги товарларни ташиш бўйича темир йўл тармоғи қурилиши, Каспий денгизи қирғоғи ва Москвага олиб борадиган асосий автомобиль йўналишини таъмирлашда Япония сезиларли ҳисса қўшган [9, Б.194-195].

Иқтисодий муаммоларни ҳал этиш биринчи галдаги вазифалар мазкур концепцияни амалга оширишдаги бош тамойил ҳисобланади. Ушбу тамойилга мувофиқ, энергетика, трансминтақавий транспорт тизими ва телекоммуникация "Буюк Ипак Йўли" дастурининг уч таянчи ҳисобланади. Бу минтақани глобал транспорт тизими ва ахборот коммуникация тармоғига интеграциялашувини рағбатлантиради.

Япония ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги муносабатларнинг учинчи даври 2004 йил август ойида "Марказий Осиё+Япония" Мулоқот дастури доирасида кўптомонлама ҳамкорликнинг амалга оширилиши билан бошланди.

2004 йил 28 август куни Остонада Япония Ташқи ишлар вазири Кавагучи билан Марказий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазири учрашиб, "Марказий Осиё+Япония" Мулоқот дастурини тузишга келишиб олдилар. Бунда Туркменистон вакили иштирок этмаганди [10, Б.79].

2012 йил Япония ва Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 20 йиллиги

муносабати билан Токиода бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги йиғилишга биринчи марта Туркменистон Ташқи ишлар вазири ва Бош вазир ўринбосари иштирок этган [11,Б.84]. Мулоқот дастури доирасида давлат раҳбарлари, ташқи ишлар вазирлари ўртасида учрашувлар, бизнес-форумлар ўтказиб борилмоқда. "Марказий Осиё+Япония" Мулоқот дастури доирасида бугунги кунгача 7 марта Ташқи ишлар вазирлари ўртасида йиғилиш ўтказилди. Охиргиси 2019 йил 17-18 май кунлари Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида бўлиб ўтди [12].

2006 йил август ойида Япония Бош вазири Коизуми илк марта Марказий Осиё республикалари - Қозоғистон ва Ўзбекистонга ташриф буюрган.

Япония Ташқи ишлар вазири Таро Асо 2006 йил 1 июнда сўзлаган "Марказий Осиё тинчлик ва барқарорлик коридори сифатида" номли нутқида Япониянинг Марказий Осиё давлатлари билан дипломатик муносабатларининг уч йўналишини белгилаб берди:

- 1) Минтақа давлатлари билан истиқболли ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш;
- 2) Минтақавий ҳамкорликни таъминлаш;
- 3) Умуминсоний қадриятларга таянган ҳолда доимий ҳамкорликка интилиш.

Япония-Марказий Осиё муносабатлари ҳақида мутахассислар Япония Марказий Осиёнинг табиий ресурслари, шунингдек, Қозоғистон, Туркменистон ва Ўзбекистондаги углеводород захиралари ва айниқса, компьютер экранлари, гибридли машиналар ва супер қурилмаларда ишлатиладиган нодир металлларига қизиқиш билдиришини кўрсатиб ўтадилар.

Дунё бўйича 93% камёб металлларга эгалик қилувчи Хитой нодир металлларга эгалик қилиш бўйича дунёда биринчи ўринда туради. Япония эса нодир металллар истеъмоли бўйича дунёда энг юқори ўринни эгаллаб келади. 2010 йилда қирғоқ бўйини кўриқловчи японлар ва Хитой кемачилари ўртасида юзага келган келишмовчиликлар туфайли [13] Хитой Японияга нодир металлларни экспорт қилишга эмбарго қўйди. Бу воқеа Япониянинг Марказий Осиёга бўлган қизиқишини янада оширди.

Иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида Япония ҳукумати тарафдан Марказий Осиёга навбатдаги расмий ташриф амалга оширилди.

2015 йил октябрь ойида Япония Бош вазири Синдзо Абе Марказий Осиёнинг 5 та давлатига ташриф буюриши Япония тарихида Бош вазир томонидан мазкур минтақанинг барча давлатларига қилинган биринчи ташриф бўлди. Учрашувлар давомида жами 87 та ҳужжат имзоланган [14,Б.343].

2015 йилнинг 22-28-октябрь кунлари Синдзо Абэнинг ҳар бир Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари билан учрашуви Япония сиёсатчилари томонидан катта натижалар олиб келиши режалаштирган эди. Бунда асосий мақсадлар "Марказий Осиё+Япония" мулоқот дастурини янада ривожлантириш, ушбу давлатлар билан савдо-иқтисодий, сиёсий алоқаларини яхшилаш кўзда тутилган эди. Япон наشريётида келтирилган манбаларга кўра, ташрифлардан қуйидаги хулосавий натижалар келтирилди:

- Япония ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатлар мустаҳкамланди;

- Минтақанинг 5 та давлатида ҳам Япония дипломатиясига нисбатан яхши муносабат билдирилиши аниқланди;

- Япония Бош вазири билан биргаликда япон тадбиркорларининг ташрифи

тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ҳамкорликни кучайтирди;

- Жами 50 та ташкилот, жумладан хусусий фирмалар вакиллари ташриф буюриб, 3 та давлат (Туркменистон, Ўзбекистон ва Қозоғистон)да бизнес форумлари ўтказилди;

- Хусусий ва жамоатчилик соҳалари бўйича 87 та ҳужжат имзоланди;

- Абэнинг нутқларида "бизнес учун имкониятлар яратишга 3 трл. иена ажратилишини маълум қилди [15].

Минтақадаги барча давлатлар Япония Бош вазирининг ташрифини яхши кутиб олди. Япония ТИВ нинг 2015 йил ҳисоботи бўйича чиқарилган китобида Ўзбекистон Япониянинг тинчликка ҳисса қўшишда фаол ҳаракатини юқори баҳолаганлигини таъкидлаган [16].

Умуман олганда, Япония ўзининг кучли иқтисодий, илмий, илмий-техникавий салоҳияти билан жаҳон сиёсатида ўзига хос аҳамиятга эга. Япония Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик бўлишидан манфаатдор. Чунки минтақада осойишталик бўлсагина, ўзаро алоқаларни янада ривожлантириб бориш имконияти кенгайиб боради. Улар ўртасидаги ҳамкорликнинг ривожланиши минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда устуворлик қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Rakhimov M. Central Asia and Japan: Bilateral and multilateral relations// Journal of Eurasian Studies. - 2014. №3. - P.77

2. Tetsuya H. Presentation paper (abstract) for the "International Conference on Central Asia and North Cyprus Relations" to be held between 20-21 2008 in TRNC "Central Asia and Japan- Japan's Silk Road Diplomacy".

3. Takeshi Y. Japan's Multilateral Approach toward Central Asia. - P.75/src-h.slav.hokudai.ac.jp /coe21/publish/ no16.../04\_yuasa.pdf

4. Khoshimov V. Foreign policy of Japan and Central Asia. - P.7// www2.jiia.or.jp/pdf/.../081218-Valijon\_N\_Khoshimov.pdf

5. Qosimova Z.G. Yaponiya va Uzbekiston o'rtasidagi o'zaro hamkorlik munosabatlarida madaniy qadriyatlar va an'analarning o'rni./Jahon siyosatining dolzarb muammolari: ilmiy maqolalar to'plami. -T.: ToshDShI, 2012. - P. 195. (Kosimova ZG The role of cultural values and traditions in the relationship between Japan and Uzbekistan.-T .: TashSMI, 2012. - P. 195).

6. Karasawa K. Peaceful and prosperous Central Asia and international corporation: Japanese perspectives on transport and communication issues/Sanathanam K., Dwivide R.India and Central Asia: advancing the common interest. - New Delhi: Institute for Defence Studies and Analyses; Anamaya Publishers, 2004. - P.194

7. Sadykova R. Japan's Policy towards the Countries of Central Asia/International Science Index, Humanities and Social Sciences Vol:7, №8 2013/waster.org/Publication/16055

8. Dobrinskaya O. Japan and Turkmenistan on the way towards closer cooperation/ <http://analitika.org/en/tj-tk/tt-foreign-affairs/55-japan-and-turkmenistan-on-the-way-towards-closer-cooperation.html>

9. Karasawa K. Peaceful and prosperous Central Asia and international corporation: Japanese perspectives on transport and communication issues/ Sanathanam K., Dwivide R. India and Central Asia: advancing the common interest. - New Delhi: Institute for

Defence Studies and Analyses; Anamaya Publishers, 2004. - P. 194-195.

10. Rakhimov M. Central Asia and Japan: Bilateral and multilateral relations. // Journal of Eurasian Studies. - 2014. №3. - P. 79

11. Rakhimov M. Central Asia and Japan: Bilateral and multilateral relations // Journal of Eurasian Studies. - 2014. №3. - P. 84.

12. Yurtimiz delegatsiyasi Dushanbe shahriga tashrif buyuradi // <http://uza.uz/oz/world/yurtimiz-delegatsiyasi-dushanbe-sha-riga-tashrif-buyuradi-19-05-2019>

13. Yaponiya i Tsentralnaya Aziya: oshibiy otnosheniya (Japan and Central Asia: especial relations.) 22-11-2016/<http://www.caa-network.org>

14. 我が国の通商政策上の対応の方向性.(Direction of response in Japan's trade policy) White Paper on International Economy and Trade, 2016. – P. 343 // [http://www.meti.go.jp/report/tsuhaku2016/.../2016\\_03-02-01.pdf](http://www.meti.go.jp/report/tsuhaku2016/.../2016_03-02-01.pdf)

15. 相木俊宏.我が国の対中央アジア外交. 外務省中央アジア担当特別代表（大使）. 2016年9月28日「中央アジア+日本」対話第9回東京対話. Toshihiro A. Japan's Central Asian diplomacy Ministry of Foreign Affairs Special Representative for Central Asia). September 28, 2016 "Central Asia + Japan" Dialogue The 9th Tokyo Dialogue // [www.mofa.go.jp/mofaj/files/000193849.pdf](http://www.mofa.go.jp/mofaj/files/000193849.pdf)


16. Diplomatic Bluebook 2016. Japanese Diplomacy and Global Affairs in 2004. Ministry of Foreign Affairs, Japan. – P.125. // [www.mofa.go.jp/](http://www.mofa.go.jp/)

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Нарзуллаева Ниҳола Абдурахмановна  
Ўзр Фа Абу Райҳон Беруний Номидаги  
Шарқшунослик Институти кичик илмий ходими

## ХИВА ХОНЛИГИ МЕТРОЛОГИК ТИЗИМИ

*For citation: Nihola A. Narzullaeva. Metrological system of Khiva khanate. 2019, vol. 23, issue 2, pp. 96-101*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-23-12>

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ёрдамчи тарихнинг кам ўрганилган соҳаларидан бири - тарихий метрологик тизим ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, сўнгги ўрта асрларда Хива хонлиги ҳудудларида амалда бўлган бириклар ва уларнинг таҳлили тарихий ҳужжатлар асосида келтирилиб, уларнинг миқдорий тафовутлари, ўрганилиш даражаси тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** метрология, антропометрия, аршин, хива санги, , пуд, фунт, герех, саржин.

Нарзуллаева Ниҳола Абдурахмановна,  
Институт востоковедения имени Уз Фа Райхана Беруни  
младший научный сотрудник

## МЕТРОЛОГИЧЕСКАЯ СИСТЕМА ХИВИНСКОГО ХАНСТВА

### АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена исследованию метрологических терминов, встречающихся в исторических документах Хивинского ханства. Особое внимание в исследовании уделено определению метрологических единиц, описывающих меры длины, объёма, площади, веса, и способам их применения на практике. Кроме того, автор проводит сопоставительный анализ сведений, приводимых в документах, с другими известными историческими источниками XIX в.

**Ключевые слова:** метрология, антропометрия, аршин, хивинский камень, пуд, фунт, герех, сажень.



**Nihola A. Narzullaeva,**  
The Institute of Oriental Studies named after  
Abu Rayhan Al-Biruni Academy of Sciences  
of the Republic of Uzbekistan  
Junior researcher

## METROLOGICAL SYSTEM OF KHIVA KHANATE

### ANNOTATION

The article on the basis of historical documents examines metric units that were used in the late Middle Ages in the Khiva Khanate and the differences between the sizes of those units. Special attention in the study is paid to the definition of metrological units, describing the measures of length, volume, area, weight, and methods of their application in practice. In addition, the author carries out a comparative analysis of the data given in the historical with other well-known historical sources.

**Key words:** metrology, anthropometry, arshin (unit of length), Khiva stone, pood, pound, gereh(unit of weight), sajen (unit of length).

Сўнги ўрта асрларда Хива хонлигида мавжуд бўлган сиёсий вазият унинг иқтисодий, ижтимоий соҳалари ривожини тўхтатиб қўймади. XIX асрда Ўрта Осиё сиёсий, ижтимоий ҳаётини ўзида акс эттирган Хоразм тарихнавислик мактабига тегишли манбалар бисёр. Бу муҳим манбалар қаторига тарихий ҳужжатларни ҳам киритишимиз мумкин. Хива қозилик ҳужжатларининг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда келтирилган маълумотлар Хива хонлигининг ижтимоий, иқтисодий ривожланиш жараёнини чуқурроқ англаш, таҳлил қилиш имконини беради. Ҳозирда бу ҳужжатлар П 3-20170925244 "ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондларида сақланаётган тарихий ҳужжатларнинг реставрацияси" гранти доирасида таъмирланмоқда.

Қозилик ҳужжатларида келтирилган маълумотларда турли мавзуларга оид масалалар ўрин эгаллаган [9,Б.693]. Уларнинг деярли барчасида ўлчов бирликларини учратиш мумкин. Булар сатҳ, узунлик, ҳажм ва оғирлик бирликлари бўлиб, айримлари чамаловчи сифатида ҳам қўлланилган. Албатта, уларнинг баъзиларини метрик тизимга солиш бироз мураккаб, лекин шунга қарамасдан мутахассислар томонидан бунга ойдинлик киритишга ҳаракат қилинган [6,Б.55].

Хонлик ҳудудидаги шаҳар ва қалъаларда халқ ҳунармандчилигининг кўплаб турлари ривож топган эди. Товар пул муносабатлари ривожланишига ҳунармандчилик маҳсулотлари, уларга бўлган талаблар каби омиллар ўз таъсирини кўрсатган. Маҳаллий метрологик тизим деҳқонлар, ҳунармандлар кундалик турмушларининг ажралмас бўлаги бўлганидек, товар-пул алмашинуви ривожиди ҳам шунчалик муҳим ўрин эгаллаган. Казбеков Ю. ва баъзи норасмий мухбирларнинг берган маълумотларига кўра, савдода бу бирликларнинг аниқлигини назорат қилувчи амалдорлар бўлиб, уларни раис Қўқонда эса бу амал эгаларини қози раис деб атаганлар. Рус босқинидан сўнг бу амал бекор қилинган [8,Б.22]. Бозорларда тарози қадоқ тошларининг етишмаслиги ва қимматлиги боис уларни чақиртошлар билан алмаштиришган. Шу сабабли тарозилар тош [11,Б.31-31а] , хивақ тоши, хива санги деб атала бошланган. Пантусов Н. фикрича, тарози тошлари - гиряларнинг (қадоқ тош) чақиртошлар билан алмаштирилиши шубҳали бўлган

[13,Б.130]. Маҳаллий меъёрларга тўхталадиган бўлсак, у ҳеч ким томонидан назорат қилинмаган, яъни кундалик турмушда бунга зарурат ҳам йўқ эди.

Хужжатларда туманлар, уларга қарашли бўлган масжидлар, уларнинг имомлари ҳақидаги маълумотлар ҳам келтирилади [6,Б.32]. Метрологик тизимда бирликлар ҳудуд ва давр жиҳатидан кескин фарқ қилган. Мана шу ҳолат тадқиқотларда бироз ноқулайликларни келтириб чиқаради [7,Б.17]. Хива мисолида ҳам буни учратиш мумкин, яъни Хива хонлиги ҳудудида жойлашган туманларда бирликлар миқдорида тафовут кўп учрайди. Қозилик ҳужжатларида келтирилган бирликлар ҳам алоҳида тадқиқотни талаб этади. Куйида уларни келтириб ўтамиз:

Ағри оғирлик ва сатҳ ўлчов бирлиги саналиб, фақат Хивада муомалада бўлган дейиш мумкин. Унинг миқдорида тўхталадиган бўлсак, Давидович Е.А. фикрича, 1 ағри маҳаллий Хоразм бирлигида - 13 мисқолга (?4,53 г.) тахминан, 58,89 г, га тенг миқдор бўлган [3,Б.95]. Ағри атамаси ағри, оуври каби кўринишларида ҳам ишлатилган. Тарози палласи бироз оғирроқ келганда сотувчилар "оғири билан беряпман" деб айтишади. Фикримизча, айнан шу ҳолатда, тахминан 60 гр миқдордан сотувчининг харидор фойдасига ўтишида ағри бирлигидан фойдаланилган. Баъзи маълумотларда эса, унинг миқдори 1/80 ботманга яъни, 250 гр га тенг миқдор келтирилади [9,Б.649]. Келтирилган бу миқдорлар орасидаги фарқ деярли 4 барабарга тенг. Рабғузий асарида бу бирлик оғри шаклида учрайди аммо, пул маъносида фойдаланилган [11,Б.225]. Шунингдек, бу бирликдан ер майдонларини ўлчашда ҳам ишлатилган. Унинг тахминий миқдори ҳужжатда 20 ағри ер ярим танобга тенг деб келтирилади [14,Б.41]. Агар Хива таноби 3816 - 3852 кв.м., га тенг бўлса, унда ярим таноб 1908- 1926 кв.м., га тенг шундан келиб чиқадиган бўлсак, 1 ағри 95,5 - 96,3 кв.м., га тенг миқдор бўлади. Шу ўринда таноб миқдорини Давидович Е.А. 4037 кв м. деб келтиради, фикримизча бу миқдорда бироз хатолик ўтган.

Араба - арба [14,Б.2] юк миқдорини чамалаш учун қўлланилган: бир араба ўтин. Ибн Фадлан унинг сифими 1000 ратл [5,Б.69] га тенг бўлганлиги ҳақида маълумот беради, агар 1 ратл Давидович Е.А. маълумотларига асосан 458 гр тенг бўлса, унда 1000 ратл 458 кг атрофида бўлган. Хужжатларда асосан донли маҳсулотларнинг миқдори араба орқали келтирилади;

Арқон - атамаси ҳам ҳужжатларда учрайди, ер ўлчашда қўлланилган бўлиб, тахминан, 15 қулочга ( қулоч -антропометрик бирлик )тенг миқдор;

Аршин [14,Б.75]- узунлик ўлчов бирлиги. Будагов Л.З. ареш, ариш,аршун каби шакллари келтиради [1,Б.28]. Хоразм, Бухоро ва бошқа ҳудудларда амалда бўлган бирлик, тахминан 71,12 см га тенг бўлиб [3,Б.109], асосан қурилиш, матолар ўлчашда қўлланилган;

Ботмон (Хива ботмони ва Хива бозори ботмони кабилар ҳам учрайди [14,Б.10])- оғирлик ва сатҳ ўлчов бирлиги, сўнгги ўрта асрларда унинг вазни ортган ҳолатини учратамиз. Тахминимизча, сўнгги ўрта асрларда рус ўлчов бирликларининг кириб келиши маҳаллий бирликлар миқдорларининг ортишига сабаб бўлган. Масалан: маннинг пудга (1 пуд = 16,38 кг) мослашуви ва ҳокозолар, фақат антропометрик бирликлар бундан мустасно бўлган. Хоразмда бу бирликнинг икки хил тури амалда бўлган. Улар асосан миқдори билан фарқ қилган. Хоразмда мисқол 4,53 гр. тенг бўлса, Давидович тадқиқотларида ботмон 4416 мисқолга яъни 20 кг. атрофида миқдорни келтиради. Иванов бу миқдордан анча фарқ қилган тахминан 40 кг.ли ботмон ҳам амалда бўлгани ва асосан Хонқа, Урганч, Кўнғирот каби шаҳарларда

ишлатилгани ҳақида маълумот беради [6,Б.55]. Бу ҳудудлардан Хонқа ва Урганч бир бирига яқин аммо, Қўнғирот бу иккисидан анча узоқда жўйлашган. Одатда бир бирига яқин ҳудудларда миқдорлар айнан бўлмасада, бир бирига яқин ҳолатда учрайди. Пантусов қайдларида Хива ботмони 1пуд ва 7фунт (1 қадоққа ? 409 гр тенг миқдор) аниқроғи, 19 кг 243 гр тенг бўлгани ҳақида маълумот келтиради [13,Б.130]. Бу миқдор Давидович келтирган маълумотга яқин, шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Хива ботмони 20 кг атрофида бўлган.

Булак ер, Қитъа [14,Б.159] - сатҳ ўлчада қўлланилган тахминий миқдор, унинг аниқ қиймати номаълум, бу каби бирликлар асосан, қандайдир ҳолатларга чамалаб аниқланган. Масалан: йукрум ер [10,Б.777]бир югуришда босиб ўтиладиган ер бўлаги каби;

Вазн-и сабъа - "еттилик вазни" бу бирлик асосан танга миқдори ўлчамини ифодалашда ишлатилиб, мисқолга асосланади. Тахминан 7 мисқол атрофида бўлган, агар Хоразмда мисқол 4.53 гр. атрофида бўлса, унда 31.71 гр. га тенг бўлган;

Газ [14,Б.164]узунлик ўлчов бирлиги 58см - 1 м ораллиғидаги миқдор. Тарихчи олим М.Е.Массон бу бирлик ҳақида "...газ узунлик ўлчов бирлиги бўлиб, тахминан қўлнинг елка баробар ёнга чўзган ҳолатдаги бармоқ учидан ўмов ўртасигача ёки елкасигача бўлган узунликка баробар. Газ ўлчовидаги ноаниқлик сабабли унинг бирор андозаси мавжуд бўлмаган".Инглиз сайёҳатчиси Хэнвей Ж. маълумотларида уни 12 дюймга (унция, сам (бош бармоқ)) тенг миқдор деб келтиради [15,Б.351]. Агар 1 инглиз дюйми 25,4 мм бўлса,  $12 \text{ Ч } 25.4 = 30.48$  см бўлади. Бу миқдор газ учун кичик бўлиб, бу миқдорда хатолик мавжуд. Хоразмда газнинг 2 тури амалда бўлган. Газе масоҳот (ер майдонларини ўлчада қўлланилган ) ва кундалик турмушда амалда бўлган газ (асосан мато ўлчада). Газе масоҳот 49 ангушт/бармоқ/асбаъ(2.18 см) га, мато ўлчада қўлланилган газ эса, 28 ангушт/бармоқ/асбаъ (2.18 см)га, аниқроғи  $28 \text{ Ч } 2.18 = 61.04$ ,  $49 \text{ Ч } 2.18 = 106,82$  см тенг бўлган;

Қари [14,Б.610] антропометрик узунлик ўлчов бирлиги, қўл учидан тирсаккача бўлган масофа, асосан мато ўлчаш, бинолар қурилишида фойдаланишган. 1 қари 6 тутамга, 1 тутам 4 бармоққа, шунда 24 бармоққа тенг, агар 1 бармоқ 2.18 см бўлса, унда  $24 \text{ Ч } 2.18 = 52.32$ см. тенг бўлган. Шунингдек, 1,5 қари (75 см) ҳам амалда бўлган [10,Б.909]. Кейинги миқдордан кўп ҳолларда бино қурилишида фойдаланишган. Давидович Е.А. Хоразмда бу бирлик 2 аршин ( $2 \text{ Ч } 71,12 = 142,24$ ) ва 1 герех (герех= газ ?16 ? 6.68)га , яъни бу миқдорларни яхлитлайдиган бўлсак,  $148,865 \text{ ? } 149$  см га тенг бўлганини қайд этади. Бу 1 м 49 см атрофида бўлиб, қари учун катта миқдор, ўртача гавда тузилишига эга бўлган инсоннинг қўл учидан тирсагигача бўлган масофа 149 см бўлиши мумкин эмас. Қари ўлчов бирлигининг кара шаклини баъзи маълумотларда учратиш мумкин [12,Б.191]. Унинг миқдори Исмоилов Н. ва Бўриев О. фикрларича 55 см атрофида бўлган. Г.Остонова манба асосида келтирган маълумотларида 1 газ 18 кара (қари) ва 3 чорак кара (қари)га тенг миқдор келтирилади. Бундан келиб чиқадики, 1 газ 10,31 м га тенг бўлган. Аммо, 1 газ миқдори сўнги ўрта асрларда 0,58 см дан 1 м ораллиғида бўлган. Демак, юқоридаги кара орқали қайд этилган газ миқдорида хатолик бор. Негаки, газ бу қадар йирик қийматда учраймайди. Бу бирликдан ҳозирда ҳам фойдаланилади, кундалик ва баъзи соҳа вакиллари учун унинг афзалликлари бор;

Лаган [14,Б.587] рўзғор анжоми, катта ва кичик турлари бўлиб, 20-45 кг атрофида

бўлган, бундан ташқари коса, лавоб коса, бодиа (байдо тахминан 0.5-1 кг), дўнғир (бидон, дўлча) каби анжомлардан ҳам фойдаланишган;

Ман оғирлик ва сатҳ ўлчови бирлиги, ботман билан синоним равишда амалда бўлган;

Мисқол [14,Б.20] оғирлик ўлчов бирлиги, 4-4,54 гр миқдор оралиғида бўлган. Давидович Е.А. сўнги ўрта асрлардаги Хива мисқолининг миқдори 4,53 гр. эканлиги ва бу бирлик ўрта катталиқдаги 96-100 арпа донига тенг миқдор бўлганини қайд этган. 1 арпа дони тахминан 0.06гр бўлса, унда 100 донга арпа 6 гр га, агар 96 донга арпа бўлса, унда 5,76 гр га тенг миқдор бўлади. Давидович келтирган миқдор ва чамалари орасида 1.23-1.47 гр. атрофида тафовут мавжуд. Бунга арпанинг нави, ўлчов асбобларидаги фарқлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Казбеков Ю. мисқолни савдодаги энг кичик бирлик бўлгани, уни рус золотникига тенглаштирилгани ҳамда, бу бирликда асосан бўёқ моллари, ипак, кумуш ва умуман қимматбаҳо буюмлар ўлчанганини мақоласида қайд этган. Савдода маҳаллий бирликлар билан бир қаторда рус ўлчов бирликлари ҳам қўлланилган. Пантусовнинг маълумотларига кўра одатда рус пуди (16,38 кг) ва фунтда (қадокда) Россиядан келган моллардан: чой, шакар, мис буюмлари, пўлат, темир ва маҳаллий моллардан эса, ипак ўлчанган [13,Б.130].

Саржин [14,Б.970] ёки сажен ( қулаж ) антропометрик бирлик, қўлнинг елка кенлигида узатилган ҳолатининг оралиғидаги масофа бўлиб, Пантусовнинг, маълумотларида бу бирлик 3 аршинга, яъни 2.13 м [13,Б.118] га, Давидович фикрича [3,Б.118] , 2,5 аршин 177-178 см қийматида учрайди. Давидович сажен ва қулочнинг миқдор жиҳатидан бир биридан катта фарқ қилган миқдорлари ҳақидаги маълумотларни ҳам келтириб ўтади [3,Б.118].

Сир, сири [14,Б.24] оғирлик ва сатҳ ўлчов бирлиги. Хивада ундан ер ўлчашда кенг фойдаланилган. Давидович Е.А. бу бирликни тахминан 1/40 манга (ботман),  $4416\text{Ч}4.53 \cdot 40 = 500$  гр га тенг миқдор бўлганини қайд этади. Бу бирлик кўплаб ҳудудларда миқдор жиҳатдан фарқлар билан амалда бўлган [3,103]. Унсир (10та сир) бирлигидан Хоразмда кўп фойдаланилган ва бу бирлик  $1 \cdot 4$  манга =  $4416\text{Ч}4.53 \cdot 4 = 5000$ гр = 5 кг атрофида бўлган;

Таноб [14,Б.36] бирлиги ҳужжатларда кўп учрайди. Бу бирликдан катта майдонлар сатҳини ўлчашда фойдаланилган. Таноб ҳамма томонлари тенг бўлган майдон сатҳи қиймати яъни,  $60 \text{ газ} \text{Ч} 60 \text{ газ} = 3600$  кв. агар газ 106-107 см га тенг бўлса, унда  $3600 \text{Ч} 106 (107) = 381600 (385200)$  см = 3816 м (3852 м) атрофида бўлган. Таноб ҳақида келтирилган маълумотлар жуда мунозарали, баъзиларида унинг қиймати 400-900 саржин, Иванов тадқиқотида 1200 саржинга тенг миқдорини келтиради (бу тахминан 852-1917 м, 2556 м) [6,Б.20]. Унинг фикрича, Хивада 5-6 таноб ери бор киши ўзига тўқ саналган [6,Б.25], яъни эгалик қиладиган ер миқдори унинг яшаш шароитини англаган. Игнатъев маълумотларига кўра, XX аср бошларида танобнинг 900 кв сажен (саржин), 0.42 гектар (1ар=10000 кв м) тенг бўлган [7,Б.17]. Келтирилган миқдорларни таққослайдиган бўлсак, давр ўтган сайн қийматларнинг ортганлигини кўзатиш мумкин;

Фарсах (фарсанг) қадимий ўлчов бирликларидан бири, узунлик, асосан узоқ масофаларни ўлчашда қўлланилган. Унинг қиймати 6-8 км оралиғида ўзгариб турган.

Хива қозилик ҳужжатларини метрологик тизим тадқиқотида жалб этилиши бу соҳа тадқиқоти учун муҳимдир. Ҳужжатларда келтирилган бирликлар таҳлили

яқунини топмайдиган асарга ўхшайди. Шунга қарамасдан, изланишларимизга таяниб хулосамиз қуйидагича:

Ҳужжатлар ва уларда келтирилган маълумотларнинг юридик мазмунга эга эканлиги, тадқиқот манбасининг аҳамиятини янада орттиради. Метрик бирликлар шаръий ва халқона турларга бўлинган. Демак, ҳужжатларда келтирилган метрик бирликларнинг баъзилари шаръий асосга эга бўлган. Метрологик тизим тадқиқоти учун бу маълумотлар жуда аҳамиятли. Аммо, метрологик тизим тадқиқоти Марказий Осиё мисолида жуда суст ривож топмоқда. Бунга сабаб қилиб,

- яхлит тадқиқотлар камлиги, Марказий Осиё метрологик тизими ҳақида мавжуд изланишларнинг баъзиларида Хинц ва Давидович Е.А. тадқиқотларининг айнан таржима қилинган шаклда келтирилган ҳолатлари ҳам мавжудлиги

- маълумотларнинг бир бирига зид эканлиги, баъзи тадқиқотларда бирликлар нотўғри қийматларда келтирилиши, бу қийматлар эса бирликларнинг ҳақиқий миқдорига айланиб бораётганлиги кабиларни айта оламиз.

Бу муаммолар ўзининг илмий ечимини топиши шу соҳада изланиш олиб бораётган тадқиқотчиларнинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ. Умуман олганда ҳужжатларда келтирилган бирликлар ва уларнинг таҳлили Марказий Осиё метрологик тизимини яхлит тадқиқ этилишига катта туртки бўлади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Budagov L.Z. Sravnitelniy slovar turetsko-tatarskix narechiy. V 2-x t. -SPb., 1869.
2. Gusarova T.P., Dmitriyeva O.B., Fili pprov I.S. Vvedeniye v spetsialniye istoricheskiye distsi plini. - M., 1990.
3. Davidovich Ye.A. Materiali po istorii srednevekovoy Sredney Azii. -M., 1970.
4. Juvonmardiyev A. XVI-XIX asrlarda Farg'onada yer-suv masalalariga doir. - T., 1965.
5. Ibn Fadlan. Kniga Axmada Ibn Fadlana, o yego puteshestvii na Volgu v 921- 922гг. - X., 1956.
6. Ivanov P.P. Arxiv xivinskix xanov XIX vv. Issledovaniye i opisaniye dokumentov s istoricheskim vvedeniyem. - L., 1940.
7. Ignat'yev K. Tablitsi dlya perevoda mestnix zemelnix mer UzSSR v ruskiye metrisheskiye. - S., 1928.
8. Kazbekov Yu. Tuzemniye meri i vesi v Ferganskoy oblasti// Turkestanskiye Vedomosti. 1877. №6.
9. Katalog xivinskix kaziyskix dokumentov. XIX- nachalo XX vv. -Tashkent, Kioto. 2001.
10. Maxmud al-Kashgari. Divan Lugat at-turk/ Perevod i predisloviye, kommentarii A.M.Auezovoy. - A., 2005.
11. Nosiruddin Burxonuddin Rabg'uziy. Qisasi Rabg'uziy. I kitob. -T., 1990.
12. Ostonova G. Hisob bo'yicha noyob qo'llanma // Sharqshunoslik. -T., 2004. №12
13. Pantusov N. Vesi i meri v Sredney Azii (Torgoviy ves)// Turkestanskiye Vedomosti. 1874. №33.
14. O'zR FASHI Qo'lyozmalar fondi Tarixiy hujjatlar № 2, 9, 10, 20, 24, 30, 31, 31a, 36, 41, 51, 75, 159, 164, 610, 587, 970.
15. Hanway J. An historical account of the British trade over the Caspian Sea, vol. I. London, 1753.

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

**№23 (2019)**

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амир Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000